

**ПАЙҒАМБАРИМИЗ**  
*(соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг*  
**МУБОРАК 101 ДУОЛАРИ**

*(Матн, таржима ва шарҳ)*

*Қайта нашр*



Тошкент  
2018

**УЎК: 297**  
**КБК: 86.38**  
**П 15**

*Ушбу китобдан Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳис-салом) биз умматларига тавсия этган 101 дуолари ўрин олган. Китобхон дуонинг асл матни, ўқилиши ва таржимаси билан танишиш баробарида ушбу дуоларнинг кундалик ҳаётдаги фойдаларидан ҳам баҳраманд бўлади.*

**Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг муборак 101 дуолари/** масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур; нашрга тайёрловчи: Анвар Аҳмад.  
– Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. – 144 б.

*Наширга тайёрловчи:*  
Анвар АҲМАД

*Масъул муҳаррир:*  
Шайх Абдулазиз МАНСУР

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2017 йил 13 ноябрдаги 7281-сонли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

**УЎК: 297**  
**КБК: 86.38**

ISBN 978-9943-12-485-1

© Анвар АҲМАД,  
© «Movarounnahr», 2018.

---

# 5

## Сўзбоши

Оламлар Парвардигорига сўнгсиз ҳамд бўлсин. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га, у зотнинг оилалари ва асҳобларига дунё тургунча салоту салом бўлсин.

Бу китоб Аллоҳ оламларга нур қилиб юборган Муҳаммад пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) муборак дуолари ҳақидадир. Дуо инсоннинг Раббига илтижосидир. Дуо ҳам ибодат саналади. Дуода бандда **«иййака настаъин»**, деб Аллоҳга тилаklarини билдиради. Фақат Ўзидан сўрайди. Одатда, намоз ибодатидан кейин дуо қилинади. Зеро, Қуръонда **«иййака наъбуду»** – **«Биз фақат Сенга ибодат қиламиз»** иборасидан кейин **«иййака настаъин»**, яъни: **«Фақатгина Сендан сўраймиз»**, деган калом келади. Аллоҳ таолодан қай йўсинда сўраш одобларини ўрганишда ҳам Муҳаммад (алайҳиссалом) биз учун намунадирлар. У зотнинг дуолари энг мукамал илтижо ва ёлворишлардир. Дунё яралганидан бери бундай муборак мақомга Аллоҳнинг бошқа бандаси асло муяссар бўлган эмас. Шу маънода Муҳаммад пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг дуолари энг қимматли хазинадир. Биз шу хазинадан бир юз бир дуони ушбу китобда жамладик. Ўқувчига фойда беради, иншааллоҳ. Чунки улар инсониятнинг энг катта жавҳари, инсонни Раббига боғлаб, суюкли қиладиган энг буюк ёлворишлардир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар дуони «Аллоҳумма», деб бошлар эдилар. Бундаги буюк

илоҳий сир шудир: «Алоҳумма»даги “мим” ташдидли бўлиб, бир банда «Аллоҳумма», деса, Аллоҳнинг 99 гўзал исмини зикр қилган ва у билан Аллоҳга ёлворган ҳисобланади. Банда дуонинг бошидаёқ Аллоҳнинг барча гўзал исмлари билан Унга йўналган бўлади. Шунинг учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча дуоларини «Аллоҳумма» билан бошлаганлар. Барча ёмонликлардан ҳам бу асмои илоҳияни васила қилиб паноҳ сўраганлар.

Бу муаззам асрори Субҳониянинг ушбу калима билан ифода қилиниши бизга ундаги буюк ёлворишни, унинг улуғ робита ва васила эканини кўрсатади. Олимлар шу боис «Аллоҳумма»ни Исми аъзам дейдилар.

«Аллоҳумма» «Ё Аллоҳ» деган маънони ифода қилади. Уни бошқа исм билан алмаштириб бўлмайди. У шериксиз, ўхшаши йўқ Зотнинг муборак исмидир. Инсон «Аллоҳумма», деганида Аллоҳни 99 гўзал исми билан эслайди. Муборак дуолар бошида «Аллоҳумма» келишининг сабаби шу тариқа ўртага чиққач, инсон барча дуоларда бошқа-бошқа сирлардан воқиф бўлиб, ҳайратга тушади. Аллоҳ ва расулини янада қаттиқроқ севади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак оғизларидан чиққан дуоларни ўрганиш билан ўзини бахтиёр ҳис қилади. Бу муборак дуоларни билган, қалбларига жойлаштираган, Аллоҳни ва Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни севган кишилар нақадар бахтиёр инсонлардир.

**Анвар ТУРСУН,**  
*Тошкент шаҳар бош имом-хатиби*

## 1. Аллоҳга ёлворишлар жамланган дуо

اللَّهُمَّ أَعِنِّي عَلَى ذِكْرِكَ وَشُكْرِكَ وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ.

**Аллоҳумма аъинний ʔала зикрика ва шукрика ва ҳусни ибадатика.**

*Маъноси:*

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ, Сени зикр қилиш, Сенга шукр этиш ва Сенга холис ибодат қилишимда ёрдам бер», деб дуо қилмоқдалар.

**Шарҳ:**

Бир куни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг сеvimли саҳобаларидан бири Муоз ибн Жабал ҳазратларининг қўлларидан ушладилар ва унга:

– Эй Муоз! Қасам ичаманки, сени яхши кўраман. Намоздан кейин шу муборак дуони асло тарк этмаслигини сенга тавсия қиламан, – дедилар.

Ҳазрат Муоз умрларининг охирига қадар бу муборак дуони намоздан кейин ўқиганлар. У киши ҳам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг шу муборак дуоларини ўқишни тавсия қилганлар. Ушбу дуода барча ёлворишлар жамлангандир, Аллоҳ наздида жуда қимматли бўлган бир дуодир.

Аллоҳни эслаш, Унга шукр этиш, Унга холис ибодат қилиш – барча набий ва валийларнинг дастурлари шу бўлган. Аллоҳнинг энг сеvimли бандалари – расуллар ва валийлар доимо шу дастурга амал қилганлар. Зеро, Аллоҳ таоло имон келтирганларга бундай буюрган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا

**Я айюҳаллазийна аману узкуруллоҳа зикрон касиро.**

«Эй имон келтирганлар, Аллоҳни кўп эсланглар» (Аҳзоб, 41).

Ва яна Довудга (алайҳиссалом) бундай буюради:

اعْمَلُوا آلَ دَاوُودَ شُكْرًا وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِيَ الشَّكُورِ

**Иъмалув аала Давуда шукрон ва қолийлум мин ибадияш шакур.**

«(Эй) Довуд хонадони, (Аллоҳ сизларга ато этган бу неъматларнинг) шукронаси учун амал-ибодат қилинглар! Бандаларим орасида шукр қилгувчи (зотлар жуда) оздир» (Сабаъ, 13).

Бундан ташқари, яна бир ояти каримада мазмунан бундай дейилади:

**«Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, У Зот учун динни холис қилган, тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир» (Баййина, 5).**

Бу ояти каримада Аллоҳга холис ибодат қилиш сири англлатилмоқда.

Ушбу уч дастур Қуръони каримнинг барча амрлари негизини ташкил қилади. Шарҳланаётган муборак дуода ҳам бу илоҳий сир кўринади. Аллоҳни кўп эслаш, Унга кўп шукр келтириш ва Унга ихлос билан ибодат қилиш тилаги бор.

Шунинг учун инсон бу дуони ўқиса, пайгамбарларнинг суннатларига амал қилган бўлиб, кўп яхшиликларга эришади. Қуръон руҳи билан тилагини

Аллоҳдан сўраган бўлади. Бу сирга биноан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) севикли саҳобаларидан бирининг қўлларидан ушлаб, унга буюк ҳақиқатни англатиш учун чин дилдан: «Қасам ичман, сени яхши кўраман», деб илтифот қилганлар. Сўнгра бу буюк мужданинг бошланғичи эканини билдириб, мазкур дуони у кишига ўргатганлар. Шу билан бирга дуолар қабул бўладиган вақт – намознинг сўнгида ўқишни тавсия қилганлар.

Биз ҳам ушбу китобни шу муборак дуо билан бошладик. Унинг қадр-қимматини чуқур англатиши учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг васиятлари каби баён қилиб, бу улуғ хабарни, ҳадяни мўминларга етказдик.

## 2. Раҳмат дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ رَحْمَةً مِنْ عِنْدِكَ تَهْدِي بِهَا قَلْبِي وَتَجْمَعُ بِهَا أَمْرِي وَتُلِمُّ بِهَا شَعْبِي وَتُصَلِّحُ بِهَا عَائِبِي وَتَرْفَعُ بِهَا شَاهِدِي وَتُرَكِّي بِهَا عَمَلِي وَتُلْهِمْنِي بِهَا رُشْدِي وَتَرُدُّ بِهَا أَلْفَتِي وَتَعْصِمْنِي بِهَا مِنْ كُلِّ سُوءٍ. اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْفَوْزَ فِي الْقَضَاءِ وَنُزُلَ الشُّهَدَاءِ وَعَيْشَ السُّعْدَاءِ وَالنَّصْرَ عَلَى الْأَعْدَاءِ.

Аллоҳумма инний ас'алука роҳматам мин ʔиндика таҳдий биҳа қолбий ва тажмаʔу биҳа амрий ва талумму биҳа шааʔасий ва туслиҳу биҳа ғоибий ва тарфаʔу биҳа шаҳидий ва тузаккий биҳа ʔамалий ва тулҳимуний биҳа рушдий ва тарудду биҳа улфатий ва таʔсимуний биҳа мин кулли сууин. Аллоҳумма инний ас'алукал

## **фавза фил қозои ва нузулаш шуҳадаи ва ʻайшас суъадои ваннасро ʻалал аъдаи.**

### **Маъноси:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечаси нафл намози учун турганларида Аллоҳга илтижо қилиб, шу муборак дуони ўқир эдилар. Бу дуо тазарруъ ичидаги ёлвориш ва ниёз намунаси эканини таъкидлар эканмиз, чуқур тафаккур қилишларини ҳам тавсия этамиз. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу муборак дуоларида Аллоҳга муножот қилиб, бундай дер эдилар: «Ё Аллоҳ, хузурингдан бир раҳмат сўрайман, у билан қалбимни ҳидоятга эриштир, ишимни интизомга сол, бечора ҳолимни тузат, қалбимни ислоҳ қил, даражамни кўтар, амалимни покла, рушдимни (тўғри йўлни топиш, яхшини ёмондан ажратиш) менга илҳом қил, уни мен билан улфат қил, мени ёмонлиқдан асра. Ё Аллоҳ, қазо-қадардаги нажот ва саломатлигимни истайман. Саидларга берган абадий ҳаётингни тилайман. Душманларга қарши ёрдамнингни сўрайман».

### **Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тун ярмида туриб, Аллоҳга дуо қилганларидан кейин турли саодат ва саломатликка эриштирувчи раҳмат дуосини ўқир эдилар. Чунки ҳамма нарса Унинг раҳмати билан ҳаёт топади. Ҳар қандай ёмонлик Унинг раҳмати билан йўқ қилинади. Бу дуо ҳам оламларга буюк раҳмат мисоли юборилган. Инсон шу муборак дуодаги раҳматнинг ҳаётбахш таъсирини ўйласа, жуда катта саодатга эришади. Раҳмат қалбларга жойлашса, инсон куфрдан имон нурига ўтган бўлади. Мушкул ишлар Аллоҳнинг раҳмати билан ечилади. Бечора ҳоллар Унинг раҳмати билан

гўзаллашади. Қалбларнинг ислоҳи, даражаларнинг юксалиши, амалларнинг холис бўлиши, инсонларнинг энг буюк камолотга эришишлари, Аллоҳнинг қулига энг буюк дўстлиги ва муҳаббати доимо шу раҳмат билан бўлгани учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак дуоларида уларни баён қилганлар. Аллоҳ таолодан: «Ё Раб! Ҳузурингдан бир раҳмат сўрайман, у билан қалбимни ҳидоятга эриштира, ишимни интизомга сол, бечора ҳолимни тузат, қалбимни ислоҳ қил, даражамни кўтар, амалимни покла, рушдимни менга илҳом қил, у билан дўст қил, мени ёмонликдан асра», деб дуо қилганларидан сўнг азалий қалам ёзган нажот ва саодат шу муаззам раҳмат билан бўлишини баён қилганлар. Шундан кейин Аллоҳнинг амрига итоатда бўлган, эзгулик йўлида юрганларга ваъда қилинган буюк мукофот, яъни улуғ неъматнинг ҳам шу раҳмат билан бўлишини айтдилар. Солиҳ бандаларига Аллоҳ ато этган чексиз неъматларни, фақат шу раҳматнинг василаси туфайли саидларга хос бўлган абадий ҳаётни истадилар. Кейин Аллоҳ душманларига қарши ўзларига ёрдам сўраб, бу буюк дуога якун ясадилар.

### 3. Уйдан чиқишда ўқиладиган дуо

بِسْمِ اللّٰهِ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللّٰهِ، اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَضِلَّ أَوْ  
أُضِلَّ، أَوْ أَزِلَّ أَوْ أُزِلَّ، أَوْ أَظْلِمَ أَوْ أُظْلِمَ، أَوْ أَجْهَلَ أَوْ يُجْهَلَ عَلَيَّ.

Бисмиллаҳи, таваккалту ғалаллоҳи. Аллоҳумма инний аъзузу бика ан адилла ав удолла ав азилла ав узалла ав азлима ав узлама ав ажҳала ав йужҳала ғалайя.

**Маъноси:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйлари-дан чиқаётганларида шу муборак дуони ўқирдилар. Аллоҳга таваккал қилиб, ўзларини Унга омонат этиб, ишларига кетардилар. Чунки ҳаётда турли инсонлар билан тўқнашардилар. Иқрор бўлганлар билан бирга инкор қилувчилар ҳам бўлгани учун Аллоҳдан бундай муаззам тилак қилардилар: «Аллоҳ исми билан бошлайман, Аллоҳга таваккал қиламан. Ё Аллоҳ, залолатга кетишдан, бошқа киши мени залолатга туширишидан паноҳ сўрайман. Ё Аллоҳ, тойилишдан, бошқа киши мени тойилтиришидан паноҳ сўрайман. Ё Аллоҳ, зулм қилишдан, бошқа киши менга зулм қилишидан паноҳ сўрайман. Ё Аллоҳ, жоҳиллик қилишдан, менга жоҳиллик қилишларидан паноҳ беришингни сўрайман».

**Шарҳ:**

Бу муборак ҳадисни Умму Салама онамиз нақл қилганлар. Мазкур дуода биз олишимиз зарур бўлган жуда катта ибрат бор. Инсон ҳар куни уйдан тижорат ёки бирон иш учун ғавғоли бозорга бориб, халқ ичига аралашади. Улар билан гаплашади. Бу суҳбатлар баъзи инсонларни залолатга тушириб қўйиши мумкин. Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) шуларни ўйлаб, дуоларини Аллоҳнинг исми билан бошлаганлар. Аллоҳга таваккал қилганларидан сўнг, шайтон васваса қилиб, залолатга кетишдан ва бировларнинг залолатга туширишидан паноҳ сўраганлар.

Шайтон, нафси аммора ҳар дам инсонни оёғидан чалиши мумкин. Шу боис Аллоҳдан ёрдам сўраш ва шундан кейингина иш бошлаш лозим. Гоҳида инсон уйдан умид билан чиқиб, тушкунлик ва саросимага туширувчи бу ҳаётда умидсиз ҳолатда уйга қайтиши мумкин. Бу қўрқинчли оламга кирмасдан

олдин Аллоҳга сиғиниш энг катта дастак бўлади. Шу буюк дастакдан бошқа дастак йўқ. Буни яхши билган одам турли-туман ёмонликлардан асровчи Аллоҳнинг инояти билан қўриқланади. Бу серғалва оламда киши шайтон ва нафси ҳавосига эргашиб, бошқаларга озор етказиши ёки бировни жаҳолатга дучор қилиши ҳам мумкин.

Инсон уйдан чиқаётганида мана шундай қўрқинчли ва таҳликали муҳитга кираётганини билиб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўргатган муборак дуони ўқиб, Аллоҳга сиғинса, моддий ва маънавий фожиаларга сабаб бўлувчи таҳликалардан узоқлашиб, турли файзу баракотларга ноил бўлади. Бу муборак дуо мусулмонман деган ҳар бир инсон учун жуда муҳим, мукаммал дуодир. Инсон фақат шундай муборак йўллардан юрибгина ҳар хил офат ва балолардан паноҳ топади.

#### 4. Эзгу ишларга тавфиқ сўраш дуоси

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي خَطَايَايَ كُلَّهَا. اللَّهُمَّ اهْدِنِي لِصَالِحِ الْأَعْمَالِ  
وَالْأَخْلَاقِ إِنَّهُ لَا يَهْدِي لِصَالِحِهَا وَلَا يَصْرِفُ عَنْ سَيِّئِهَا إِلَّا أَنْتَ.

Аллоҳумма иғфир лий хатойоя куллаҳа. Аллоҳумма ихдиний лисолиҳил аъмали вал ахлақи иннаҳу ла яҳдий лисолиҳиҳа ва ла ясрифу ъан саййиийиҳа илла анта.

*Маъноси:*

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар намоз охирида хатоларнинг авфини, гўзал ахлоқни сўраб, ёмонликдан сақланиш учун шу муборак дуони ўқир эдилар: «Ё Аллоҳ! Барча гуноҳларимни авф эт. Мени гўзал амалларга ва гўзал ахлоққа ҳидоят қил. Уларнинг яхшиларига Сендан ўзга йўлловчи йўқ.

Уларнинг ёмонларидан мени асра. Уларнинг ёмонларидан Сендан ўзга асрагувчи йўқ».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) деярли барча муборак дуоларида хатолар афвини ва гўзал ахлоқ сўраганларини кўрамаиз.

Бир шоир айтганидек, киши ўз нуқсонини билгани қадар маърифатли бўлолмайди. Бу нақадар гўзал дастур! Инсонлар маънан юксалгани сари ўз қусурларини англаб боради ва шу зайлда буюк даражаларга эришади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бутун инсонларга намуна, бутун яралмишларга раҳмат ўлароқ, умматларига доимо хатолар афвини тилаш-ни ўргатганлар.

Аллоҳ кимни ҳидоятга бошласа, унга хатосини кўрсатади. Хатокор ўз хатосини билмаса, шайтон ва ҳавойи нафсига эргашган бўлади. Хатосини англаб етганлар Аллоҳнинг суюкли қулларига айланадилар. Хатосини англаган киши ўзини ислоҳ қилиб, яхши амаллар билан гўзал ахлоққа йўл олади. Чунки Аллоҳ наздида энг яхши бандалар гўзал ва солиҳ амалли бўлганлардир. Ҳидоятга эришмаган кимса хатосини ҳам билмайди. Бундай одам ўзини яхши деб ўйлайди, шайтон ва ҳавойи нафсига эргашади. Демак, қусурини яхши билган одам ҳидоятга эришади. Инсон қусурини билгани қадар камол топади, ёмон амаллардан қутулади. Шу боис Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ёмон амалдан Аллоҳ асрашини сўраганлар ва Ундан ўзга буни ижобат қилолмаслигини билдириб, дуо қилганлар.

Шу муборак дуонинг аҳамиятини англаган му-сулмон бу ҳадиси шарифга амал қилса, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак даъват-

ларига жавоб берган бўлади ва ҳақиқий умматлар сафига ўтади.

### 5. Ўринга ётганда ўқиладиган дуо

اللَّهُمَّ أَسَلَمْتُ نَفْسِي إِلَيْكَ وَوَجَّهْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ وَفَوَّضْتُ  
أَمْرِي إِلَيْكَ وَالْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ لَا مَلْجَأَ  
وَلَا مَنجَى مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ. أَمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ  
وَبِنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ.

Аллоҳумма асламту нафсий илайка ва важ-  
жаҳту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка  
ва алжа`ту зоҳрий илайк, роғбатан ва роҳбатан  
илайк, ла малжа`а ва ла манжа минка илла илайк.  
Аллоҳумма аманту бикитабикаллазий анзалта  
ва набийикаллазий арсалта.

*Маъноси:*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳо-  
балардан бири Барога: «Ётоғингга кирган пайтинг:  
«Ё Аллоҳ, ўзимни Сенга топширдим, юзимни Сенга  
бурдим, ишимни Сенга топширдим, Сенга суяндим,  
умидим Сендан, қўрқувим Сендандир. Сендан ўзга  
паноҳ ва нажот берувчи йўқ. Туширган китобингга,  
юборган набийингга ишондим», деб ёт, агар ўша ке-  
чада ўлсанг, Исломда ўлган бўласан. Ўлмасдан тонгда  
турсанг, яхшиликларга ноил бўласан», дедилар.

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳоба  
ҳазрат Барога бу муборак дуони шу тарзда англа-  
ганлар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):  
«Эй Баро! Ётоғингга кирадиган вақтингда намоз  
учун таҳорат қилганингдек таҳорат ол. Ўнг томонинг

билан ёт ва юқоридаги дуони айт. Бу сўзлар сенинг ётишдаги энг сўнгги сўзларинг бўлсин», дедилар.

Инсон шу муборак дуони айтиб, тафаккур қилса, дунёдаги машғулотларидан, дардли ишларидан айрилиб, Аллоҳга ўзини топшириб, юзини Унга буриб, ишини Унга омонат қилган ҳолда роҳат ичида ётса, шубҳасиз, ҳузурнинг энг буюк даражасига эришади.

Қанча инсонлар бу серташвиш дунёнинг алам ва изтироблари ичра минг хил ўй-хаёл билан асабларини бузиб, тонгга қадар ухлаёлмайди. Улар қодир Аллоҳни шу тарзда таниб, ишларини Унга топширсалар, ҳам саломатлик, ҳам маънавий файз-баракот олади, саодатга эришадилар. Чунки У Қодири Мутлақ бирор ишнинг бўлишини хоҳласа, албатта, амалга ошади, тузалади. Имони бор инсон ётишдан олдин Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг шу муборак сўзларини такрорлаб, ўзини Аллоҳга таслим қилиб, Ундан умид этиб, Ундан кўрқиб, юзини Унга буриб, набийларга, китобларга имон келтирганини такрорлаб, тасдиқлаб дуо қилса ва тонгда соғ-омон турса, Аллоҳ у бандага ёрдамчи бўлади, ҳар турли моддий-маънавий яхшиликларга эриштиради.

### 6. Нур сўраш дуоси

اللَّهُمَّ اجْعَلْ فِي قَلْبِي نُورًا وَفِي سَمْعِي نُورًا وَفِي بَصَرِي نُورًا  
وَعَنْ يَمِينِي نُورًا وَعَنْ شِمَالِي نُورًا وَأَمَامِي نُورًا وَخَلْفِي نُورًا  
وَفَوْقِي نُورًا وَتَحْتِي نُورًا وَاجْعَلْ لِي نُورًا.

Аллоҳуммажъал фий қолбий нурон вафий самъий нурон вафий басорий нурон ва ёан яминий нурон ва ёан шималий нурон ва амабий ну-

**рон ва холфий нурон ва фавқий нурон ва таҳтий нурон важъал лий нурон.**

*Маъноси:*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тунги намозларини ўқиб бўлгач, самога қараб: «Ё Аллоҳ, қалбимда нур қил, қулоғимда нур қил, кўзимда нур қил, ўнг ва сўлимда нур қил, олдим ва ортимда нур қил, остим ва устимда нур қил. Менга нур бер», деб дуо қилардилар.

**Шарҳ:**

Бу муборак дуо ҳақиқатни кўриш, эшитиш, ҳақни ботилдан ажратиш учун инсонларга лозим бўлган энг комил дуолардан биридир. Чунки ҳақиқат нур ила кўрилади, нур ила билинади. Шу сабабдан бутун солиҳлар, авлиёлар бу муборак дуони нур ўлароқ қабул қилганлар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан намуна олиб, бу муборак дуони кечалари ўқиганлар.

Дуода Аллоҳдан нур сўраб, ҳақиқатни кўра олиш, ҳақ ва ботилни ажрата олиш тиланади. Бу муборак ҳидоят нури кимга насиб қилса, у инсон улуғ неъматга эришибди. Муборак дуонинг сири шундай англашилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу дуода кўзларига нур тиламоқдалар. Инсон кўзи шундоқ ҳам кўради-ку. Бу ердаги кўз нуридан мақсад ҳақ ва ботилни аниқ кўра олишдир. Ҳаётдаги барча хатолар нотўғри кўриш боис содир этилмайдими?!

Яна бу дуода Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қулоқларига нур сўрамоқдалар. Бунинг сири шуки, бу дунёда ботил фикрлар баъзан сеҳрли сўзлар билан жаранглатиб айтилади. Инсонлар бу таҳликадан қулоқларидаги ҳидоят нури билан сақланадилар.

Шунингдек, бу муборак дуода ҳар тараф – ост-уст, орт-олдин, ўнг-сўл учун нур сўралади. Бунинг сири бундайдир: куфрнинг қоронғилиги бандани буткул қоплаб олиши мумкин. Бундай хавфдан эса ҳидоят нурлари билан нажот топилади.

Дуо сўнгида эса: «Менга нур бер», дейилади. Қуръони карим Таҳрим сураси 8-оятда бундай дейилади:

رَبَّنَا أَنْتُمْ لَنَا نُورَنَا

**«Раббана атмим лана нуруна».**

Яъни, «Яхши инсонлар: «Эй Раббимиз! Нури-мизни мукамал қил!» дейдилар».

Инсон нурунинг мукамал бўлиши билан у камол топади. Бу муборак дуонинг файз-баракотига эришади. Чунки нур келганида қоронғилик чекинади, ҳидоят нури порлаганидан сўнг куфр зулматларининг ёмонликлари барҳам топади. Шу сабаб инсонлар муборак дуони ўрганишлари, доимо нур беришини, нуруни орттиришини Аллоҳдан тилаб, илтижолар қилишлари керак.

## 7. Тунда уйгонганда ўқиладиган дуо

اللَّهُمَّ لَكَ الْجَمْدُ أَنْتَ نُورُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَكَ الْجَمْدُ أَنْتَ قَيِّمُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَكَ الْجَمْدُ أَنْتَ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ أَنْتَ الْحَقُّ وَوَعْدُكَ الْحَقُّ وَقَوْلُكَ الْحَقُّ وَلِقَاؤُكَ الْحَقُّ وَالْجَنَّةُ حَقٌّ وَالنَّارُ حَقٌّ وَالنَّبِيُّونَ حَقٌّ وَالسَّاعَةُ حَقٌّ. اللَّهُمَّ لَكَ أَسْلَمْتُ وَبِكَ آمَنْتُ وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْكَ أُنْبِتُ وَبِكَ خَاصَمْتُ وَإِلَيْكَ حَاكَمْتُ فَاعْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ

وَمَا أَخْرَزْتُ وَمَا أَسْرَزْتُ وَمَا أَغْلَسْتُ أَنْتَ إِلَهِي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ.

Аллоҳумма лакал ҳамду анта нурус самавати вал арзи валакал ҳамду анта қоййимус самавати вал арзи валакал ҳамду анта роббус самавати вал арзи ваман фийҳинна антал ҳаққу ва ваъдукал ҳаққу ва қовлукал ҳаққу ва лиқоукал ҳаққу вал жаннату ҳаққун ваннару ҳаққун вассаъату ҳаққун. Аллоҳумма лака асламту ва бика оманту ва ғалайка таваккалту ваилайка анабту ва бика хосамту ва илайка ҳокамту фағфир лий ма қоддамту вама аххорту вама асрорту вама аъланту анта илаҳи ла илаҳа илла анта.

*Маъноси:*

Ё Аллоҳ! Фақат Сенга ҳамд бўлсин. Осмонлар ва ернинг нури Сенсан. Фақат Сенга ҳамд бўлсин, кўкларни ва ерни тутиб турувчи фақат Ўзингсан. Фақат Сенга ҳамд бўлсин. Зеро, осмонларнинг ва ернинг, улар ичидагиларнинг Рабби Сенсан. Ҳақ Сенсан. Ваъданг ҳақдир ва сўзинг ҳақдир. Сенга бормоқ ҳақдир. Жаннат ҳақдир. Жаҳаннам ҳақдир. Пайгамбарлар ҳақдир. Қиёмат куни келиши ҳам ҳақдир.

Ё Аллоҳ! Сенга бўйсундим. Сенга имон келтирдим. Фақат Сенга таваккал қилдим. Сенга тавба қилдим. Душманимга қарши қувватимни фақат Сендан олдим. Ҳақни инкор қилганлар билан орамизда Сени ҳакам қилдим.

Ё Аллоҳ! Барча қилган ва қиладиган, яширин ва ошқора гуноҳларимни афв эт. Сен менинг илоҳимсан. Сендан бошқа ибодатга лойиқ ҳеч бир Илоҳ йўқдир.

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечанинг жимжитлиги ичида, юлдузлар порлаганида туриб, доимо шу муборак дуони ўқирдилар. Имом Мус-

лимдан ривоят қилинган ҳадисда бу муборак дуони витр намозида, ифтитоҳ такбирида ўқиганлари ҳам айтилади. Дуода Аллоҳнинг қудратига ишора қилинади. Унинг барча хабарларининг ҳақлиги тасдиқланади. Унга таслим бўлиб, ёлғиз Унга таваккал қилинади. Ибодатга лойиқ фақат Аллоҳ экани билдирилиб, қилинган ва қилинадиган, ошкора ва яширин барча гуноҳларнинг афви сўралади. Барча бу юксак мақтов ва тилаклардан сўнг Аллоҳга: «**анта илаҳи ла илаҳа илла анта**», яъни: «Ё Раббий! Сендан бошқа Илоҳ йўқ. Фақат ибодатга лойиқ Сенсан», деган сўзлар билан яқунланади.

Бу дуо мўмин банда учун Аллоҳга ҳамду сано айтилган ва ваъдаларининг ҳақ экани тасдиқланган, Унга бутун вужуд билан таваккал қилинган энг муборак бир дуодир. Бу муборак дуо мўминнинг руҳи ва Раббиси ўртасидаги таржимондир.

### 8. Аллоҳ билан аҳдлашув дуоси

اللَّهُمَّ فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ، عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، إِنِّي  
أَعْهَدُ إِلَيْكَ فِي هَذِهِ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا أَنِّي أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ  
وَحْدَكَ، لَا شَرِيكَ لَكَ، وَأَنْ مُحَمَّدًا عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ، فَإِنَّكَ إِنْ  
تَكَلَّمْتَنِي إِلَى نَفْسِي تُقَرِّبْنِي مِنَ الشَّرِّ، وَتُبَاعِدْنِي مِنَ الْخَيْرِ،  
وَإِنِّي لَا أَتَّقُ إِلَّا بِرَحْمَتِكَ، فَاجْعَلْ لِي عِنْدَكَ عَهْدًا تَوْفِينِيهِ  
يَوْمَ الْقِيَامَةِ، إِنَّكَ لَا تَخْلِفُ الْمِيعَادَ

Аллоҳумма фотирас самавати вал арзи аалимал ғойби ваш шаҳадати. Аллоҳумма инний

**аъҳаду илайка фий ҳазиҳил ҳаётид дунё иннака анталлоҳу ла илаҳа илла анта ваҳдака ла шарийка лака ваанна Муҳаммадан ъабдука ва расулука фаиннака ин такилниий ила нафсий туқаррибний минаш шарри ва тубаъидний минал хойри ваинний ла асиқу илла бироҳматика фажъал лий тиндака ъаҳдан туваффийнийҳи явмал қиёмати, иннака ла тухлифул мийъад.**

*Маъноси:*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни асҳобга: «Ким эртаю кеч Аллоҳ таоло билан аҳд қила олади?» дедилар ва бу муборак дуони ўргатдилар: «Эй кўқларни ва ерни яратган, ғайб ва шаҳодат оламини билувчи Аллоҳ! Ё Аллоҳ! Мен дунё ҳаётида Сенга аҳд қиламанки, Сендан бошқа илоҳ йўқдир. Яғонасан, шеригинг йўқдир. Муҳаммад (алайҳиссалом) Сенинг қулинг ва расулингдир. Агар мени нафсимга ташлаб қўйсанг, у мени яхшилиқдан узоқлаштиради, ёмонликка яқинлаштиради. Мен фақат раҳматингга ишонаман. Менга қиёмат куни тўла берадиган ҳузурингда бир аҳд қилгин. Шубҳасиз, Сен ваъдангга асло хилоф қилмайсан».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни асҳобга: «Ким Аллоҳ таоло ила аҳд қилишга қодир?» дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ! Қай шаклда Аллоҳ таоло билан аҳду паймон қиламиз? Биз билмаймиз, бизга ўргатинг», дейишди. Бунга жавобан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юқоридаги муборак дуони ўргатдилар. Бу аҳдномада қул Раббиси еру кўкнинг эгаси эканини, Ундан бошқа Илоҳ йўқлигини, Муҳаммад (алайҳиссалом) Унинг қули ва элчиси эканини баён қилади. Ундан кейин эса Аллоҳдан нафсини бир зум ҳам

Ўз ҳолига ташлаб қўймаслигини сўрайди. Ишончи фақат раҳмати илоҳийда эканини, ўзининг амалларига ишонмаганини билдиради. Шу шаклда Аллоҳ таоло билан аҳдлашади. Чунки инсонларни ё жаннатга, ё жаҳаннамга туширишда амаллар бир василадир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни бу ҳақиқатни баён қилар эканлар, «Ҳамма жаннатга фақат раҳмати илоҳий ила киради», дедилар. Асҳобнинг: «Ё Расулуллоҳ, сиз ҳам шундай кирасизми?» деган саволларига Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳа», деб жавоб бердилар.

Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мулойимлик билан ҳаракат қилинг, инсонларни ўзингизга жалб этинг. Мужда беринг. Зеро, инсонларни жаннатга олиб борувчи (наrsa) амаллар эмас, Аллоҳнинг раҳматидир», дедилар. Буни эшитган Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо): «Ё Расулуллоҳ, сизнинг амалингиз ҳам сизни жаннатга олиб бормайдими?» деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса: «Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати етишмаса, йўқ», деб жавоб бердилар.

Раҳмати илоҳийга етишган одам гўзал амал қилади ва бу раҳмати илоҳийга васила бўлади.

Шундан сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу аҳдномининг охирини «Қиёмат куни бу аҳдимни Раббимдан сўрайман. Зеро, Аллоҳ ваъдасидан қайтмайди», деб якунлайдилар.

Ривоятларга кўра, бу аҳдномани ўқиганнинг аҳдини фаришталар аршга олиб боради ва у қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурига келтирилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу аҳдномани тонгда ва оқшомда ўқишни тавсия қилганларининг сири ҳам унга фаришталарнинг шоҳид бўлишларидир.

Демак, бу аҳднома мўминлар учун зарур бўлган жавҳардир. Ҳеч бўлмаса, инсон умри давомида бир марта бўлса ҳам, буни сидқидилдан ўқиб, Аллоҳ таоло билан аҳдлашмоғи керак.

**Байт:**

*Кун-тун аҳд-паймон айла,  
Кўнглингни шодон айла.  
Дарду ғамлар йўқ бўлсин,  
Йўлингни осон айла.*

### 9. Саодатга эришиш дуоси

اللَّهُمَّ أَرِنَا الْحَقَّ حَقًّا وَارْزُقْنَا اتِّبَاعَهُ وَأَرِنَا الْبَاطِلَ بَاطِلًا  
وَأَلْهَمْنَا اجْتِنَابَهُ وَأَرِنَا الْأَشْيَاءَ كَمَا هِيَ حَقُّهَا

Аллоҳумма аринал ҳаққо ҳаққон варзуқнат-тибаъаҳ ва аринал батила батилан ва алҳим-нажтинабаҳ вааринал ашя а кама ҳия ҳаққуҳа.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Бизга тўғрини тўғри қилиб кўрсат ва унга эргашишни насиб эт. Эгрини эгри қилиб кўрсат, ундан қочишни бизга илҳом айла ва нарсаларнинг ҳақиқатини асли каби кўрсат».

**Шарҳ:**

Бу имтиҳон дунёсида барча хатолар бор нарсани ўз ҳолича кўролмаслик сабабли содир бўлади. Инсон тўғрини тўғри деб кўрса, ҳеч бир вақт хато қилмайди. Эгрини ҳам эгри деб кўрса, ҳеч бир замон унинг ортидан кетмайди. У ҳолда бу муборак дуо барча ютуқларнинг асосини ташкил этади. Ҳақни ҳақ, ботилни ботил деб кўрмоқ, нарсаларнинг ҳақиқатини аслидек кўрмоқ илм ва маърифат ўзагидир. Тарихда кўп инсонлар ҳақ бўлган набийларга ишонмагани

сабабли хатога йўл қўйиб, куфр йўлидан кетишган. Ҳақ аҳлини кўрмоқ ҳидоят нурига эришишнинг ифодасидир. Бу муборак дуо ҳар доим ҳар банданинг Раббисидан исташи ва кўз олдида тутиши зарур бўлган дуодир.

Инсондаги нафс, ваҳима ва шайтон васвасаси ҳақиқатни кўришдан узоқлаштиради. Моддий ва маънавий илмларнинг энг буюк бўлгани – нарсаларнинг ҳақиқатини кўра олиш неъматини Аллоҳдан сўраш лозим. Шу маънода бу муборак дуо ҳаёт қадар қимматлидир. Чунки ҳақиқатни кўра олиш билан саодатга эришилади. Ҳақиқатни кўрмаган кўзлар инсонни доимо фалокатга судрайди.

### **10. Мағфират ва раҳмат сўраш дуоси**

اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا وَلَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ فَاعْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَارْحَمْنِي إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

Аллоҳумма инний золамту нафсий зулман касийрон вала яғфируз зунуба илла анта, фағфирлий мағфиротан мин ғиндика, варҳамний, иннака антал ғофурур роҳийм.

*Маъноси:*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазрат Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)га бу муборак дуони ўргатганлар ва уни намоздан сўнг ўқишини тавсия қилганлар.

«Ё Аллоҳ! Нафсимга (ўзимга) кўп зулм қилдим. Гуноҳларни мағфират қилувчи фақат Сенсан. Ўзинг мени кечир ва менга раҳм айла. Сен Ғофур ва Роҳиймсан».

### Шарҳ:

Имом Бухорий ривоят қилган бу дуо уч буюк сирни ўзида тўплаган: ундаги «мағфиротан» сўзи Аллоҳнинг мағфирати чексизлигини англатади. «Мин ъиндика» калимаси Аллоҳнинг буюклиги ва чексизлигини билдиради. Шу тарзда банда Аллоҳнинг чексиз раҳмати илоҳийсини баён қилиб, Аллоҳдан афв ва мағфират тилайди. Чунки Қуръони карим Аъроф сураси 156-оятда:

وَرَحْمَتِي وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍ

«Ва раҳмати васиъат кулла шайъин», дейилади. Яъни, Аллоҳ таолонинг раҳмати ҳар нарсани ўраб олгани билдирилган. Юқоридаги муборак дуода «Мағфиротан мин ъиндика» бирикмаси ила Аллоҳнинг чексиз мағфирати билдирилди. Ўз нафсига қилган зулмлари эътироф этилиб, Аллоҳдан чексиз раҳмати ила ўша гуноҳларини кечириши сўралмоқда.

Шоир айтганидек: «Мени афв этишга Аллоҳ таолонинг чексиз раҳмати, фазли илоҳийси кифоядир». Кейин эса Аллоҳнинг Ғофур ва Роҳийм экани таъкидланиб, дуонинг мукамаллиги кўрсатилади. Шу сабаб бу муборак дуони солиҳлар доимо намоздан сўнг ўқишган ва Аллоҳнинг чексиз раҳматыга юкунишган.

### 11. Авф тилаш дуоси

اللَّهُمَّ مَغْفِرَتَكَ أَوْسَعُ مِنْ ذُنُوبِي وَرَحْمَتِكَ أَرْجِي عِنْدِي  
مِنْ عَمَلِي

Аллоҳумма мағфиротука авсаъу мин зунубий ва роҳматука аржа ъиндий мин ъамалий.

**Маъноси:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг гуноҳидан кўп нолиган аъробийга ўргатган машҳур дуоларининг маъноси бундай: «Ё Аллоҳ, Мағфиратинг гуноҳларимдан кенгдир. Менинг умидим амалимдан эмас. Сенинг раҳматингдандир».

**Шарҳ:**

Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ёнларига бир аъробий келди ва гуноҳининг кўплигини айтиб йиғлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга юқоридаги муборак дуони ўргатдилар. Аъробий уни жону дилдан уч марта ўқиди. Шундан кейин Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Тур ўрнингдан, Аллоҳ сенинг барча гуноҳларингни афв қилди», дедилар. Шу боис барча саҳобалар ва авлиёлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўргатган бу дуони ҳар куни тонгда ва оқшом уч мартадан ўқиганлар. Унда Аллоҳнинг чексиз раҳмати илоҳийси зикр қилиниб, гуноҳларни кечириши сўралмоқда. Гарчи банданинг гуноҳи жуда кўп бўлса ҳам, Аллоҳнинг раҳмати уни ўраб олади. Дуода «Мағфиротука авсау мин зунубий» бирикмаси келади. Яъни, Аллоҳнинг мағфирати банданинг гуноҳларидан жуда кенглиги айтилади. Олдин баён қилинган ҳадиси шариф ва аҳдномадаги дуода ҳам Аллоҳнинг кенг марҳаматига юкуниш таъкидланган эди. Банда доимо солиҳ амал қилиш билан бирга Аллоҳнинг бу чексиз раҳматига суяниб, гуноҳларининг афвини тилаши керак. Зеро, бу муборак дуо ҳам ҳар бир мусулмон киши ҳар доим ўқиши керак бўлган нодир ва қимматли дуолардандир.

## 12. Илм, ҳилм, тақво ва офият сўраш дуоси

اللَّهُمَّ اغْنِنِي بِالْعِلْمِ وَزَيِّنِي بِالْحِلْمِ وَأَكْرِمْنِي بِالتَّقْوَى  
وَجَمِّلْنِي بِالْعَافِيَةِ

Аллоҳумма ағниний бил ʻилми ва заййинний бил ҳилми ва акримний биттақво ва жаммилний бил ʻофия.

*Маъноси:*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак дуоларидан бирида бундай дедилар: «Ё Аллоҳ, мени илм билан бадавлат қил, ҳилм билан зийнатлантиргин. Тақво билан азиз қил. Офият билан мени гўзал қил».

**Шарҳ:**

Бу муборак дуода Аллоҳ таолодан дунё ва охиратнинг энг буюк саодати бўлган тўрт нарса сўралмоқда. Биринчи – илм, иккинчи – ҳилм, учинчи – тақво, тўртинчи – офият.

Инсониятнинг шон-шарафи илм билан, зийнати ҳилм билан, Аллоҳ наздидаги қадри тақво билан, дунёдаги муваффақияти эса офият билан қиймат топади.

Илм инсоният учун жуда катта нурдир. Ундан айрилиб бўлмайди, илмдан маҳрум бўлган жаҳолатда қолади. Ҳар бир муваффақият илмга боғлиқ ва илмнинг кўпайиши билан саодатга эришилади. Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу муборак дуоларида: «Аллоҳумма ағниний бил ʻилми», яъни: «Ё Раббим! Мени илм билан бой қил», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда ҳам умматларига бешиқдан қабргача илм талаб қилишни буюрганлар. Бу ҳадиси

шарифни ўқиган бир инглиз олими ўз китобида: «Ҳеч бир киши ҳазрат Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) каби ўз қавмини илмга бу даражада ташвиқ қилмаган, бунчалик қисқа ва катта маъноли сўз айтмаган», деган экан.

Дуода сўралган ҳилм эса энг юксак инсоний фазилат саналади. “Ҳилм” луғатда юмшоқлик, деган маънони ифодалайди.

Дуода зикр қилинган “тақво” эса ёмонликдан қочиш маъносини ифодалайди. Инсон ёмонликдан узоқлашган сари инсон эканини тушуниб боради. Ҳақиқий инсонга хос либосни тақволи инсонларгина кияди.

Бу муборак дуодаги офият ҳам ҳаётдаги энг муҳим дастурлардандир. Ҳаётда бундан буюк неъмат йўқ. Шу сабабдан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадис сўнгида «Ва жаммилний бил офиях», дея Аллоҳдан офият сўраганлар.

Бу тўрт дастур моддий ва маънавий ҳаётимиздаги энг катта тилақдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсон камолоти учун бизга шу тилақларни ўргатмоқдалар. Саодат мана шу тўрт дастурга боғлиқ. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг бу дастурларини тушуниб, ихлос билан амал қилганлар нақадар бахтли инсонлардир!

### 13. Паноҳ сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ وَمِنْ قَلْبٍ لَا يَخْشَعُ وَمِنْ  
عَمَلٍ لَا يَزِيدُ وَدُعَاءٍ لَا يُسْمَعُ وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْبَعُ

Аллоҳумма инний аъзуз бика мин ʼилмин ла янфаъу ва мин қолбин ла яхшаъу ва мин ʼама-

**лин ла ярфаъу ва дуъоин ла юсмаъу ва мин наф-  
син ла ташбаъу.**

*Маъноси:*

Ё Аллоҳ, фойдасиз илмдан, қўрқмайдиган қалбдан, кўтарилмайдиган амалдан, қабул бўлмайдиган дуодан, тўймайдиган нафсдан паноҳ беришингни сўрайман.

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу муборак дуоларида беш нарсани инсон учун залолат, фалокат деб ҳисоблаб, ёмонлигидан Аллоҳга сиғинганлар. Бу беш нарса доимо инсоният тарихида одамларни шахсий ва ижтимоий томондан фалокатларга етаклаган.

Биринчиси – манфаат келтирмайдиган илм. У доимо бадҳазм таомга ўхшаб, шахсий ва ижтимоий зарарларга сабаб бўлади. Илм фойдали бўлиши керак. Ҳар бир илм қалбга нур бўлиб кириши лозим. Баъзи илмлар борки, инсоният зарарига хизмат қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундан Аллоҳга сиғинганлар.

Иккинчиси – Аллоҳдан қўрқмайдиган қалб. Агар Аллоҳ қўркуви қалбда соқчидай турса, инсон ҳар қандай ёмонликдан ўзини тияди. Акс ҳолда жамиятга бирор ваҳший махлуқ қилмайдиган фасодларни келтиради. Шу боис Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳикматнинг боши Аллоҳдан қўрқишдир», деганлар.

Учинчиси – Аллоҳ хузурига кўтарилмайдиган амал. Инсон эътиқодининг кучига яраша амал қилади. Эътиқоди заиф ва шубҳали бўлганларнинг амаллари ҳам Аллоҳ наздида мақбул эмас. Фақат чин эътиқод билан қилинган амалгина Аллоҳга мақбулдир. Холис

бўлмаган амалдан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳга юкунганлар ва барча амаллари-ни Аллоҳ розилиги учун қилиб бизга буюк намуна кўрсатганлар. Инсонда нафс ва шайтон ваҳима, вас-васаси бор экан, ибодатлар ҳам кўз-кўз қилиш учун бўлиб қолиши мумкин. Аллоҳ асрасин. Холис бўлиши учун амалдан Аллоҳ розилигини топиш кўзланади. Бошқаси риё ҳисобланиб, уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёмонлаганлар.

Тўртинчиси – тўйишни билмаган нафс. Ояти каримада бундай дейилади:

وَتَحِبُّونَ الْمَالَ حُبًّا جَمًّا

**“Ва тухиббунал мала ҳуббан жамма”.**

**«Яна (фоний эканини била туриб) мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан севасиз» (Фажр, 20).**

Инсоннинг қорни тўйса ҳам, кўзи тўймайди. Бунга нафс сабабчи бўлади. Нафс кетидан югурувчилар гоҳида мол-мулкка муккасидан кетиб, бутун улвий (руҳоний) манфаатларини ҳам сотиб юборадилар. Ўзлари Аллоҳга эмас, дунёга қул бўлиб қоладилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай ёмон туйғулардан Аллоҳга сиғинганлар.

Бешинчиси – қабул бўлмайдиган дуо. Банданинг дуоси холис бўлмаса, у қабул қилинмайди. Дуо лабдан эмас, кўнгилдан чиқиши керак. Оғиздан чиққан дуонинг илдизи кўнгил бўлмоғи лозим. Инсон чин юракдан дуо қилмаса, ҳақиқий дуо қилган ҳисобланмайди. Аслида, уни ич-ичидан келган муҳаббат билан қилиш ва Аллоҳга ёлвориш лозим. Инсон бандалигини дуода сезади. Дуо банданинг ердан Арши аълога юксалган ниёзидир. Чин дилдан чиқмаган дуоларни Аллоҳ қабул қилмайди. Расулуллоҳ (сол-

лаллоҳу алайҳи ва саллам) қабул бўлмайдиган дуолардан ҳам Аллоҳга сиғинганлар.

Ёмон хислатлардан узоқлашган одам яхшиликка яқинлашади. Ҳар бир мусулмон бу муборак дуо фазилатини кўз ўнгида тутиб, Аллоҳга сиғиниши керак.

#### 14. Аллоҳга муҳаббат дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ حُبَّ الْجَسَنَاتِ وَتَرْكَ الْمُنْكَرَاتِ وَحُبَّ الْمَسَاكِينِ وَأَنْ تَغْفِرَ لِي وَتَرْحَمَنِي وَتَتُوبَ عَلَيَّ وَإِذَا أَرَدْتَ فِتْنَةً فِي خَلْقِكَ فَتَجْنِي مِنْهَا غَيْرَ مَفْتُونٍ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ حُبَّكَ وَحُبَّ مَنْ يُحِبُّكَ وَحُبَّ عَمَلٍ يُقَرِّبُنِي إِلَيْكَ حُبَّكَ

Аллоҳумма инний ас'алука ҳуббал ҳасанати ва таркал мункароти ва ҳуббал масакийни ва ан тағфиرو лий ва тарҳаманий ва татуба ъалайя ва иза ародта фитнатан фий холқика фанажжиний минҳа ғойра мафтунин. Аллоҳумма инний ас'алука ҳуббака ва ҳубба ман юҳиббука ва ҳубба ъамалин юқоррибуний ила ҳуббика.

*Маъноси:*

Ё Аллоҳ, Сендан яхшиликларни севишни, ёмонликларни тарк қилишни, мискинларни севишни, мени афв этиб, менга шафқат ва марҳамат қилишингни сўрайман. Ё Аллоҳ, Сен халқ орасида фитна яратишни мурод қилганингда, мени у фитнадан адашмаган ҳолимда қутқар. Ё Аллоҳ, Сени севишни, Сени севганларни севишни, Сени севдирувчи амални ҳам севишни сўрайман.

**Шарҳ:**

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан бу муборак дуони уммат уламолари раиси Муоз ибн Жа-

бал ҳазратлари бундай англатади: “Бир куни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бомдод намозига масжиди саодатга кечроқ келдилар. Бутун асҳоб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни кутди. Қуёш чиқишига ҳам озгина вақт қолди. Ўша куни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бомдод намозини енгил ўқидилар-да, сўнгра муборак юзларини асҳобга буриб, бундай дедилар: «Эй асҳобим, менинг наздимда сизнинг мавқеингиз шарафли. Шу сабабдан сизга бугунги намозимнинг кеч қолиши ҳикмати айтилган». Барча саҳобайи киромлар бажонидил Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзларига қулоқ солдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзларида давом этдилар: “Бу кеча Аллоҳ таоло хоҳлаганича нафл намоз ўқидим. Сўнгра кўларимга уйқу келди. Шунда Раббим менга: «Эй Муҳаммад!» деди. Мен: «Лаббайк, ё Рабб!» дедим. Раббим: «Самодаги малакларнинг савоби кўплиги ҳақида баҳслашган нарсаларини биласизми?» деди. Мен эса: «Билмайман, ё Раббим», дедим. Раббим қудрати илоҳиясини икки елкам орасига қўйди. Ўша пайт ҳамма нарсани мушоҳада қилдим, ўргандим. Сўнгра Раббим менга такроран: «Ё Муҳаммад! Малаклар савоби кўплиги ҳақида баҳслашган нарсалар нима?» деб сўради. Мен эса бунга жавобан: «Каффоратдир», дедим. Раббим мендан: «Каффорат нима?» деб сўради. Мен эса: «Намоз учун жамоатга боришдир. Яна совуқ кунда чиройли таҳорат қилишдир. Яна намоз ўқиганидан сўнг бир оз масжидда ўтиришдир», дедим. Сўнгра Раббим олдинги саволни яна сўради. Мен эса: «Фақирларнинг қорнини тўйдириш, ҳаммага юмшоқ, ширин сўз айтиш, инсонлар ухлаётганида тунги намозга туришдир», дедим. Сўнгра Раббим: «Ё Муҳаммад! Мендан нима истасангиз, тиланг», деди.

Мен эса: “Ё Аллоҳ, Сени севишни истайман, Сени севганларни ҳам севишни истайман, Сени севдирувчи амалларни ҳам севишни истайман”, дедим».

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу дуони ўқиб бўлгач, саҳобаларга хитоб қилиб: “Эй ас-ҳобим! Сиз бу дуони ўрганинг ва билмаганларга ўргатинг, зеро, бу нарсалар ҳақиқатдир”, дедилар».

### 15. Таважжуҳ дуоси

اللَّهُمَّ أَنْتَ الْمَلِكُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ وَبِحَمْدِكَ أَنْتَ رَبِّي  
وَأَنَا عَبْدُكَ ظَلَمْتُ نَفْسِي وَاعْتَرَفْتُ بِذَنْبِي فَاعْفُرْ لِي  
ذُنُوبِي جَمِيعًا إِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ وَاهْدِنِي لِأَحْسَنِ  
الْأَخْلَاقِ لَا يَهْدِي لِأَحْسَنِهَا إِلَّا أَنْتَ وَاصْرِفْ عَنِّي سَيِّئَهَا إِنَّهُ  
لَا يَصْرِفُ عَنِّي سَيِّئَهَا إِلَّا أَنْتَ لَبَّيْكَ وَسَعْدَيْكَ وَالْخَيْرُ كُلُّهُ  
فِي يَدَيْكَ وَالشَّرُّ لَيْسَ إِلَيْكَ أَنَا بَكَ وَإِلَيْكَ تَبَارَكْتَ وَتَعَالَيْتَ  
أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ

Аллоҳумма антал малику лаа илаҳа илла анта, субҳанака ва биҳамдика, анта роббий ва ана ʔабдука золамту нафсий ваʔтарофту бизанбий фағфир лий зунубий жамийʔан, иннаҳу ла яғфируз зунуба илла анта. Ваҳдиний лиаҳсанил ахлоқи ла яҳдий лиаҳсаниҳа илла анта, васриф ʔанний саййиаҳа иннаҳу ла ясрифу ʔанний саййиаҳа илла анта. Лаббайка ва саъдайка вал хойру куллуҳу фий ядайка ваш шарру лайса илайка ана бика ва илайка табарокта ва таъалайта астағфирука ва атубу илайка.

**Маъноси:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг намоз охирида шу муборак дуони ўқишлари ривоят қилинади: «Ё Аллоҳ, малик Сенсан, Сендан бошқа илоҳ йўқдир. Сенинг нуқсонсизлигингни тасдиқ қиламан. Сени камол билан тасбеҳ қилиб, Сенга ҳамд айтаман. Сен менинг Раббимсан, мен Сенинг қўлингман. Нафсимга зулм қилдим, гуноҳимни тан оламан. Ё Рабб, Сен гуноҳларимнинг барчасини афв эт! Сендан ўзга гуноҳларни кечиргувчи йўқдир! Мени гўзал ахлоққа ҳидоят қил, Сендан бошқа гўзал ахлоққа ҳидоят қилувчи йўқдир. Ё Рабб! Ёмон ахлоқдан мени асра, Сендан ўзга ёмон ахлоқдан асрагувчи йўқдир. Сенинг даъватингга қулоқ соламан, барча яхшиликлар Сенинг амрингдадир. Ёмонликлар Сенга восил бўлолмайди. Борлиғим Сен биландир. Якуни ҳам Сенгадир. Сен саного лойиқсан, буюксан, азамат соҳибсан. Сендан афв тилайман, Сенга тавба қиламан».

**Шарҳ:**

Бу муборак дуо дуоларнинг энг гўзалидир. У тавҳидни, тасбеҳни, ҳамдни, банда қиладиган барча гуноҳларнинг эътирофини, афвни Аллоҳдан тиламоқни, гўзал ахлоққа ҳидоятни, ёмонликдан сақлашни, Аллоҳга таважжуҳни, Ундан ёрдам сўрашни, Аллоҳнинг даъватига қулоқ солишни ва шу сабаб ҳақиқий шифо асрорини ўзида жам қилган муборак дуодир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу муборак дуонинг охирида «Вал хайру куллуху фий йадайка», яъни «Ё Рабб, барча яхшиликлар амрингдадир», «Вашшарру лайса илайка», яъни: «Ёмонликлар Сенга восил бўлолмайди», «Ана бика ва илайка», яъни: «Менинг борлиғим Сен биландир, ниҳояси

ҳам Сенгадир», деганлар. Бу билан Раббиларига тўла таважжуҳ билдиргач, Уни улуғлаб «Таборақта ватаъалайта», яъни: «Ё Рабб, саного лойиқсан, буюксан, азамат соҳибсан», дейдилар ва кейин эса «Астағфирука ва атубу илайка», яъни «Сендан афв тилайман, ё Рабб», деб афв сўрайдилар.

«Сенга таважжуҳ қиламан» сўзи Аллоҳга ёлворининг энг мукамал ва қисқа шакли ва яхши намунасидир. Бундан-да юксак ва улвий дуони тасаввур қилиш қийин. Аллоҳни севганларнинг бу муборак дуони ўқишлари қанчалик яхши, уни билганлар ва қийматини тушунганлар ҳаётнинг энг буюк жавҳарларидан бирини қўлга киритган ҳисобланади.

### 16. Истихора дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ وَأَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي وَعَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ فَأَقْضِهِ لِي وَيَسِّرْهُ لِي ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي أَوْ قَالَ: عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاقْضْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ثُمَّ رَضِّنِي بِهِ

Аллоҳумма инний астахийрука биъилмика, ва астақдирука биқудротика ва ас`алука мин фаз-

ликал ʻазийм. Фаиннака тақдиру ва ла ақдиру ва таъламу ва ла аъламу ва анта ʻалламул ғуйуб. Аллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳазал амро хойрун лий фий дийний ва маъаший ва ʻақибати амрий, ва ʻажили амрий ва ажилиҳи, фақдурҳу лий ва йассирҳу лий, сумма барик лий фийҳи ва ин кунта таъламу анна ҳазал амро шаррун лий фий дийний ва маъаший ва ʻақибати амрий, ав қола ʻажили амрий ва ажилиҳи фасрифҳу ʻанний вақдурлийал хойро ҳайсу кана сумма роззийний биҳ.

*Маъноси:*

Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) саҳобаи киромларга шу тарзда истихора қилишни амр қилардилар: «Ё Аллоҳ, илминг ила менга хайр тақдир қилишингни, қудратинг билан унга муваффақ қилишингни Сендан тилайман. Буюк фазлингдан умидворман, чунки Сен ҳар нарсага қодирсан, мен эса ожизман. Сен билгувчисан, мен ҳеч нарса билмайман. Барча пинҳон нарсалардан хабардорсан. Ё Аллоҳ, (шу тилагим) ишим диним, дунём ва ишим оқибати учун (ёки ҳозир ёки кейин) хайрли бўлса, шуни тақдир қил, осонлаштир, менга муборак қил. Агар у иш диним, дунём ва ишимнинг оқибати учун (ҳозир ёки кейин) ёмонлик бўлса, уни мандан, мени ундан узоқлаштир. Қаерда бўлса ҳам менга яхшиликни тақдир қил, сўнг у билан мени рози қил».

**Шарҳ:**

Банда дуосида иши хайрли бўлса, Аллоҳдан унга муваффақ қилишини сўрамоқда. Дини, дунёси учун ёмон бўлса, «Мени ундан узоқлаштир», демоқда. Энди бу муборак дуони ўқиган киши Аллоҳга тўлиқ кўнгил боғламоғи керак. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) бирор ишнинг хайрли бўлишини

хоҳласалар, «Аллоҳумма хирли вахтарли», дер эдилар. Бу «Ё Аллоҳ, менга яхшилиқни насиб қил ва яхшисини танлаб бер», деганидир.

Истихорадан мақсад Аллоҳдан сўрашдир. Аллоҳ таоло хайрлисини насиб қилса, масала ҳал бўлади. Истихора яна инсоннинг келажақдаги хайрга муҳтож бўлиб, Аллоҳнинг илм қудратидан ёрдам сўрашидир. Кўп инсонлар келажаги учун фол очтириб юради. Аллоҳни тарқ қилиб, турли фолбин ва парилардан мадад сўраб хурофотга берилади. Ислом дини хурофотни йиқитган, ҳақиқатга етказадиган, ҳар бир хайрни Аллоҳдан тилашни буюрган диндир. Истихора йўли билан фақат Аллоҳдан хайр ва саодат тиланади.

Жоҳилият даврида азлам йўли билан яхшилиқ ва ёмонлик англашга ҳаракат қилинган. Ажам ва румларнинг нардаси, шахмат, искамбил, қимор ўйинларининг ҳаммаси шу хурофотнинг натижасидир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нарда ўйнаган киши қўлини гўё чўчқа гўштига ботирганга ўхшатганлар. Бунда чўчқа гўшти ҳаром бўлгани учун нарда ўйнаганнинг қўли ҳам ҳаромга текканига ишора бор.

Нафси ва шайтонга эргашган инсонлар борган сари Аллоҳ йўлини ташлаб, ёмон йўлларга кириб кетади. Шубҳали нарсаларни ҳам доимо шу тариқа ҳал қилади. Нафсий ҳаяжонларини шу йўл билан енгади. Аллоҳни таниган киши эса истихора қиладиган ишининг хайрли ёки хайрсиз эканини Аллоҳдан тилайди ва Унга кўнгил боғлайди.

Жобир (розияллоҳу анҳу) дейдилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга Қуръондан бирон сура ўргатгандай, катта-кичик ишларимизнинг барчасида истихора дуоси ўқишни ҳам ўргатганлар».

Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифларида: «Сизлардан бирортангиз бир ишга қалбдан азм қилганида, фарздан ташқари икки ракат намоз ўқисин ва сўнгра бу муборак дуони айтсин», деганлар.

Жобир (розияллоҳу анҳу) бу муборак дуони Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилганларидан сўнг, дейди: «Истихора қилган киши бу дуодаги «ҳазал амра», яъни «бу иш» сўзи ўрнига нимани мурод қилган бўлса, ўшани айтсин».

### 17. Сафарга чиқиш дуоси

اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ فِي سَفَرِنَا هَذَا الْبِرَّ وَالتَّقْوَى وَمِنَ الْعَمَلِ  
مَا تَرْضَى اللَّهُمَّ هَوْنٌ عَلَيْنَا سَفَرِنَا هَذَا وَاطْوِ عَنَّا بُعْدَهُ  
اللَّهُمَّ أَنْتَ الصَّاحِبُ فِي السَّفَرِ وَالْجَلِيفَةُ فِي الْأَهْلِ اللَّهُمَّ إِنِّي  
أَعُوذُ بِكَ مِنْ وَعْثَاءِ السَّفَرِ وَكَآبَةِ الْمَنْظَرِ وَسُوءِ الْمُنْقَلَبِ  
فِي الْأَهْلِ وَالْمَالِ

Аллоҳумма инна нас`алука фий сафарина ҳаза ал-бирро ваттақва ва минал ʔамали ма тарзо. Аллоҳумма ҳаввин ʔалайна сафарана ҳаза ватви ʔанна буъдаҳу. Аллоҳумма антас соҳибу фисафари валхалийфату фил аҳли. Аллоҳумма инний аъзузу бика мин ваъсоис сафари ва каобатил манзари ва су`ил мунқолаби фил аҳли вал мали.

*Маъноси:*

Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор сафарга чиқишдан олдин икки ракат намоз ўқирдилар. Биринчи ракатда зам сурага Кофирун сура сини ва иккинчи ракатда Ихлос сурасини тиловат

қилардилар. Сўнгра шу муборак дуони ўқирдилар: «Ё Аллоҳ, Сендан бу сафаримизда эзгулик ва тақво ва Ўзинг рози бўладиган амалларга муваффақ қилишингни сўрайман. Ё Аллоҳ, бу сафаримизни бизга осон қил. Йўлимизни қисқартир. Ё Аллоҳ, сафардаги соҳибимиз Ўзингсан, аҳли аёлимизни кўриқловчи Ўзингсан. Ё Аллоҳ, сафарнинг машаққатларидан, ғамли манзаралардан ва сафаримизнинг ёмон қайтишидан, мол, оила ва болаларимизни ёмон ҳолда кўришдан Сенга сиғинамиз». Уйга қайтишда ҳам Масжиди шарифда икки ракат намоз ўқиғач:

آيُّوْنَ تَائِبُوْنَ عَابِدُوْنَ لِرَبِّنَا حَامِدُوْنَ

**«Ойибуна, тоибуна, абидуна, лироббина ҳамидуна».**

«Биз тавба қилиб, ибодат қилиб, Раббимизга ҳамд айтиб, қайтмоқдамиз», дер эдилар.

### **Шарҳ:**

Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар доим сафарга чиқиш олдидан икки ракат намоз ўқирдилар. Намоздан сўнг Аллоҳдан сафарнинг Ўзининг ризосига мувофиқ тарзда бўлишини тилардилар, сўнг машаққатлардан холи бўлиш учун ҳам дуо қилардилар. Инсоннинг ҳақиқий эгаси Аллоҳ эканини ва аҳли аёлларининг ҳам кўриқловчиси Ўзи эканини зикр қилғач, сафардан қайтганларида мол ва оила аъзоларини ёмон ҳолда кўришдан, яна бу сафарнинг чексиз машаққатидан, Аллоҳ ризосига тескари ишлар қилишдан, оиласи ва бошқалар учун кутилмаган ёмон оқибатлардан Аллоҳга сиғинардилар.

Сафарда киши турли машаққатларга, Аллоҳни унуттирадиган даражада қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Булар инсон учун ёмон оқибатдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буларнинг ёмон эканини дуолари орқали билдирадилар.

Уйга қайтаётганларида ҳам Набий (алайҳиссалом) «тавба этиб, ҳамд айтиб, ибодат қилиб қайтмоқ-дамиз» калималари билан йўллардаги машаққатга чидаб, ибодатларнинг унутилмай, Аллоҳни ҳар ерда зикр қилиб қайтганларидан Аллоҳга шукр қилиб, ҳамд айтардилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар хусусда Аллоҳнинг ризосини талаб қилганлар. Ҳар ерда Унга ибодат этиб, зикр ва тасбеҳ билан қалб-лари, вужудларини роҳатлантирганлар. Сафардан қайтишда ҳам у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳга такроран шукр айтиб, икки ракат намоз ўқиганлар. Бу комил инсоннинг Аллоҳга севги ва муҳаббатининг энг буюк исботидир.

### 18. Аллоҳга муножот

اللَّهُمَّ إِلَيْكَ أَشْكُوا ضَعْفَ قُوَّتِي وَ قِلَّةَ حِيلَتِي وَ هَوَانِي عَلَيَّ  
النَّاسِ يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ أَنْتَ رَبُّ الْمُسْتَضْعَفِينَ أَنْتَ أَرْحَمُ  
بِي مِنْ أَنْ تَكِلَنِي إِلَيَّ عَدُوٌّ بَعِيدٌ يَتَجَهَّمُنِي أَوْ أَلِيٌّ صَدِيقٌ  
قَرِيبٌ مَلَكَتَهُ أَمْرِي إِنْ لَمْ تَكُنْ غَضْبَانَ عَلَيَّ فَلَا أُبَالِي  
غَيْرَ أَنْ عَافَيْتَكَ أَوْ سَعَّ لِي أَعُوذُ بِنُورِ وَجْهِكَ الَّذِي أَشْرَقَتْ  
لَهُ الظُّلُمَاتُ وَصَلَحَ عَلَيْهِ أَمْرُ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ أَنْ يَنْزِلَ  
بِي غَضْبُكَ أَوْ يَجِلَّ عَلَيَّ سَخَطُكَ وَ لَكَ الْعُتْبَى حَتَّى تَرْضَى  
وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِكَ

Аллоҳумма илайка ашку зоъфа қувватий ва қиллата ҳийлатий ва ҳаваний ʔалан наси, йа арҳамар роҳимийн. Анта роббул мустазъафийн, анта арҳаму бий мин ан такиланий ила ʔадув-вим баъийд ятажаҳҳамуний ав ила садийқин қорийбин маллактаху амрий ин лам такун ғозбана ʔалайя фала убалий ғойра анна ʔофиятака авсаъу лий. Аъзуз бинури важҳикаллазий ашроқат лаҳуз зулумату ва солаҳа ʔалайҳи амруд дунё вал ахиро ан янзила бий ғозабука ав яҳилла ʔалайя сахатука ва лакал ʔутба ҳатта тарзо вала ҳавла вала қуввата илла бика.

*Маъноси:*

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Тоиф қабиласига Аллоҳни танитиш учун борганларида улар у зотни меҳмон қилиш ўрнига, муборак оёқларига тош отиб, ёмон сўзлар айтиб қувганлар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса Аллоҳ таолога бундай ёлворганлар: «Ё Аллоҳ, қувватим заифлигидан, озлигидан, чорасизлигимдан, халқ наздида ҳақирлигимдан Сенга шикоят қиламан. Сен раҳмат қилувчисан. Арҳамар-роҳиймийнсан, Сен ҳамма заиф ва ҳақир кўрилган кишиларнинг Раббисан. Ё Аллоҳ, Ўзинг менга меҳрибонсан. Ёмон хулқли, хунук чеҳрали душманларнинг кўлига ёки ёмонлигидан сақланиб бўлмайдиган яқин дўстга ташлаб қўймайсан. Ё Аллоҳ, менга ғазабли бўлмасанг, кўрган жафоларимга парво қилмайман. Ё Рабб! Сенинг марҳаматинг булардан жуда кенгдир. Ё Рабб! Сенинг ғазабингга гирифтор бўлишдан, Сени норизо қилишдан Сенинг зулматларни ойдинлатган, дунё-охират ишларининг мадори бўлган нурингга юкунаман. Ё Аллоҳ, Сен рози бўлгунингга қадар афвингни тилайман, қудрат ва қувват ато этувчи фақат Ўзингсан».

### **Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Тоифда дуч келган ҳақоратомуз ҳаракатлар у зотнинг ҳаётларидаги энг аччиқ кунлар эди.

Бир куни Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Уҳуд жангини эслатиб, таассуротларини, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг амакилари Ҳамза (розияллоҳу анҳу)нинг жасадларини паришон вазиятда кўрганларини айтиб бўлгач:

– Ё Расулуллоҳ, Уҳуд жанги (бўлган кун)дан ҳам аччиқ кунни кўрганмисиз? – деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Ҳа, Ойша, Тоифдан қайтишда мен кўрган азиятни бошқа жойда кўрмадим, – дедилар.

Қандай аламлики, башариятнинг валинеъмати ўша куни Тоиф халқининг ҳақоратларига дуч келдилар. Тош отишлар ва ёмон сўзлар орасида Тоифдан чиқдилар. Оёқлари қонга беланди. Ёнларида Зайд (розияллоҳу анҳу) бор эди. У киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг атрофларида айланиб, тўсиб, устларига ёғилаётган тошларга қалқон бўлишга уринди. Ниҳоят, бир боғнинг ёнида тўхташди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак оёқларидан тинмай қон оқарди. Ҳазрат Зайд қонларини тозалар, Набий (алайҳиссалом) эса Аллоҳга юқоридаги муборак дуо билан ёлворардилар.

Кўриниб турибди, бу тазаррулар энг буюк қалб эгасининг Раббига қилган улвий ёлворишидир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бегона душманларга ҳам, ҳатто қариндош ва дўстларга ҳам муҳтож бўлмай, Яратганнинг Ўзидан марҳамат тилашлари у зотнинг Аллоҳга нақадар қаттиқ боғ-

ланганини кўрсатади. Раббиларидан шундай вази-  
ятда ҳам азиятларга парво қилмасдан, ғазаб қилмас-  
лигини Унинг нурига юкуниб сўрадилар. Аллоҳ рози  
бўлгунича Ундан афв тиладилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бар-  
дош бериш қийин бўлган бу имтиҳон қаршисида  
Аллоҳга юқоридагидек дуо қиларканлар, тоғларни  
бошқарувчи фаришта у зотга деди:

– Ё Расулуллоҳ, истасангиз, Тоиф шаҳрининг икки  
тарафдаги тоғларини бир-бирига ёпиштириб қўяй,  
улар ҳалок бўлиб кетишсин.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Йўқ! Уларнинг зурриётларидан Аллоҳга ибодат  
қилувчилар чиқади, Аллоҳга ширк келтирмаган бир  
қавм зухур бўлади. Уларнинг ҳалок бўлишларини ис-  
тамайман, – дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу  
саёҳатлари бир ой давом этди. Маккаи мукаррамага  
қайтаётганларида, ҳазрат Зайд:

– Ё Расулуллоҳ, маккаликлар сизни юртингиздан  
хайдашган, у ерга қандай қайтасиз? – деб сўради.  
Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Қайғурма, эй Зайд! Аллоҳ биз тортган бу азият-  
ларни бартараф қилади, бизга нажот йўлини очади.  
Аллоҳ динини албатта ғолиб қилади. Расулига ёрдам  
беради, – дедилар.

### 19. Яхшилик сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنَ الْخَيْرِ كُلِّهِ مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ  
وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الشَّرِّ كُلِّهِ مَا عَلِمْتُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ اللَّهُمَّ إِنِّي  
أَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرٍ مَا سَأَلْتُكَ مِنْهُ عِبَادُكَ الصَّالِحُونَ وَأَعُوذُ بِكَ

مِنَ الشَّرِّ مَا اسْتَعَاذَكَ مِنْهُ عِبَادُكَ الصَّالِحُونَ رَبَّنَا آتِنَا فِي  
الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

Аллоҳумма инний ас'алука минал хойри куллиҳи ма ғалимту минҳу вама лам аълам ва аъзузу бика минаш шарри куллиҳи ма ғалимту вама лам аълам. Аллоҳумма инний ас'алука мин хойри ма са алака минҳу ғибадукас солиҳун ва аъзузу бика минаш шарри маста ғазака минҳу ғибадукас солиҳун. Роббана атина фиддуња ҳасанатан вафил ахирати ҳасанатан ва қина ғазабан нар.

*Маъноси:*

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни саҳобаларига шу дуони ўргатдилар. Бу муборак дуо ўқилган вақтда барча дуоларнинг сиру савоби унинг ичида жамланишини айтдилар. Дуо будир: «Ё Аллоҳ, мен билган-билмаган барча хайрларни Сендан тилайман. Мен билган-билмаган барча ёмонликлардан Сенга юкунаман. Ё Аллоҳ, солиҳ қулларинг сендан қандай яхшиликлар тилаган бўлса, барчасини Сендан сўрайман. Солиҳ бандаларинг қайси ёмонликлардан паноҳ сўраган бўлсалар, уларнинг барчасидан Сенга паноҳ сўрайман. Ё Рабби, дунё ва охирадда хайрлар бер, бизни Жаҳаннам азобидан асра».

**Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга ўргатган бу муборак дуоларида барча дуолар жамланган. Бу ерда солиҳ қуллар, дейиш билан бутун расуллар, набийлар ва валийлар назарда тутилган. Инсон бу муборак дуони ўқиган пайтида барча солиҳ зотларнинг Раббиларидан сўраган бутун яхшиликларни тилаган ва паноҳ сўраган, барча ёмонликлардан Аллоҳга юкунган бўлади. Шу сабабли бу

муборак дуони жамики дуоларнинг ўзаги ва асоси деса бўлади.

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا  
عَذَابَ النَّارِ

**Роббана отина фиддуња ҳасанатан вафил ахирати ҳасанатан ва қина ъзабан нар.**

**«Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин» (Бақара, 201).**

Юқоридаги оятда банда Раббисидан дунё ва охират яхшиликларини тилайди ҳамда Жаҳаннам азобидан сақлашини сўрайди.

## 20. Сигиниш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُبْنِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبُخْلِ وَأَعُوذُ  
بِكَ مِنْ أَرْذَلِ الْعُمُرِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الدُّنْيَا وَعَذَابِ الْقَبْرِ

**Аллоҳумма инний аъзуз бика минал жубни ва аъзуз бика минал бухли ва аъзуз бика мин арзалл ʻумри ва аъзуз бика мин фитнатид дуня ва ʻзабил қобри.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, қўрқоқликдан, бахилликдан, тубан умрдан, дунё фитнасидан ва қабр азобидан паноҳ беришингни сўрайман».

**Шарҳ:**

Бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) беш нарсадан Аллоҳга сигинганлар. Биринчиси – қўрқоқлик. Қўрқоқлик имонсизликдан келиб чиқади. Имонсизлик эса дунё ва охиратни вайрон

қилади. Ҳамма нарсага жасорат ва имон билан эришилади. Шунинг учун қўрқоқлик жуда ёмон иллатдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бу дуоларида қўрқоқликдан Аллоҳга сиғинганлар.

Иккинчиси – бахиллик. Пули, мол-мулкани хайрли йўлда сарф қилишдан қўрқиш, қочиш энг ёмон одат ҳисобланади. Инсон қўли, тили ва моли билан имкони борича хайрли амал қилмоғи керак. Инсонийлик шу нарса билан юксалади. Ҳасис инсонлар ҳеч бир кимсага яхшилик қилмаган кишилардир. Бундайлар фақат нафслари, қоринлари учун яшайдилар, фақат ҳамёнларини ўйлайдилар. Бу жуда ёмон одат бўлгани учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан ҳам Аллоҳга сиғинганлар.

Учинчиси – тубан умр. Бунинг маъноси умрни гуноҳ ишларга сарф қилиш демакдир. Бунда инсон бутун қувватини ёмон йўлларга сарф қилиб дунёдан ўтиб кетиши мумкин. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундан ҳам Аллоҳга сиғинганлар.

Тўртинчиси – дунё фитнаси. Дунё инсонларни алдовчи ўйинчоққа ўхшайди. Одамлар ёш болалардай бу ўйинчоқлар билан овуниб, турли-туман фитна ва ёмонликларга сабаб бўлиб қоладилар. Ҳар ёмонлик дунёни тақводан устун қўйишдан келиб чиқади. Фитна эшиги ҳам дунёни севган сари очилиб боради. Шу боис Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунё фитнасидан Аллоҳга сиғинганлар.

Бешинчиси – қабр азоби. Қабр азоби ҳақдир. Инсон бу оламдан ўтгач, қиёматга қадар ҳисоб-китоб, савол-жавоб бўладиган жойдир. Шу сабабдан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабр жаннат боғларидан бир боғ ёки жаҳаннам чуқурларидан бир чуқур эканини айтганлар. Унинг азоби жаҳаннам

каби кўрқинчли эканини таъкидлаганлар ҳамда бундан Аллоҳга сиғинганлар. Шубҳасиз, бу муборак дуо бизга катта ўғитдир.

## 21. Оғиз очиш дуоси

اللَّهُمَّ لَكَ صُمْتُ وَعَلَى رِزْقِكَ أَفْطَرْتُ فَتَقَبَّلْ مِنِّي إِنَّكَ أَنْتَ  
السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

Аллоҳумма лака сумту ва ʔала ризқика аф-торту фатақоббал минний иннака антас самий-ʔул ʔалийм

*Маъноси:*

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рўзаларини очганларидан кейин шу муборак дуони ўқирдилар: «Ё Аллоҳ, Сен учун рўза тутдим, берган ризқинг билан ифтор қилдим. Сен буни қабул қил. Сен ҳамма нарсани эшитгувчи ва билгувчисан».

**Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо «Бисмиллаҳ...», деб рўзаларини очар, сўнгра шу муборак дуони ўқир эдилар. Бу дуо ҳазрат Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг амакиваччалари Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу муборак дуоларида Аллоҳ учун рўза тутганларини ва У берган ризқ билан ифтор қилганларини баён этадилар ҳамда ҳар нарсанинг Аллоҳнинг қуввати, қудрати ва лутфи билан бўлишини билдирадилар. Аллоҳдан рўзаларини қабул этишини илтижо қиладилар. Кейин эса барча сўзларини эшитувчи, бутун амалларини билувчи Аллоҳ эканини билдириб, Уни шоҳид қиладилар. Бу муборак сўзлар рўза тут-

ган кишининг ифторликда Раббисига муножоти, ёл-воришининг энг гўзал намунасидир.

## 22. Хайрли ризқ ва Аллоҳ розилигига эриштирадиган дуо

اللَّهُمَّ لَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ وَلَا مُعْطِيَ لِمَا مَنَعْتَ وَلَا يَنْفَعُ ذَا  
الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ

Аллоҳумма ла маниъа лима аътойта вала муътия лима манаъта вала янфаъу залжадди минкал жадду.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, Сен берганга тўскинлик қиладиган йўқдир. Сен бермаганни бера оладиган ҳам йўқ. Ҳеч бир бойлик – хазина Сен берганнинг ўрнига ўтиб, фойда беролмайди».

**Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намознинг охирида «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува аъла кулли шайъин қодир», деганларидан сўнг юқоридаги дуони ўқирдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу каломни шариф билан ҳамма нарсани Аллоҳ яратганини, Аллоҳ берадиган нарсага ҳеч кимнинг тўскинлик қилолмаслигини билдирмоқдалар. Аллоҳ бермаса, биров бир нарса беролмайди. Ҳеч бир бойлик Аллоҳ берганининг ўрнига ўтиб, ундан устун бўлолмайди.

Бир куни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжиди саодатларида минбарга чиқиб, одамларга қараб: «Эй инсонлар! Аллоҳ олдинга келтирганини орқада қолдирадиган йўқдир, берганига

тўсқинлик қиладиган ҳам йўқдир. Ҳеч кимсанинг бойлиги Аллоҳ қилган эҳсоннинг олдига ўтиб, фойда беролмайди. Аллоҳ таоло кимнинг хайрини ирода этган бўлса, уни динда олим ва фақиҳ қилади», дедилар. Бу муборак сўзларда инсонлар учун жуда катта ўғит бор. «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува аъла кулли шайъин қодир» тасбеҳидан сўнг бу дуони айтиш хайрли ризқларнинг зуҳурига ва Аллоҳнинг ризосига муваффақ қилади.

**Байт:**

*Берганинга ҳеч ким тўсқин бўлолмас,  
Ё Рабб, бермаганигни ҳеч ким беролмас.  
Ҳеч қандай бойлик зинҳор-базинҳор  
Сен берган неъматнинг ўрнин босолмас.*

**23. Қабристонга кирганда ўқиладиган дуо**

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ يَا أَهْلَ الْقُبُورِ يَغْفِرُ اللَّهُ لَنَا وَلَكُمْ أَنْتُمْ  
سَلَفُنَا وَنَحْنُ بِالْآثِرِ

Ассалому алайкум йа аҳлал қубури. Яғфируллоҳу лана валакум антум салафуна ва наҳну бил асар.

*Маъноси:*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабристонга борганларида бундай дер эдилар: «Эй қабристон аҳли! Сизга салом бўлсин. Аллоҳ сизни ва бизни афв қилсин. Сиз биздан олдинсиз. Биз ҳам сизнинг изингиздан борамиз».

**Шарҳ:**

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадина-

да бир қабристонга дуч келганларида шундай дуо қилганлар. Имом Муслимдан ривоят этилган ҳадисда эса бундай деганлари қайд қилинади:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ الدِّيَارِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ وَإِنَّا إِن شَاءَ اللَّهُ لَلْآحِقُونَ أَسْأَلُ اللَّهَ لَنَا وَلَكُمْ الْعَافِيَةَ

**Ассалому алайкум аҳладдиёри минал муминийна вал муслимийн ваинна инша аллоҳу ла-лаҳиқун. Ас-алуллоҳа лана ва лакумул ъофияҳ.**

**Маъноси:**

«Эй қабрда ётганлар! Мўминлар ва мусулмонлар. Сизга салом бўлсин. Иншааллоҳ, биз ҳам ортингиздан келамиз. Биз учун ҳам, сиз учун ҳам Аллоҳдан афв тилайман».

Юқоридаги ҳадиси шарифларда қабристонга борганимизда марҳумлар билан худди тириклардек саломлашиш юзасидан ўғит берилмоқда. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бадр жангида ўлган мушрикларнинг жасадлари бир лаҳадга йиғилганидан кейин, уларга қараб: «Мен Аллоҳнинг ваъдасини ҳақ билдим. Сиз ҳам Унинг азобини ҳақ билдингизми?» деб хитоб қилганлар. Ҳазрат Умар:

– Ё Расулуллоҳ! Улар бу сўзларингизни эшитадиларми? – деганларида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Ҳа, улар ҳозир сиздан-да яхшироқ эшитадилар, – деб жавоб берганлар.

Дарҳақиқат, инсонлар қабрда ётганларни ҳеч нарсани эшитмайди ва кўрмайди, деб ўйлашади. Ҳолбуки, улар келиб-кетганларни, дуо қилганларни кўради ва эшитади. Шу сабаб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабристонга борганларида мар-

ҳумларга тириклардай салом бериб, уларни кечири-  
шини Аллоҳдан тилардилар. Бу ҳадиси шарифга  
кўра, Ислом аҳли қабристонга борганида Расулulloҳ  
(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига амал  
қилиб, у ердагиларга салом бериши ва уларга Аллоҳ-  
дан афв тилаши керак. Буқун ўлим уларга етган бўл-  
са, вақтида бизга ҳам навбат келади. Шунинг учун  
Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабр-  
дагиларга: «Сиз биздан олдинсиз, биз ҳам сизнинг  
ортингиздан борамиз», деб хитоб қилганлар.

**Байт:**

*Эй қабрда ётганлар!  
Мингларча салом сизга.  
Умримиз тугамоқда,  
Тушганмиз изингизга.  
Қабр дўзах чуқури  
Ёки жаннат боғидир.  
Сизу бизни афв этсин,  
Аллоҳга дуо шудир.*

## 24. Азон дуоси

اللَّهُمَّ رَبِّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ وَالصَّلَاةِ الْقَائِمَةِ آتِ مُحَمَّدًا  
الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتَهُ

Аллоҳумма робба ҳазихид даъватит томмаҳ  
вассолатил қоимаҳ ати Муҳаммаданил василата  
вал фазила вабъасху мақомам маҳмуданилла-  
зий ваъадтаху.

**Маъноси:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) азон  
чақирилгач, шундай дуо қилиш кераклигини бил-  
дирганлар: «Ё Аллоҳ! Эй бу тугал даъватнинг ва ўқи-

ладиган намознинг Рабби! Муҳаммадга васила ва фазилатни ато эт. Унга ваъда қилганинг мақоми маҳмудни эҳсон қилиб, у ерга етказгин».

### **Шарҳ:**

Имом Бухорий “Саҳиҳ”ида келтирган бу ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳар ким азонни эшитганида «Аллоҳумма рабба ҳазихид даъватит томмаҳ вассолатил қоимаҳ ати Муҳаммадинил василата вал фазила вабъасху мақомам маҳмуданиллазий ваъадтаху», деса, уни қиёмат куни шафоат қиламан», деганлар.

Бу дуодаги «васила» калимасидан мурод жаннатдаги даражадирки, бир бандага насиб қилади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мен учун Аллоҳдан васила тиланг. У жаннатдаги бир манзилдирки, ёлғиз биргина бандага насиб қилади. Ўйлайманки, шу банда мен бўламан», деганлар. Яна бир ҳадиси шарифда зикри келган Мақоми маҳмуд шундай мақомдирки, у шафоат мақомларининг энг устунидир. Фақат шу мақомдагина барчага шафоат қилинади. Бу муборак дуони ўқиган киши Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бу мақомни сўраган бўлади. Юқоридаги ҳадиси шарифда келган «салотил қоима» ўқилмоқчи бўлиб турган намоз, «даъватит таамма»дан мурод эса Аллоҳга даъватнинг асоси бўлган азондир. Демак, банда бу муборак дуони ўқиш билан Раббига даъватнинг асоси бўлган азонни қабул қилган ва уни жону дилдан эшитган ва унинг ортидан адо этиладиган намозга бораётиб, Аллоҳнинг даъватчиси бўлган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рисолатини ҳам буюк неъмат, деб қабул қилган бўлади.

**«Раббана иннана самиъна мунадиян юнади лил иймани»** ояти каримасининг сири билан имонга даъват қилувчи Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даъватларини эшитишимиз билан, Раббимиздан у зотга васила жаннатини насиб қилишини сўраймиз.

Пайгамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) бизга Аллоҳни танитдилар ва Уни севдирдилар. Йиллар давомида жаҳолат билан курашиб, бизга буюк неъматларни келтирдилар. Бугун ҳам Аллоҳга чақирилганда у зотни унутмаслик керак. Чунки у зот бизни Аллоҳнинг ҳидоятига етаклаган энг буюк даъватчидирлар.

رَبَّنَا إِنَّا سَمِعْنَا مُنَادِيًا يُنَادِي لِلْإِيمَانِ أَنْ آمِنُوا بِرَبِّكُمْ  
فَأَمْنَا رَبَّنَا فَاعْفُزْنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِّرْ عَنَّا سَيِّئَاتِنَا  
وَتَوَفَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ رَبَّنَا وَآتِنَا مَا وَعَدْتَنَا عَلَى رُسُلِكَ وَلَا  
تُخْزِنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ الْمِيعَادَ

Роббана иннана самиъна мунадиян юнадий лил иймани ан аминув бироббикум фа аманна. Роббана фағфирлана зунубана ва каффир ъанна саййиатина ва таваффана маъал аброр. Роббана ва атина ма ваъадтана ъала русулика вала тухзина явмал қиямаҳ. Иннака ла тухлифул мийъад.

**«Эй Раббимиз! Биз «Раббингизга имон келтиринг!»** деб, имонга чорлаган жарчини (Муҳаммадни) эшитдик ва дарҳол унга имон келтирдик. Эй Раббимиз! Бизнинг гуноҳларимизни кечир, хатоларимизни ўчир ва бизларни солиҳ кишилар қаторида вафот эттир. Эй Раббимиз!

**Яна бизларга** (барча ўтган) **пайгамбарларингга** (уларнинг воситаси ила умматларига) **ваъда қилган нарсаларингни** (савоб ва ёрдамингни) **ато эт ва бизларни қиёмат кунда шармисор қилмагин!** **Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмагайсан»** (Оли Имрон, 193–194).

## 25. Шифо сўраш дуоси

اللَّهُمَّ رَبَّ النَّاسِ أَذْهِبِ الْبَأْسَ أَشْفِ أَنْتَ الشَّافِي لَا شِفَاءَ إِلَّا  
شِفَاؤُكَ شِفَاءً لَا يُغَادِرُ سَقَمًا

Аллоҳумма роббан наси азҳибил баъса ишфи анташ шафий ла шифа'а илла шифа'ука шифаан ла юғодиру сақоман.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Эй инсониятнинг Рабби! Оғриқни кетказ. Шифо берадиган фақат Сенсан. Сендан ўзга шифо берувчи йўқдир. Бунда ҳеч касаллик қолмайдиган даражада шифо ато қил».

**Шарҳ:**

Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг саҳиҳ ривоятларига кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оилаларидан бирор киши касалланганида муборак ўнг қўлларини ҳастанинг оғриган жойига қўяр ва «Аллоҳумма раббаннаси азҳибил баъса ишфи анташшафий ла шифаа илла шифаука шифаан ла йўғодиру сақоман», деб дуо қилардилар. Шундан кейин ўша хаста тузалиб, шифо топарди. Шубҳасиз, асл шифо берувчи бандани ҳам, касалликни ҳам Яратувчи Зотдир. Табиб фақат Аллоҳ берган шифонигина касалга татбиқ қилади. Шунинг учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу

ҳадиси шарифларида шифони яратган Аллоҳга му-  
рожаат қилиб, шифони берган фақат Ўзи, деб айт-  
ганлар. Барча шифолар Аллоҳнинг яратиши билан  
бўлмоқда. Табиблар ҳам уни топиб, хасталарни да-  
волайдилар.

## 26. Қалб собитлигини сўраш дуоси

يَا مُقَلِّبَ الْقُلُوبِ ثَبِّتْ قَلْبِي عَلَى دِينِكَ

**Я муқоллибал қулуби, саббит қолбий ъала  
дийник.**

*Маъноси:*

«Эй қалбларни буриб қўювчи Аллоҳ! Қалбимни  
дининг узра собит (мустаҳкам) қил».

**Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) ҳазрат  
Ойша онамизнинг ривоятларига кўра намозлари-  
нинг охирида доимо «Йа муқаллибал қулуби, саббит  
қолбий аъла дийник», деб дуо қилардилар. Баъзи ри-  
воятларда «аъла дийник»дан кейин «тоатик» кали-  
маси ҳам илова қилинган. Яъни, «Ё Аллоҳ, қалбимни  
дининг ва тоатингда мустаҳкам қил». Бу муборак дуо  
барча дуоларнинг энг муҳимларидан ҳисобланади.  
Инсонлар шайтонга, нафсига шу изтиробли дунёда  
алданиб, диндан, ибодатдан узоқлашиб, куфр йўли-  
га кириб қолганларини билмайдилар. Расулulloҳ  
(соллalloҳу алайҳи ва саллам) бу дуо билан доимо  
Аллоҳдан Ўзининг йўлида ва ибодатда мустаҳкам  
қилишини тилагандилар. Бу фоний оламда яша-  
ган ҳар мусулмон уни ўқимоғи, Аллоҳдан дини ва  
тоати узра қалбининг мустаҳкам, собит бўлишини  
сўрамоғи керак.

## 27. Қадр кечаси дуоси

اللَّهُمَّ إِنَّكَ عَفُوٌّ كَرِيمٌ تُحِبُّ الْعَفْوَ فَاعْفُ عَنِّي

Аллоҳумма иннака ʔафуввун кариймун ту-  
ҳиббул ʔафва фаʔфу ʔанний.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Сен афв этувчисан. Кечиришни яхши кўрасан! Менинг гуноҳларимни кечир!»

**Шарҳ:**

Ҳазрат Ойша онамиз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га:

– Ё Расулуллоҳ, Қадр кечасида нима деб дуо қилай? – дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– (Унда) «Аллоҳумма иннака ʔафуввун кариймун туҳиббул ʔафва, фаʔфу анний», деб дуо қилинг, – дедилар.

Қадр кечаси тилаклар қабул этиладиган, минг ойга тенг бўлган ва ушбу муборак дуони ўқиганларнинг ис-таклари ижобат бўладиган кеча экани айтилади. Мазкур дуода Аллоҳнинг кечиришни яхши кўриши билдирилиб, инсонларга уларнинг бутун гуноҳлари мана шу гўзал ёлвориш билан кечирилиши табиғ қилинмоқда.

Бундай гўзал дуо Расулуллоҳгагина (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хос ёлворишдир. Ҳар мусулмон уни ўрганиб, муборак кечаларда ўқиса, энг қимматли ютуққа эришган бўлади.

**Байт:**

*Ё Рабб, Сен кўп кечирувчисан,  
Бу сифатда собит турасан.  
Гуноҳларимизни кечир,  
Кечиришни яхши кўрасан...*

## 28. Ёмон қавмдан сақланиш дуоси

اللَّهُمَّ إِنَّا نَجْعَلُكَ فِي نُحُورِهِمْ وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شُرُورِهِمْ

Аллоҳумма инна нажъалука фий нуҳуриҳим ва наъзу бика мин шуруриҳим.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, ёмонларга қарши Сенинг ҳимоянгни тилайман. Уларнинг ёмонликларидан Сенга сиғинаман».

**Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёмон қавмга дуч келганларида «Аллоҳумма инна нажъалука фий нуҳуриҳим ва наъзу бика мин шуруриҳим», дер эдилар.

Бу дуо ёмон қавмнинг ҳужумларига қалқон бўлиши боис ҳар мўминга лозим бўлган дуолардандир. Чунки мўмин ва мункир доимо курашда бўлади. Ҳар бир мункир мўминга душманлик қилиши мумкин. Буни билган мусулмон доимо Аллоҳнинг ҳимоясига сиғиниб, уни ўзига қалқон қилиш учун бу муборак дуони ўқийди.

## 29. Овқатлангандан кейин қилинадиган дуо

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَجَعَلَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ

Алҳамдулиллаҳиллазий атъамана ва сақона ва жаъалана минал муслимин.

*Маъноси:*

«Аллоҳга ҳамд бўлсин, У бизни едирди, ичирди ва бизни мусулмонлардан қилди».

### **Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) овқатланганларидан сўнг доимо шу дуони ўқиганлар. Ушбу дуода моддий неъматларга ҳамд айтиш билан бирга мусулмон бўлиш неъматини ҳам баён қилинади. Ҳар мусулмон овқатланганидан сўнг шу муборак дуони ўқиши, буюк неъматларни берган Аллоҳга ҳамд айтиши керак.

### **30. Илк пишган мевани еганда ўқиладиган дуо**

اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِي ثَمَرِنَا وَبَارِكْ لَنَا فِي مَدِينَتِنَا وَبَارِكْ لَنَا  
فِي صَاعِنَا وَفِي مَدَّنَا

**Аллоҳумма барик ланаа фий самаринаа ва барик лана фий мадинатина ва барик лана фий соъина ва фий муддина.**

### **Маъноси:**

«Ё Аллоҳ! Бизга, меваларимизга, шаҳримизга, соъларимизга ва мудларимизга баракот эҳсон қил». (Соъ ва муд – ўлчов бирлиги).

### **Шарҳ:**

Асҳоби киром пишиб етилган илк мевани Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га келтирардилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса мевани муборак қўлларига олиб юқоридагидек дуо қилардилар. Сўнгра ўша жойдаги ёш болаларга у мевани берардилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу ҳадисларидаги «соъ» ва «муд» сўзлари ўша даврдаги оғирлик ўлчов бирликларидир. Шу шаклда Аллоҳ таолодан хирмонларига, шаҳарларига, у ерда вафот этганларга ва яшайдиганларга барака тилардилар.

### 31. Сут ичилганда қилинадиган дуо

اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِيهِ وَزِدْنَا مِنْهُ

**Аллоҳумма барик лана фийҳи ва зидна минҳу.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Сен бу сутдан биз учун баракот эҳсон қил. Биз учун уни зиёда қил».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га сут тақдим қилинганида уни ичар ва: «Ё Аллоҳ, бу сутдан биз учун барака эҳсон қил», деб дуо қилардилар. Кейин эса асҳоби киромга: «Аллоҳ таоло сизга сут ичишни насиб қилса, шу дуони айтинглар», деб насиҳат этардилар.

### 32. Уммат ҳақиға дуо

اللَّهُمَّ بَارِكْ لِأُمَّتِي فِي بُكُورِهَا

**Аллоҳумма барик лиумматий фий буқуриҳа.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, умматимга тонгларида барака эҳсон қил».

**Шарҳ:**

Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоятларига кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо эрта турар ва эрта турган умматлари ҳақиға: «Ё Аллоҳ, умматимга тонгларида барака эҳсон қил», деб дуо қилардилар. Ҳамиша бирон ерга нарса юбормоқчи бўлсалар, эрта юбориш одати шарифлари эди. Асҳоби киром ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу муборак дуоларига ети-

шиш учун дўконларига, далаларига эрта кетардилар. Саҳобалар бу муборак дуонинг баракаси билан буюк файзу баракотларга эришганлар. Ундан кейинги даврларда ҳам бутун мусулмонлар эрта турар ва эрта иш бошлардилар. Бу ҳадиси шарифга биноан ҳар ким эрта турмоғи ва ишларига эрта уринмоғи керак. Шу ҳолда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ушбу дуолари баракасига эришади.

**Байт:**

*Раҳмат ёғдир мамлакатга,  
Бизни фарқ қилгин неъматга.  
Барака бергин, Ё Аллоҳ,  
Эрта турувчи умматга!*

### 33. Гўзал хулқ дуоси

اللَّهُمَّ حَسَنَ خَلْقِي كَمَا حَسَنْتَ خَلْقِي

**Аллоҳумма ҳассин хулқи кама ҳассанта халқи  
Маъноси:**

«Ё Аллоҳ! Мени гўзал яратганинг каби хулқимни ҳам гўзал қил».

**Шарҳи:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қайси пайт ойнага қарасалар, шу дуони айтардилар. Аллоҳ инсонни энг гўзал суратда яратди. Қуръони карим Тин сураси 4-ояти:

لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي أَحْسَنِ تَقْوِيمٍ

**«Лақод холақнал инсана фий аҳсани тақвим».**

Яъни: «Биз инсонни энг гўзал суратда яратдик», дейилади. «Аҳсан» – «жуда гўзал» деган маънони ифодалайди. «Тақвим» эса арабчада «қинғир бирон

нарсани тўғриламақ» маъносини англатади. Шу сабабдан ой ва кунларимизни тўғрилаб, йўл кўрсатиб турадиган жадвални тақвим, деймиз. Қуръонда моддий ва маънавий жиҳатдан яратилмишларнинг энг гўзали ва энг мукаммали инсон экани билдирилган. Бошқа ҳайвонлар тўрт оёқли бўлганлари учун ёки бошқа хусусиятлари туфайли ерда судралиб юрадилар, тик туролмайдилар. Булардан фарқли ўлароқ инсон тамомила тик оёқда тура олади. Ақл, ахлоқ билан ҳам бутун ҳайвонлардан жуда устун ва шу туфайли буюк мақомларга эришади, бу жуда улугъ неъматдир.

Аллоҳ инсонни махлуқот ичидан танлаб олган. Сийратан, суратан гўзал бўлганидек, ахлоқининг гўзаллиги туфайли камол топади. Ахлоқи бузуқ бўлган кишининг исломиятдан ҳам узоқлиги маълум. Исломият гўзал хулқдан иборат. Шундай экан, гўзал хулқи бўлмаган кимса исломиятдан ҳам узоқлашади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар ойнага қараганларида Аллоҳнинг мукамал ва гўзал тарзда яратган юзларига қараб: «Хулқимни ҳам гўзал қил», деб дуо қилардилар. Бу сир туфайли ҳар мўмин Аллоҳнинг гўзал неъматларини кўриб-тасдиқлаши, ҳар ойнага қараганида шу дуони ўқиши керак. Бу неъматларни берган Аллоҳга шукур ҳисобланади.

**Байт:**

*Кўнглимни пок қилгин,  
Ич-ташимни бир қилгин.  
Ё Аллоҳ, юзим каби  
Хулқимни гўзал қилгин.*

### 34. Неъматларга шукрона дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ تَمَامَ النِّعْمَةِ

**Аллоҳумма инний ас' алука тамаман ниъмати.**  
*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Неъматларингни комил қилиб беришингни тилайман».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифларида Аллоҳ таолодан У берган неъматларнинг барчасини тиламоқдалар. Аллоҳ таолонинг неъмати Иброҳим сураси 34-ояти каримасининг сири орқали билинади:

وَإِنْ تَعُدُّوا نِعْمَةَ اللَّهِ لَا تُحْصُوهَا

**«Ваин таъуддув ниъматаллоҳи ла туҳсуҳа».**

Аллоҳнинг неъматлари чексиз ва санаб бўлмайдиган даражада кўпдир. Моддий ва маънавий неъматлар учун Аллоҳга шукр қилиш инсоннинг дастури бўлиши керак. Уларни инкор қилиш нонкўрликдир. Фақат инсонларнинг аксарияти Иброҳим сурасининг 34-оятида таъкидланганидек,

إِنَّ الْإِنْسَانَ لَظَلُومٌ كَفَّارٌ

**«Иннал инсана лазалумун каффар».**

Яъни, куфрони неъмат қиладилар. Зуҳо сурасининг 11-ояти каримасида эса бундай дейилади:

وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ

**«Ваамма биниъмати роббика фаҳаддис».**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифда баён қилганларидай, барча неъматларининг мукаммал берилишини истаганлар. Неъматлар Аллоҳникидир. Аллоҳ бутун коинотга неъматини сочди. Неъмат берганни таниш – Аллоҳга шукр қилишдир. Аллоҳ шукрона қилганнинг ризқини ортиради. Бу оламда энг буюк неъмат имон неъматини, Ислому неъматидир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадиси шарифларида неъматларнинг барчасини орзу қиладилар. Чунки мақсад Аллоҳ таолога энг зиёда муқарраб бўлмоқдир.

Қуръони каримнинг Исро сураси 79-оятисида:

وَمِنَ اللَّيْلِ فَتَهَجَّدْ بِهِ نَافِلَةً لَّكَ عَسَىٰ أَنْ يَبْعَثَكَ رَبُّكَ  
مَقَامًا مَّحْمُودًا

«Ваминал лайли фатаҳажжад биҳи нафила-тан лака ʔаса ан ябʔасака роббука мақомам маҳмуда», дейилади. Аллоҳ таолонинг Расулини таҳажжуд ва нафл намозига тарғиб қилиши билан Мақоми маҳмудга эриштиришини ваʔда этиши энг буюк неъмат-эҳсондир. Чунки Мақоми маҳмуд Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан бошқа ҳеч бир инсон юксала олмайдиган шафоат мақомидир.

Инсонлар даражаларига қараб, бу оламда турли сабаблар билан неъматларни оладилар. Улар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифда ўргатганларидек, ушбу муборак дуони айтишлари, Аллоҳ таолодан бу дунёда улуғ неъматларнинг ҳаммасини тилашлари керак. Бу истак мақбул бўлади. Инсон яхшиликка қанча интилса, шунча яхши неъматлар насиб қилади, Аллоҳга ҳам шунча яқин бўлади.

### 35. Лутф сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخَطِكَ وَبِمُعَافَاتِكَ مِنْ  
عُقُوبَتِكَ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ لَا أَحْصِي ثَنَاءً عَلَيْكَ أَنْتَ كَمَا  
أَثْنَيْتَ عَلَيَّ نَفْسِكَ

Аллоҳумма инний аъзузу биризока мин саҳотика ва бимуъафатика мин ʼуқубатика ва аъзузу бика минка ла уҳсий санаʼан ʼалайка анта кама аснайта ʼала нафсика.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Ғазабингдан розилигинга, уқубатингдан офиятинга қочаман. Сендан Ўзинга қочаман. Сенга лойиқ сано айта олмайман. Сенга лойиқ сано ни фақат Ўзинг айтоласан».

**Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу ҳадиси шарифларида жуда муҳим нуқталарга диққат тортилиб, Аллоҳ таолонинг азобидан Унинг ризосига, Аллоҳнинг жазо ва қасосидан яна Унинг лутфига сиғинганлари баён қилинган. Чунки Аллоҳнинг жазоси ва қасоси жуда шиддатли бўлади. Ҳеч бир кимса унга бардош беролмайди. Аллоҳ ҳеч қандай зулмни севмайди. Мазлумнинг оҳи Аршни титратади. Ҳадди илоҳийдан чиққани боис қулнинг ўчини олади. Заиф ҳисоблаб, Аллоҳ наздида маъсум бўлган кимсага зулм қилинса, маъсумнинг оҳидан Арши азим титрайди. Аллоҳнинг азоби ҳам қаттиқ бўлади. Унга тоқат қилиш мумкин эмас. Шу сабабдан бу ҳадиси шарифда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо Аллоҳнинг азобидан ризосига, қасосидан

эса эҳсон ва лутфига сиғинганлар. Аллоҳ эҳсон этган биргина неъматнинг ҳақини банда қанча уринса ҳам, адо қилолмайди. Инсон чексиз ва саноксиз неъматлар ичрадир. Ҳар бир қувват қулга берилган саноксиз неъматлар маҳсули. Хусусан, Ислом неъматини ўйлаган, буни кўз олдига келтирган инсон унга қандай шукр келтиришини билолмайди. Дунёда биргина шаҳодат келтиришнинг қиймати учун охи-ратда бериладиган лутфларни билса, инсон ҳайратда қолади. Кўриниб турибдики, биз шу ўткинчи оламда келтирган ягона шаҳодат келтириш неъматини шукрини ҳам умримиз тугагунча ҳамд айтиб адо қилолмаймиз.

### 36. Ёмонликдан паноҳ сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ يَوْمِ السُّوءِ وَمِنْ لَيْلَةِ السُّوءِ وَمِنْ سَاعَةِ السُّوءِ وَمِنْ صَاحِبِ السُّوءِ وَمِنْ جَارِ السُّوءِ فِي دَارِ الْمَقَامَةِ

Аллоҳумма инний аъзуз бика мин явмис суу и ва мин лайлатис суу и вамин соатис суу и вамин соҳибис суу и вамин жарис суу и фий дарил муқомати.

#### Маъноси:

«Ё Аллоҳ! Бу дунёда ёмон кундан, ёмон кечадан, ёмон соатдан, ёмон жойдан ва ёмон қўшнидан Сенга сиғинаман».

#### Шарҳ:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифда жуда муҳим беш нарсадан Аллоҳга сиғинганлар. Биринчиси – ёмонлик келадиган кун. Бунда фақат кунда эмас, кундузда келган ёмонликдан ҳам, кечада келган ёмонликдан ҳам Аллоҳга

сиғинилади. Бу ерда кундуз, кеча каби вақт эмас, балки ундан келадиган ёмонлик назарда тутилади. Вақт Аллоҳ наздида қимматлидир. «Вал асри» каломининг тафсирида муфассирлар Аллоҳ таолонинг вақтга қасам қилганини ёзадилар.

«Замон ёмон бўлиб кетди», дейиш нотўғри тушунчадир. Фақат замон ичида яшаётган инсонларнинг ёмонлашиши билан, ёмонларнинг кўпайиши билан замон ёмонлашади. Асри саодат деганда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яшаган даврларни англаймиз, жоҳилият даври деганда жаҳолат ғалаба қилган даврни тушунамиз. Бу ерда ҳам вақтни ёмон демай, ёмонлик келган кеча, ёмонлик келган кундуз, ёмонлик келган соат, деб сифатланган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай ёмонлик келадиган кечадан, кундуздан ва ёмонлик келадиган соатдан Аллоҳга сиғинганлар. Чунки дунё имтиҳонининг энг шиддатли курашини бу даврда бошлайди. Инсон шайтон ва нафсига эргашиб ёмонлик келган кеча, кундуз ва соатда ҳар турли исёнга кириб қолиши мумкин.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай вақтларда билмай исёнга тушиб қолишдан Аллоҳга сиғинганлар. Ҳадиси шарифда ёмонлигидан Аллоҳга сиғинилган тўртинчи нарса турар жойдир. Чунки яшайдиган жой дин ва дунё учун қулай, оила, болаларни ҳар турли ёмонликлардан сақлайдиган макон бўлиши керак. Мўминнинг уйи уни фитнадан сақлайдиган мустаҳкам қалъаси бўлиши лозим. Ҳадиси шарифда яна ёмон қўшнидан ҳам Аллоҳга сиғиниш кераклиги билдирилган. Чунки ёмон қўшни қўли ва тили билан доимо зарар етказди. Бу зиён моддий бўлмаса ҳам, инсон руҳига азоб беради. Эртакеч катта, ёмон мусибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундан Аллоҳга сиғинганлар. «Уй олма, қўшни ол», деган гап бежиз айтилмаган.

### 37. Осонлик сўраш дуоси

اللَّهُمَّ الطُّفَّ فِي تَيْسِيرٍ كُلِّ عَسِيرٍ فَإِنَّ تَيْسِيرَ كُلِّ عَسِيرٍ  
عَلَيْكَ يَسِيرٌ وَأَسْأَلُكَ الْيُسْرَ وَالْمَعَايَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ

Аллоҳумма ултуф фий тайсири кулли ъасирин фаинна тайсира кулли ъасирин ъалайка ясийрун ва ас' алукал юсра валмуъафата фид дуня вал охира.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Ҳар қийинчиликни осон этишда менга лутф қил. Ҳар қийинчиликни енгиллатиш Сен учун жуда осон. Сендан дунё ва охиратда осонлик ва офият сўрайман».

**Шарҳ:**

Дунё аламли, паст-баланд, тўғри ва ботқоқли бир йўлга ўхшайди. Инсон ҳар қадамида бошқа бир ерни босади. Йўллар тўғри, текис бўлмаганидек, умр йўли ҳам ўнқир-чўнқирдир.

Кўриниб турибдики, дунёдаги турли қийинчиликлар ҳамма учун муқаррардир. Тарихда ўтган анбиёлар янада оғирроқ мусибатларга дуч келганлар. Бу машаққатлардан чиқиш учун курашаркан, ушбу муборак дуо билан Аллоҳдан қийинчиликларни осонлаштиришида ёрдам сўраганлар.

### 38. Ҳаёт яхшилигини сўраш дуоси

اللَّهُمَّ أَحْيِنِي مَا كَانَتِ الْحَيَاةُ خَيْرًا لِي وَتَوَفَّنِي إِذَا  
كَانَتِ الْوَفَاةُ خَيْرًا لِي

Аллоҳумма аҳйиний ма канатил ҳаёту хойрон лий ва таваффаний иза канатил вафату хойрон лий.

#### Маъноси:

«Ё Аллоҳ! Ҳаёт мен учун хайрли бўлгани қадар мени яшат, мен учун ўлим хайрли бўлганида мени ўлдир».

#### Шарҳ:

Инсон дунёнинг азобларига бардош беролмай, баъзан ўлимини орзу қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир инсоннинг бошига мусибат келганида ўлимнинг тез келишини иташини маъқул кўрмай, «Ё Аллоҳ, ҳаёт мен учун хайрли бўлгунича яшай, хайрли бўлмаса, мени ўлдир», дейишни тавсия қилганлар. Доимо ҳаётда курашиш билан биргаликда хайрли томонини ҳам Аллоҳ таолодан тилашни амр қилганлар.

Имом Бухорий ва Имом Муслимдан келтирилган ҳадисларга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўлимини тилаган бир одамга: «Сизлар бошингизга мусибат келса, ўзингизга ўлим тиламангиз. Муҳаққақ, шундай тилакда бўлар экан, «Ё Аллоҳ, ҳаёт мен учун хайрли бўлса, яшат, хайрли бўлмаса, мени ўлдир», десин», деганлар. Бу инсоннинг энг сўнгги тилагидир. Аллоҳ бандасини яшатса, ҳаёти хайрли эканини билиши керак. Ўлдирса ҳам, унинг хайрли ўлим эканини англаш лозим. Чунки мўмин

банда хайрлисини истагани учун Аллоҳ таоло унга ўлим ва ҳаётнинг хайрлисини лутф қилади.

### 39. Хотиржамлик ва қарздан қутулиш дуоси

اللَّهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَاتِي وَآمِنْ رَوْعَاتِي وَأَقْضِ عَنِّي دَيْنِي

**Аллоҳуммастур ʻавротий ва амин ровʻатий вақзи ʻанний дайний.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Аврат жойимни ёп, қўрқувимни хотиржамликка айлантир, қарзимни тўлашга муваффақ қил».

**Шарҳ:**

Инсон дунё ва охиратда шарафли бўла олиши учун жоҳилият даврига оид баъзи гуноҳлари ёпилиши лозим. Тавба банданинг бутун гуноҳларини амал дафтаридан ўчирадиган амалдир. Аллоҳ бандаларининг айбини, хатосини афв қилади. Банда эса Аллоҳдан доимо шуни тилаши керак. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳуммастур авратий», яъни, «Аврат жойларимни бекит», деганлар. Аврат ҳар бир инсон учун бекитилиши лозим бўлган жой. Бунга фақат аҳли тақво ва аҳли ҳаё амал қилади. Шу сабаб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак дуоларида шуни сўраганлар.

«Ва амин ровʻати» сўзи билан эса Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўрқувни хотиржамликка айлантиришни орзу қилганлар. Чунки ортиқча қўрқув беҳаловатликни келтириб чиқаради. Ҳузур қалбнинг Аллоҳга амин бўлишини таъминлайди. Ҳар иккиси ҳам бирга бўлади. Амният (ишонч) қўрқувдан устун келса, инсон ҳузур-ҳаловатга эришади. Шунинг учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) бу ҳадиси шарифда қўрқувни аминликка айлантиришни Аллоҳдан тилаганлар. Бу ҳадисдаги учинчи тилак қарзни тўлашга муваффақ бўлишдир. Чунки қарз инсон моддий, маънавий ҳаётига раҳна солади. Қарз олган қийинчиликка дуч келади. Хузурсиз бўлади. У оловдан кўйлак кийгани сингари вужудини ёқади. Турли хил ёлғонлар пайдо бўлади. Чунки қарзини ўз вақтида тўлолмаган киши истаб-истамай, ёлғон гапиради. Бундай қарз билан вафот этган киши қабрида ҳам тинч ётмайди. Дунё ва охираат изтиробини қарзнинг ёмонлигидан келиб чиқади. Шу сабаб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифда қарзни тўлашга муваффақ этишини Аллоҳдан тилаб, дуо қилганлар.

Имом Термизий нақл қилган бу ҳадиси шариф ҳар бир мўмин билиши лозим бўлган дуолардандир. Чунки айбдан қутулиш, хотиржамликка эришиш, қарзини бўлса, узиш ҳузур ва саодатнинг асосидир.

#### 40. Ҳидоят ва бойлик сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْهُدَىٰ وَالتَّقَىٰ وَالْعَفَاةَ وَالْغِنَىٰ

Аллоҳумма инний ас'алукал ҳуда ваттуқо валъафафа валғина.

Маъноси:

«Ё Аллоҳ, Сендан ҳидоят, тақво (ёмон нарсаларни тарк қилмоқ), иффат ва бойлик сўрайман».

**Шарҳ:**

Ҳар бир яхшилик Аллоҳнинг ҳидояти билан бўлади. Аллоҳнинг ҳидояти бўлмаса, ҳеч бир кимса асло яхшиликка етишолмайди. Ҳидоятда бўлган киши соадатга эришади. Ҳидоятдан маҳрум бўлган одам эса дунё ва охираатнинг фалокатига юз тутати.

Ким ҳидоятга эришган бўлса, Аллоҳга кўплаб шукр қилиши лозим. Сўнгра эса ўзини тақво йўлига солиши керак. Ҳидоятга эришган киши Аллоҳнинг амрларини бажаради, қайтариқларидан қочади. Тақво ёмонликлардан сақланишдир. Аллоҳ наздида энг мукаррам банда тақволи кимсадир.

Ҳужурот сурасининг 13-ояти каримасида айтилади:

إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ اتَّقَاكُمْ

**Инна акромакум ъиндаллоҳи атқокум.**

Яъни, Аллоҳ наздида энг мукаррам инсонлар тақволи кишилардир.

Ҳадиси шарифда яна иффат ва бойлик ҳақида сўз борган. Иффат инсонни ёмонликдан қайтаради. Инсон ҳамма нарсани Аллоҳдан истайди. Шу сабабли Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Алфақру фаҳри», яъни «Фақирлик билан ифтихор қиламан», деганлар.

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) халқдан ҳеч бир нарса истамаганлари учун «Жаннат сенга вожиб бўлди», деган муждани олганлар. У киши ҳам, ривоятларга кўра, умрларининг охиригача бировдан бирор нарса сўрамаганлар, ҳатто отда турганларида қамчилари тушиб кетса ҳам, ўзлари тушиб олганлар.

Кўриниб турибди, муқаррабларнинг фикри-зикри Аллоҳдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг ҳаётларини ўрганганлар у зот фақат Аллоҳга муҳтож бўлганларини кўрадилар. Пайгамбаримиз барча нарсани фақат Аллоҳдан тилаган тенгсиз зотдирлар.

#### 41. Саломатлик сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الصَّحَّةَ وَالْعِفَّةَ وَالْأَمَانَةَ وَحُسْنَ الْجُلُقِ  
وَالرِّضَا بِالْقَدَرِ

Аллоҳумма инний ас' алукас сихҳата вал иф-  
фата вал аманата ва ҳуснал хулқи варризо бил  
қадари.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Сендан сихҳат, иффат, омонатга риоят,  
гўзал ахлоқ ва қадарга розилик сўрайман».

**Шарҳ:**

Табароний нақл қилган бу ҳадиси шарифда Ра-  
сулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) беш нарса-  
ни Аллоҳдан тилаганлар. Булар моддий ва маънавий  
жаётнинг жавҳарлари ҳукмидадир.

Биринчиси – моддий ва маънавий олам учун энг  
зарур бўлган сихҳат-саломатлик. Соғлик бўлмаса, ин-  
сон ҳеч бир муваффақиятга эришолмаслиги мумкин.  
Сихҳат-саломатлик ҳар қандай ишнинг бошидир.

Иккинчиси – иффат. Иффат инсон шарафини қў-  
риқлаган энг биринчи жавҳардир. Инсонлар иффат  
билан буюк камолга эришадилар. Яхши инсон доимо  
иффатли бўлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва  
саллам) жуда иффатли инсон эдилар.

Бу ҳадиси шарифда Аллоҳдан омонатга риоя қи-  
лиш ҳам сўралмоқда. Солиҳ инсон ўзига омонат  
қилинган нарсаларга хиёнат қилмайди. Омонатга  
риоя қилмаган инсон энг ёмон инсондир. Фақат  
аминларгина омонатга риоя қиладилар. Расулуллоҳ  
(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам Муҳаммадул  
амин эдилар. Одамлар у зотга ишонар эди. Барча

солиҳлар ҳам омонатда амин бўлишган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мунофиқларнинг уч ёмон сифатини айтганлар: гапирса, ёлғон гапирди, ваъдасида турмайди ва омонатга хиёнат қилади.

Омонатга хиёнат – мунофиқлик аломати. Энг яхши инсон ўзига омонат берилган нарсага хиёнат қилмаган инсондир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа ҳадисларида ҳам Аллоҳ таолодан гўзал ахлоқ тилайдилар. Чунки гўзал ахлоқ диннинг устунларидан бири саналади. Гўзал хулқ имондандир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам дунёдаги жами инсонларнинг гўзал хулқларини ўзларида жамлаган эдилар. Инсон яхши хулқ билан инсонлигини англай олади. Исломда ҳам гўзал хулқнинг ўрни катта.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифларида қадари илоҳийга рози бўлишни тилайдилар. Чунки қадар инсон учун азалда ёзилган бўлиб, бу имтиҳон оламида у Аллоҳдан келганларига рози бўлиши керак. Ҳақдан келганга рози бўлиш Ҳақнинг ризосига йўл очиб беради.

Инсон шундай сирларни ўзида жамлаган улуғ тилакларни Аллоҳдан сўраши керак. Инсон буларни ўрганиб ҳаётига татбиқ қилиши билан маънавий бойиган бўлади.

#### **42. Иффат сўраш дуоси**

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعِفَّةَ وَالْعَافِيَةَ فِي دُنْيَايَ وَدِينِي وَأَهْلِي  
وَمَالِي اللَّهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَاتِي وَأَمِّنْ رَوْعَاتِي احْفَظْنِي مِنْ بَيْنِ

يَدَيَّ وَمِنْ خَلْفِي وَعَنْ يَمِينِي وَعَنْ شِمَالِي وَمِنْ فَوْقِي وَأَعُوذُ  
بِكَ أَنْ أُغْتَالَ مِنْ تَحْتِي

Аллоҳумма инний ас'алукал ъиффата вал ъафията фий дуняя ва диний ва аҳлий ва малий. Аллоҳуммастур ъавротий ва аммин равъотий ихфазний мин байни ядайя ва мин холфий ва ъан яминий ва ъан шималий ва мин фавқий ва аъзуз бика ан уғтала мин таҳтий.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Дунёимда, динимда оиламда ва молимда Сендан иффат ва офият (саломат) истайман. Ё Аллоҳ! Айбларимни яшир, қўрқувимни хотиржамликка айлантир. Олдимдан ва ортимдан, ўнгимдан ва сўлимдан, устимдан ва остимдан ўлимга дучор бўлишдан Сенга сиғинаман».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифда дин ва дунёларида, оила ва молларида Аллоҳдан иффат ва офият тиламоқдалар. Чунки дунёда ва охиратда ҳар буюк неъматлар, даражалар иффат туфайли қозонилади. Иффат инсонларни ёмонликдан узоқлаштирадиган маънавий хислатдир. Шунингдек, инсонларнинг турли фаолиятлари офият ва саломатлик туфайли амалга ошгани учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иффат талабидан сўнг офият тиламоқдалар.

Ҳадиси шарифнинг иккинчи қисмида баён қилинган аврат жойини бекитишни ва қўрқувни аминликка айлантиришни сўрагач, инсонга ҳар жабҳадан келадиган турли зарарлардан асрашини талаб этиб: «Ё Раб! Менинг олдимдан, ортимдан, ўнг ва сўлимдан, уст ва остимдан келадиган барча балолардан Сенга сиғинаман», деб дуо қилганлар.

Остан келадиган балолар ер қимирлаши каби нарсалардир. Инсон дунёда яшаган вақт ичида ҳар жиҳатдан моддий ва маънавий зарарлар, ғам-ғуссалар, синовлар орасида бўлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу муборак сўзлар ила дуо қилиб, ҳар турли балолардан Аллоҳнинг муҳофазасига сиғинганлар. Ҳадиси шарифни яхши англаган, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг муборак сўзларига амал қилиб, шу гўзал дуолар билан ҳар турли офат ва балодан Аллоҳга сиғинган киши илоҳий маърифатга ошно ҳисобланади.

### 43. Покиза ҳаёт сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عَيْشَةً نَقِيَّةً وَمَمِيَّةً سَوِيَّةً وَمَرَدًّا غَيْرَ مُحْزِيٍّ  
وَلَا فَاضِحٍ

Аллоҳумма инний ас'алука тийшатан нақий-йатан ва майтатан савиййатан ва мараддан ғойро мухзиййин ва ла фазиҳин.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, Сендан покиза ҳаёт, машаққатсиз ўлим, разил-расво қилмайдиган, шарманда қилмайдиган қайтиш сўрайман».

**Шарҳ:**

Бу ҳадиси шарифда инсонлар учун саодат, саломат ва ҳузурнинг нурли йўли англатилади. Аллоҳдан тоза ва покиза ҳаёт тиланади. Шубҳасиз, бу фоний ва фитна-нали дунёда покиза яшай олиш ҳам буюк неъматдир. Хоин кўзлар, ёмон сўзлар фариштадек инсонларга зарар етказди. Пайғамбарлар ҳам хоин кўзли, ёмон қалбли мунофиқларнинг сўзларидан қутула олишмаган. Аллоҳдан тоза ва осуда ҳаёт кечиришни ти-

лаш буюк ғоядир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бутун инсонларнинг энг шарафлиси ва энг кучлиси бўлишларига қарамасдан Аллоҳдан тинч ва покиза ҳаёт сўраганлар. Сўнгра машаққатсиз, осон ўлим орзу қилганлар. Шубҳасиз, инсоннинг энг заиф вақти мажолсиз қолган дамларидир.

Аҳли имон бу пайтда хотиржам ва ҳузурли қалб билан Аллоҳга руҳларини таслим қилади ва бу энг фазилатли ўлимдир. Шу туфайли бутун уламолар умрининг сўнгги дамларида шуни орзу қиладилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни машаққатсиз ўлим, деб сифатлаганлар. Яна ушбу ҳадиси шарифда шармандали, разил-расво бўлмаган қайтиш орзу қилинган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) булардан ҳам Аллоҳга сиғиниб, Аллоҳга хайрли қайтиш учун дуо қилганлар. Кўриниб турибди, буларнинг барчаси буюк ҳикматлардир, барча моддий ва маънавий ҳаётимизни тирилтиргувчи тилак ва ўғитлардир...

#### 44. Барака сўраш дуоси

اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِيهِ وَأَطِعْنَا خَيْرًا مِنْهُ

Аллоҳумма барик лана фийҳи ва атъимна хойрон минҳу.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Сен бу овқатда биз учун барака ато эт ва бизга ундан яхшисини едир».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) овқатдан сўнг “Аллоҳумма барик лана фийҳи ва атъимна хойрон минҳу”, деб дуо этишни тавсия қилганлар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таомланиш-

да барака тилаганлар. Баъзи инсонлар кўп ейдилар, бироқ барака бўлмагани учун тўймайдилар. Таомнинг баракаси «Бисмиллаҳ...» билан бўлади. Кўпчилик бўлиб овқатланилса, таом янада баракали бўлади.

Бир куни асҳоби киром Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: «Ё Расулуллоҳ, еймиз, аммо қорнимиз тўймайди. Овқатимизда барака йўқ», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга: «Якка-якка овқатланасизларми?» дедилар. Асҳоби киром: «Ҳа», деб жавоб берди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Таомингизни биргаликда баҳам кўринг. Аллоҳнинг исми билан бошланг. Шунда таомингиз баракали бўлади», дедилар.

Кўриниб турибди, овқатнинг баракаси “Бисмиллаҳ...”ни айтиш, овқатни кўпчилик бўлиб ейиш ва Аллоҳ берган неъмат учун Унга шукр қилиш билан зухур бўлади. Аллоҳ шукр қилувчиларга неъматини кўпайтиради.

#### 45. Шукр дуоси

اللَّهُمَّ لَكَ الْجَمْدُ حَمْدًا يُؤَافِي نِعْمَكَ وَيُكَافِي مَزِيدَ كَرَمِكَ

Аллоҳумма лакал ҳамду ҳамдан ювафий ниъамака ва юкафиу мазийда каромика.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Сенга неъматларингга муносиб, караминг зиёдасига яраша ҳамд бўлсин».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифга кўра, овқатланиб бўлгач, шу қисқа муборак дуони ўқир эдилар. Бу дуода ҳамднинг Аллоҳга хос экани билдирилади, ҳамд айтгач, Унинг неъматларига фазлу карами ила эришилиши айтила-

ди. Ҳамд – шукрнинг асоси. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар хайрли ишни бошлаганларида “Бисмиллаҳ...”, дер ва неъматлар учун ҳамд айтиб, Аллоҳга шукрона қилар эдилар. Бу дуо улуғ дуолардандир.

Қуръони каримнинг Фотиҳа сураси

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

«Алҳамду лиллаҳи роббил алабийн», деб бошланади. Ҳар намозда Аллоҳга ҳамд айтилади. Ҳар хутбанинг бошида ҳам неъматларга ҳамд айтилади. Ҳамд Аллоҳни улуғлаш ва сано айтиш ҳамда Унга шукр келтиришнинг асосидир. Инсон бу сўздан бошқа неъмат шукрини ифодаловчи сўз тополмайди. Бу ҳадиси шарифда ҳам ҳамднинг Аллоҳга экани, бизга насиб қилган бутун неъматларга ҳамд билан эришиш сўралади. Бу сўзлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мўъжизаларидир. Чунки ҳеч бир кимса буюк маъноларни қисқа жумлаларга сиғдиролмайди. Кимки таомланиш дуосини билмаса, мана шу қисқа дуони ўқиши ўринли бўлади.

#### 46. Уйқу олдидан ўқиладиган дуо

اللَّهُمَّ بِاسْمِكَ أُمُوتُ وَأَحْيَا

Аллоҳумма бисмика амуту ва аҳйа.

Маъноси:

«Ё Аллоҳ! Ҳаётим ҳам, мамотим ҳам Сенинг исминг биландир».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ухласларидан олдин: «Ё Аллоҳ, ўлимим ҳам, тириккли-

гим ҳам Сенинг исминг ёди билан», деб дуо қилар эдилар. Яна «Рабби қини азабака йавма табъасу ибадака», дердилар. Яъни, «Ё Раббий! Сен қулларингни такрор тирилтирадиган кунда азобингдан мени сақла», деб дуо қилардилар.

Бу ҳадислар бизга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ухлашларидан олдин ҳам Аллоҳни эслаб, Унга қаттиқ боғланганларини кўрсатмоқда. Шундан кейин эса ҳамма тирилиб, қабрдан чиқадиган куни азобдан асрашини Аллоҳдан сўраб, бизларга буюк ибрат бўлганлар.

**Байт:**

*Руҳ суворий, нафс отим,  
Бир мусобақа – ҳаётим.  
Аллоҳ, ёдинг бирладир  
Ҳаётим ҳам мамотим.*

#### 47. Уйқудан тургач, ўқиладиган дуо

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا وَإِلَيْهِ النُّشُورُ

Алҳамду лиллаҳиллазий аҳйана баъда ма аматана ва илайҳин нушур.

*Маъноси:*

«Биз ўлгандан сўнг тирилтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қайта тўпланиш ҳам унинг ҳузуригадир».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйқудан тургач: «Ўлик эканмиз, бизни тирилтирган, уйқуда эканмиз, бизни уйғотган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ўлимдан кейин ҳам тирилиб ҳашр бўлишимиз ҳам шу тариқа бўлади», дер эдилар. Яъни, бу дунё ҳаётида ўлиқдай ухлаб, сўнгра такрор уйғонаётган бўлсак, бу фоний оламдан кетганидан сўнг ҳам бир

кун қиёмат кунда ана шундай тириламиз. Унинг хузурига борамиз. Ҳашр қилинамиз. Бу муборак дуо инсон учун жуда катта ўғит манбаи бўлиб, бир оз ўйлаганларга ухлаб, қайта уйғонишнинг ўлимдан сўнг қайта тирилишга қанчалар ўхшадини билдиради. Шу тарзда бу дуони ўқиб, тафаккур қилган кимса у даҳшатли куннинг ҳақиқатини тушуниб олади.

#### 48. Ой чиққанда ўқиладиган дуо

اللَّهُمَّ أَهْلَهُ عَلَيْنَا بِالْأَمْنِ وَالْإِيمَانِ وَالسَّلَامَةِ وَالْإِسْلَامِ رَبِّي  
وَرَبُّكَ اللَّهُ هَلَالٌ رُشِدٍ وَخَيْرٍ

Аллоҳумма аҳиллаҳу ʔалайна бил амни вал иймани вассаломати вал ислами. Роббий ва роббукаллоҳу ҳилалу рушдин ва хойрин.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Бу ойни хотиржамлик, иймон, саломатлик ва Ислом оyi қил. Сенинг ва менинг Раббим Аллоҳдир. Тўғрилиқ ва эзгулик оyi бўлсин».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ой чиққанини кўриб: «Ё Аллоҳ! Бизни қўрқувлардан амин қил! Имонимизни барқарор ва мустаҳкам қил. Вужудимизга келадиган касалликлардан бизни асра. Бизни Ислом динида қоим айла», деб дуо қиляганлар. Сўнг ойга қараб: «Эй ҳилол, сенинг ҳам, менинг ҳам Раббимиз Аллоҳдир! Хайрли ва муборак бўл», дер эдилар.

**Байт:**

Ё Аллоҳ, қўрқувдан бизни амин қил,  
Имонимизни доим салим қил.

Вужудни сақлагин касалликлардан,  
Бизни Ислонда доим қоим қил.

Эй осмон тоқида порлаган ҳилол,  
Кун-бакун эзгулик нурига тўлгин.  
Барчанинг Илоҳи буюк Аллоҳдир,  
Ҳаммамизга, ҳилол, муборак бўлгин.

#### 49. Таҳликалардан паноҳ сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْكُفْرِ وَالْفَقْرِ وَعَذَابِ الْقَبْرِ

Аллоҳумма инни аъзузу бика минал куфри вал  
фақри ва ъзабил қобри.

Маъноси:

«Ё Аллоҳ! Куфрдан, фақирликдан ва қабр азоби-  
дан паноҳ беришингни сўрайман!»

Шарҳ:

Уқба ибн Амр ҳазратлари Расулуллоҳ (соллаллоҳу  
алайҳи ва саллам)дан Аллоҳнинг куфр, фақирлик ва  
қабр азоби каби таҳликалардан асраши ҳақида бун-  
дай ривоят қилади: «Бир куни Расулуллоҳ (соллал-  
лоҳу алайҳи ва саллам) менга: «Эй Уқба ибн Амр,  
«Қул аъзузу бироббил фалақ» ва «Қул аъзузу биробин  
нас»ни ўқи. Кейин эса «Аллоҳумма инни аъзузу бика  
минал куфри вал фақри ва азабил қобри» дуосини  
айт», дедилар». Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва  
саллам) шу тарзда инсонларни фалокатга олиб бо-  
рувчи куфр, фақирлик ва қабр азоби даф бўлишини  
билдирганлар. Нос ва Фалақ сураларида Аллоҳ тао-  
лога қандай сиғиниладиган нарса бўлса, ҳаммаси  
зикр қилинган. Фалақ сураси будир:

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ (۱) مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ (۲) وَمِنْ شَرِّ غَاسِقٍ

إِذَا وَقَبَ (۳) وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ (۴) وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ  
إِذَا حَسَدَ (۵)

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Қул аъзуз би-  
роббил фалақ мин шарри ма холақ ва мин шар-  
ри ғосиқийн иза вақоб ва мин шаррин наффаса-  
ти фил уқоди ва мин шарри ҳасидин иза ҳасад».

Нос сураси эса бундай:

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ (۱) مَلِكِ النَّاسِ (۲) إِلَهِ النَّاسِ (۳) مِنْ  
شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ (۴) الَّذِي يُوَسْوِسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ  
(۵) مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ (۶)

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Қул аъзуз  
биробиннас маликиннас илахин нас мин шар-  
рил васвасил хоннас аллази йувасвису фий суду-  
риннас минал жиннати ваннас».

Бу машҳур суралар ўқилгандан сўнг юқоридаги  
дуони айтиш тавсия қилинмоқда. Унда ҳам мазкур  
суралардаги каби ҳар хил ёмонликлардан Аллоҳга  
сиғинилмоқда. Дуони ўқиганлар барча кўрқинчли  
оқибатлардан ўзларига ҳимоя сўраган бўладилар.

Куфрнинг оқибати қанчалик даҳшатли бўлса,  
моддий оламдаги фақирлик ҳам инсонни куфрга  
яқинлаштирадиган офатдир. Бунга, яъни фақир-  
ликка бардош бериш осон эмас. Шу боис банда  
Аллоҳдан хайрли ризқлар эҳсон қилишини тила-  
моғи лозим.

Бир неча ҳадиси шарифларда таъкидлангани-  
дек, қабр азоби жуда даҳшатли оқибатдир. Шу са-  
баб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан

ҳам Аллоҳга сиғинганлар. Киши «Қул аъзузу бироббил фалақ» ва «Қул аъзузу биробин нас» сураларини ўқигач, юқоридаги муборақ дуони доимо айтишга одатланса, Аллоҳнинг изни билан ҳар қандай балодан халос бўлади.

### 50. Хорликдан паноҳ сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْفَقْرِ وَالْقِلَّةِ وَالذَّلَّةِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ أَظْلِمَ وَأُظْلَمَ

Аллоҳумма инний аъзузу бика минал фақри вал қиллати ваз зиллати ва аъзузу бика мин ан азлима ва узлама.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Фақирликдан, йўқчиликдан, хорликдан, зулм қилишдан ва зулм кўришдан паноҳ беришингни сўрайман».

#### **Шарҳ:**

Абу Довуд ва Насойининг ҳадис китобларида келган бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) беш нарсадан Аллоҳга сиғинганлар. Биринчиси – фақирлик, иккинчиси – йўқчилик, учинчиси – хор бўлиш, тўртинчиси – зулм қилиш, бешинчиси – зулм кўриш.

Фақирлик ва йўқчилик ҳадиси шарифларда баён қилинганидай, дунёда инсонга алам ва изтироб беради. Уларда инсонни турли ёмонликларга олиб бориш таҳликалари мавжуд.

Хор бўлмоқ эса инсоннинг шараф ва обрўсини ерга уради. Инсон шарафини кўриқлай олиши учун албатта Аллоҳга сиғиниб, булардан ўзини қутқармоғи

лозим. Зулм қилиш қанчалик ёмон бўлса, зулм кўриш ҳам шу қадар ёмондир. Булардан Аллоҳга сиғиниш саодат ва саломатлик асоси деб билдирилган.

### **51. Куфр ва фақирликдан сақланиш дуоси**

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِوَجْهِكَ الْكَرِيمِ وَاسْمِكَ الْعَظِيمِ مِنْ  
الْكُفْرِ وَالْفَقْرِ

**Аллоҳумма инни аъзуз биважҳикал карийми ва исмикал азийми минал куфри вал фақри.**

*Маъноси:*

Табароний ривоят қилган бу ҳадиси шарифда куфр ва фақирлик ҳақида сўз юритилган. Иккисининг ҳам инсон учун моддий ва маънавий зарари кўп. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу сабабдан бу иккисидан ҳам Аллоҳнинг карамига сиғинганлар, улардан халос бўлишни истаганлар. Куфр маънавийят оламини қандай хароб қилса, фақирлик ҳам сабрсиз инсонларнинг моддий оламларини вайрон этиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Чидаб бўлмас вазиятлар инсонларнинг маънавиятига салбий таъсир қилади. Шунинг учун доимо Аллоҳнинг лутф-карамига ва эҳсонига Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўргатган бу муборак дуолар орқали сиғинмоқ керак.

### **52. Қавмга дуо**

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِقَوْمِي فَإِنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ

**Аллоҳуммағфир лиқавмий фаиннаҳум ла йаълamuна.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, қавмимни афв эт. Улар билмайдилар».

**Шарҳ:**

Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг ҳадис китобларида келган ҳадисларга қараганда, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни ўтмишдаги расуллардан сўз очиб, бундай дедилар: «Бир куни расуллардан бирининг қавми уни дўппослаб қонга белаган эди. У расул қўли билан қонини артар ва Аллоҳ таолога «Аллоҳуммағфир лиқавмий фаиннаҳум ла йаъламуна», деб дуо қиларди.

Шубҳасиз, бу муборак дуо расуллар каби буюк инсонларга хос ахлоқ намунасидир. Улар инсонларнинг энг ҳурматлилари ҳисобланади. Уларнинг йўлида юрганлар нақадар бахтли...

### **53. Ҳожатхона ва ҳаммомга киришда ўқиладиган дуо**

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُبْنِ وَالْجَبَانِ

**Аллоҳумма инни аъзузу бика минал хубси вал хабоиси.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Эркак ва урғочи шайтонлар ёмонлигидан паноҳ бер!»

**Шарҳ:**

Имом Бухорий ривоятига кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга: «Ҳар ким ҳожатхонага ёки ҳаммомга кираётганида «Аллоҳумма инни аъзузу бика минал хубси вал хабоиси» дуосини ўқисин», дедилар. Бутун асҳоби киром Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу амрларига амал қилар эди. Ҳожатхона ва ҳаммомга кираётган-

ларида доимо чап оёқ билан кирар ва чиқишда ўнг оёқ билан чиқардилар. Ўнг оёқ ва ўнг қўлни ҳамиша хайрли ишларда ишлатар эдилар.

Бу ҳадислар файз ва барака асрорининг манбаларидир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч бир маҳал чап қўл билан нарса олмаганлар. Доимо ўнг қўллари билан олар ва ўнг қўллари билан саломлашардилар. Ўнг қўллари билан овқатланардилар. Уйга ва масжидга доимо ўнг оёқ билан кирардилар. Чунки уй ва масжид муқаддас ҳисобланади. У ерларга чап оёқ билан кириш суннатдан эмас.

#### **54. Янги либос кийганда ўқиладиган дуо**

اللَّهُمَّ لَكَ الْجَمْدُ أَنْتَ كَسَوْتَنِيهِ أَسْأَلُكَ خَيْرَهُ وَخَيْرَ مَا  
صُنِعَ لَهُ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهِ وَشَرِّ مَا صُنِعَ لَهُ

**Аллоҳумма лакал ҳамду анта касавтанийҳи ас'алука хойраҳу ва хойра ма сунийа лаҳу ва аъзузу бика мин шарриҳи ва шарри ма сунийа лаҳу.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Сенга ҳамд бўлсин, бу кийимни менга Сен кийдирдинг. Сендан унинг яхшилигини ва яхшилиқда ишлатишни сўрайман. Унинг ёмонлигидан ва ёмонликка ишлатишдан паноҳ сўрайман».

**Шарҳ:**

Абу Довуд ва Термизийдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо янги кийим кийганларида юқоридаги дуони айттардилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар дуони Аллоҳ номи билан бошлаб, сўнгра унга ҳамд айтганлар. Чунки олдин ҳам зикр қилганимиздек,

«Аллоҳумма» калимаси ўзида Аллоҳнинг 99 исмини жам қилган. Аллоҳга шундай хитобдан кейин дуоларни ҳамд билан давом эттириш саноларнинг энг мақбулидир. Бутун дуолар мана шундай бошланади. Бу ҳадиси шарифда ҳам ҳамддан сўнг кийимнинг хайрли бўлиши Аллоҳдан сўралмоқда. Яъни, у кийимнинг хайрли ишларга васила бўлиши исталмоқда. Бу кийим билан ёмон ишлар қилишдан Аллоҳга сиғинилмоқда. Шундай яхши ният билан кийилган либослар хайрли бўлади. Шундай яхши ниятда ейилган овқатлар инсонларга маънавий кучқувват беради. Бу ниятларнинг барчаси Аллоҳнинг ризоси учун васила бўлади. Шу боис Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кийим кийганларида шу муборак дуони ўқирдилар. Кийимларини доимо ўнг томондан кияр эдилар. Кийимни ўнг томондан кийиш барака келтиради. Ҳар бир мусулмон учун бу муборак дуони айтиш дунё ва охиратида саодатга васила бўлади.

### 55. Фойдасиз суҳбатда ўқиладиган дуо

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ  
وَأَتُوبُ إِلَيْكَ

**Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика, ашҳаду ан ла илаҳа илла анта, астағфирука ва атубу илайка.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, Сен барча нуқсонлардан поксан. Сенга ҳамда бўлсин. Гувоҳлик бераман, Сендан бошқа Илоҳ йўқ. Сенга истиғфор айтаман ва Сенга тавба қиламан».

### **Шарҳ:**

Имом Термизий келтирган бу ҳадисга кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳоби киромга қараб: «Бир киши бир мажлисда ўтириб фойдасиз сўзлар билан вақт ўтказса, у ердан турмасидан олдин: “Субҳанакаллоҳумма ва би ҳамдика, ашҳаду анла илаҳа илла анта, астағфирука ва атубу илайка”, десин», дедилар.

Бу ҳадиси шарифда Аллоҳнинг баракоти баён қилиниб, йўлдан адашганларнинг айтганлари рад этилади. Аллоҳга камол сифати билан ҳамд ва тасбеҳ айтиш ризои илоҳийга йўл очади. Бу шундай нарсаки, пайгамбарлар минглаб йиллар давомида тўғри йўлга етакласалар ҳам, инсонлар яна залолатга кетаверганлар. Ҳолбуки, бир киши Аллоҳ талонинг нуқсон сифати йўқлигига ва Ундан бошқа Илоҳ йўқлигига шаҳодат келтирса, миллионлаб инсонлар тушган хатодан тозаланиб, чиқиб кетади. Аллоҳнинг севикли бандасига айланади. Сўнгра афв тилаб, Унга тавба қилса, Аллоҳ у банданинг қусурларини афв қилади. Бунинг сири эса мазкур дуода билдирилган. Бу дуони ҳар мусулмоннинг билиши ва ўқиши ўзи учун жуда катта ютуқ ҳисобланади.

### **56. Касал кўргани борганда ўқиладиган дуо**

أَسْأَلُ اللَّهَ الْعَظِيمَ رَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ أَنْ يَشْفِيكَ

**Ас алуллоҳал ъазима роббал ъаршил ъазими ан яшфияка.**

*Маъноси:*

«Буюк Аршнинг Рабби Аллоҳдан сенга шифо беришини тилайман».

### **Шарҳ:**

Абу Довуд ва Термизийнинг ҳадис китобларида келтирилган ривоятларга кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир хастани зиёрат қилганларида «Ас алуллоҳал аъзийма роббул ʼаршил азими ан яшфияка», яъни: «Буюк Аршнинг Рабби Аллоҳдан сенга шифо беришини сўрайман», дердилар.

Яна Абу Довуд ривоят қилган ҳадисга кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Бир киши ҳали ажали етмаган бирон касалнинг зиёратига борса, бу дуони унинг ёнида етти марта ўқиса, агар унинг ажали етмаган бўлса, касалликдан батамом халос бўлади». Етти сони мукамаллик учундир. Бу Аллоҳ таолонинг ҳикматидирки, осмонни етти қават яратган, сажданинг ҳам етти аъзо узра қилинишини амр этган, Жаҳаннамнинг етти табақасини яратган. Мусулмонлар ҳар намозда ўқийдиган Фотиҳа сураси ҳам етти оятдан иборат. Бу ҳадиси шарифда ҳам дуонинг хаста ёнида етти марта ўқилиши ила унинг Аллоҳ наздида қабул бўлиши ва хастанинг шифо топиши сири ойдинлашади.

Албатта, ҳар бир мўмин шу муборак дуони тоза қалб билан ўқиса, ажали етмаган касалнинг шифо топишига васила бўлажақдир.

### **57. Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) хос дуолари**

اللَّهُمَّ اَعِنِّي عَلٰى غَمَرَاتِ الْمَوْتِ وَسَكَرَاتِ الْمَوْتِ

**Аллоҳумма аъинний ʼала ғамаротил мавти ва сакаротил мавти.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Ўлимнинг шиддати (азоби, қийинчилиги) ва саросималарига қарши менга ёрдам қил».

### **Шарҳ:**

Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умрларининг сўнгги дамларида қўлларини бир идишдаги сув ичига солдилар ва нам қўлларини муборак юзларига суриб: «Аллоҳумма аъинний ʻала ғамаротил мавти ва сакаротил мавти», дедилар.

Ўлим вақтидаги азоб мўмин учун гуноҳларининг афви ва даражотининг кўтарилишига василадир. У кимсанинг фоний ҳаётдаги сўнгги имтиҳонидир. Бу азоб Аллоҳ таолога гуноҳсиз етишиш йўлини очади. Қандай бахтиёр кимсаларки, ҳаётнинг сўнгги дамларида Унинг ризосини топиб ўладилар. Ўлимнинг азоб ва қийинчиликларига қарши Аллоҳдан ёрдам тилаш, Унинг лутфига сиғиниш буюк шифодир. Кўпгина кишилар шифони табибда, деб ўйлаб ҳақиқий шифонинг Аллоҳдан эканини унутадилар. Бу ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларининг сўнгги дамларида ҳам ҳар доимгидек Аллоҳга сиғиниб, Ундан ёрдам талаб қилганлар. Бутун умрларини Аллоҳга бахш этган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо Ундан ёрдам сўраганлар, Унинг ризоси учун яшаган ва Унинг соғинчи билан охиратга риҳлат қилганлар.

### **58. Дастурхон дуоси**

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنِي هَذَا وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ حَوْلٍ مِنِّي  
وَلَا قُوَّةٍ

**Алҳамдулиллаҳиллази атъамани ҳаза варо-  
зақониҳи мин ғайри ҳавлин минний вала қув-  
ватин.**

*Маъноси:*

«Мени едирган, қувват ва қудратим бўлмаган ҳолда менга ризқимни берган Аллоҳга ҳамд бўлсин».

**Шарҳ:**

Абу Довуд ва Термизийдан нақл қилинган ҳадисларга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) овқатдан сўнг: «Алҳамдулиллаҳиллази атъамани ҳаза варозақониҳи мин ғойри ҳавлин минний вала қувватин», деб дуо қилганлар ва овқатланганларидан сўнг шу дуони ўқиган кишининг ўтган гуноҳларини Аллоҳ таоло афв этишини билдирганлар. Чунки ризқда инсон воситадир. Ризқни берган ҳақиқий Раззоқ Аллоҳдир. Инсон туғилиши билан самода умр эшиги билан ризқ эшиги очилади, инсон ўлиши билан бу икки эшик ҳам ёпилади. Банда ризқи бўлган сувни ернинг тагидан бўлса ҳам, топиб ичади, ейиши керак бўлган мева ернинг қаерида бўлса ҳам, ейди. У ризқ барибир топилади. Инсон ризқни тўплашда восита, холос. Ризқ хусусида қувват ва қудрат Аллоҳникидир. Унинг қувват ва қудрати билан ризқ келади. Биз ҳам Ундан келган ризқни еймиз, ичамиз. Аллоҳнинг ҳақиқий Раззоқ эканини билган, Унга дуо қилган ва Унга ҳамд айтган кишининг ўтмиш гуноҳлари шу тарзда кечирилишини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга баён қилганлар.

### **59. Ҳақиқий ҳаёт охирад ҳаётидир**

اللَّهُمَّ لَا عَيْشَ إِلَّا عَيْشُ الْآخِرَةِ

**Аллоҳумма ла айша илла айшул ахирати.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, ҳаёт фақат охирад ҳаётидир».

### Шарҳи:

Имом Бухорий ва Имом Муслим қайд қилган ҳадисга кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мазкур дуони айтиб, дунё ҳаётини шундай рамзлар билан ифода қилардилар. Бир ҳадиси шарифда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Дунёнинг охиратга нисбати сиздан бирингиз бармоғини денгизга ботирганига ўхшайди. Бармоқ билан денгиздан олинган сувни кўз олдингизга келтиринг», деб айтганлар.

Яна бир ҳадиси шарифда: «Аллоҳ таоло қиёматда инсонларга «Ер юзида қанча вақт қолдингиз», деб айтади. Улар: «Бир кун ёки ундан ҳам озроқ қолдик», дейдилар. Бу дунё ҳаёти инсонларга ўлимдан кейин мана шу даражада оз бир туш каби бўлиб қолади», деб билдирилган.

Дунё ҳаёти Қуръони каримда қуйидагича баён қилинган:

وَمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا لَعِبٌ وَلَهْوٌ وَلَلدَّارُ الْآخِرَةُ خَيْرٌ لِلَّذِينَ  
يَتَّقُونَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ

«Бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) ўйинкулгидир, холос. Албатта, Аллоҳдан қўрқадиганлар учун охират диёри яхшироқдир. Ақл юргизмайсизларми?!» (Анъом, 32).

اعْلَمُوا أَنَّمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهْوٌ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌ  
بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِي الْأَمْوَالِ وَالْأَوْلَادِ كَمَثَلِ غَيْثٍ أَعْجَبَ  
الْكُفَّارَ نَبَاتُهُ ثُمَّ يَهِيْجُ فَتَرَاهُ مُمْصِرًا ثُمَّ يَكُونُ حُطَامًا

وَفِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَمَغْفِرَةٌ مِّنَ اللَّهِ وَرِضْوَانٌ وَمَا  
الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا مَتَاعُ الْفُرُورِ.

«Яхши билингки, бу дунё ҳаёти фақат (бир на-  
фаслик) ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиз-  
даги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фар-  
зандларни кўпайтиришдир, холос» (Ҳади, 20).

Дунё ҳаёти ўткинчи. Охират ҳаёти ҳақиқий ҳаёт.  
Қуръони карим дунё ҳаётини шундай ифодалаган-  
дан кейин охират ҳаёти яна-да хайрли эканини бил-  
дирмоқда. Аъло сурасининг 16–17-оятларида:

بَلْ تُؤْثِرُونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةُ خَيْرٌ وَأَبْقَى

«Балки сиз дунё ҳаётини танларсиз. Ҳолбуки,  
охират ҳаёти хайрли ва доимийдир», деб мар-  
ҳамат қилинади.

Бу муборак дуода ҳам Расулulloҳ (соллаллоҳу  
алайҳи ва саллам) ҳақиқий ҳаёт охират ҳаёти экани-  
ни зикр қилмоқдалар.

### 60. Намоздан кейин ўқиладиган дуо

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ  
الْمَسِيحِ الدَّجَالِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ اللَّهُمَّ إِنِّي  
أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْمَأْثَمِ وَالْمَغْرَمِ

Аллоҳумма инний аъзузу бика мин ъзабил  
қобри ва аъзузу бика мин фитнатил масиҳид даж-  
жали ва аъзузу бика мин фитнатил маҳйа вал ма-  
мати. Аллоҳумма инний аъзузу бика минал маъ-  
сами вал мағроми.

**Маъноси:**

«Ё Аллоҳ! Қабр азобидан, Масих Дажжол фитна-сидан, ҳаёт фитнасидан, ўлим фитнасидан, гуноҳ-лардан ва қарздорликдан Сенга сиғинаман».

**Шарҳ:**

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозларининг сўнгида кўпинча шундай дуо қилардилар. Бу ҳадиси шарифда у зот (алайҳиссалом) олти нарсадан Аллоҳ таолога сиғинганлар.

Биринчиси – қабр азоби. Қабр азоби ҳақ ва ҳақиқатдир. Унинг қайғули, даҳшатли, аламли ҳолини, дунё ҳаётининг охири ва охират ҳаётининг боши эканини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча ҳадиси шарифларида зикр қилганлар ва бундан доимо Аллоҳга сиғинганлар. Яна бир ривоятда эса қабр азобидан халос бўлганнинг саодатга эришуви билдирилган. Шу сабабдан имонли одам Аллоҳнинг қабр азобидан халос этишини сўраб дуо қилиши керак.

Иккинчиси – Масих Дажжол фитнаси. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонлар учун энг буюк фитналардан бўлган Масих Дажжол фитнасидан Аллоҳ паноҳ беришини сўраганлар. Масих Дажжол одамларни диндан қайтарадиган, Аллоҳдан узоқлаштирадиган кимсадирки, бу фитналарнинг энг каттасидир. Инсонлар Масих Дажжолга яқинлашгани сари Аллоҳ ва Унинг расулини инкор қилади. Натижада ўзини ҳалокатга ташлайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифлари билан унинг энг катта фитна эканини бизга билдириптилар.

Учинчиси – ҳаёт ва мамот фитнаси. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундан ҳам Аллоҳга

сиғинганлар. Чунки инсон ҳаётида ёки ўлими пайтида ёмон фикр ва туйғуларга берилиб, ўзини таҳликага қўйиши мумкин. Гоҳида киши ҳаётини давом эттириши учун ҳар хил ҳолатга кириб-чиқиши мумкин. Аҳли имон доимо маънавий ҳаётини хавф-хатардан қўриқлашга уриниши керак. Бўлмаса, ҳаёти фитнага айланади. У ҳаётини яхшилаш учун имон жавҳарини сотиб юбориши ҳам мумкин. Ҳар хил гуноҳкорона ҳаракатлар ҳам, мол-мулк учун ҳақиқатни яшириш ҳам фитна саналади. Булардан қочиш, ўзини тийиш фитнадан сақланишдир.

Ўлим келганида бемаъни фикр-туйғулар билан ўралашиб қолиш ҳам ёмон фитнадир. Инсон бу таҳликадан шаҳодат келтириш билан қутулиши мумкин. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кимсанинг охириги сўзи «Ла илаҳа иллаллоҳ» бўлса, жаннатга киришини айтганлар. Яна бир ҳадиси шарифларида: «Ўлими яқинлашганларингизга «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни талқин қилинг», деб тавсия этганлар. Буни сидқидилдан ва ҳақиқатдан қилганлар ўлим фитнасидан узоқлашадилар. Уларнинг жаннатга киришлари ҳақидаги сир шунга биноандир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна бу муборак дуоларида гуноҳдан Аллоҳга сиғинганлар. Доимий равишда гуноҳ иш қилиш инсонни куфрга етакловчи энг катта таҳлика ва фитнадир. Инсон бу фитнадан қутулмагунча саодатга эришолмайди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қарздор бўлишдан ҳам Аллоҳга сиғинганлар.

Саҳобалардан Баро ҳазратлари:

– Ё Расулуллоҳ! Нима учун қарздан бунчалик Аллоҳга сиғинмоқдасиз? – деб сўрадилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Инсон қарз бўлганида ёлғон гапиради. Ёлғон шундай нарсаки, сўз бериб, сўзида туролмайди, – дедилар.

Ёлғон билан имон бир жойда туролмайди. Бу ҳам жуда катта фитнадир. Бу муборак дуони кўз олди-га келтирган ҳар мўмин бу офатлардан Аллоҳга сиғинмоғи керак.

**Байт:**

*Ё Аллоҳ, азоби қабрдан мени асра,  
Гуноҳдан узоқ қил, қарздан мени асра.  
Дажжол фитнасидан Сенга сиғинаман,  
Ҳаёт ва ўлим фитнасидан мени асра.*

### **61. Аллоҳ марҳаматига юкуниш дуоси**

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَأَلْجِئْنِي بِالرَّفِيقِ الْأَعْلَى

**Аллоҳуммағфирли варҳамни ва алхиқни бир-рофиқил аъла.**

**Маъноси:**

«Ё Аллоҳ! Мени кечир, менга марҳамат қил, мени рафиқи аълога етказ».

**Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этаётган соатда шу дуони айтдилар. Бу у зотнинг (алайҳиссалом) фоний дунёдаги охирги сўзлари эди.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисга кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг «Рафиқи аъло» сўзларини ҳазрат Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) эшитгач, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан айрилишларини сезиб, кўзёш тўкканлар.

«Рафиқи аъло»дан мурод нима? Унинг маъноси қандай? Буни изоҳ қилган Имом Раббоний «Мак-

тубот»да бундай дейди: «Расуллар даъват ва иршод вазифаларини тугатгач, охиратга таважжух қиладилар. Ундан бошқа нарсани ўйламай қоладилар. Чунки уларнинг халққа хитоб қилиш вазифалари тугаган. Шу сабабдан «Рафиқи аъло», дейдилар ва ўзларини Зоти Олийга вақф қилиб, қурби илоҳий истайдилар». Бу олий мақом – Жамоли Илоҳийга қовушмоқ маъносини ҳам ифодалайди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Наср сураси нозил бўлганидан сўнг унинг 3-ояти қаримасига кўра

فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَاسْتَقْبِرْهُ

(«Фасаббих би ҳамди роббика вастағфирху») фақат Аллоҳга ҳамд ва тасбеҳ айтиш ила машғул бўлганлар, Унга истиғфор келтирганлар. Расулуллоҳ ҳазратларининг охирги сўзлари ҳам ушбу оятга биноан бўлгандир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг дунё ҳаётидаги ҳар дуоларида бўлгани каби бу фоний оламдан айрилаётганларида ҳам сўнгги сўзлари Аллоҳдан афв тилаш, Унинг марҳаматига юкуниш бўлган. Аллоҳдан Рафиқи аъло истаб, Жамоли Илоҳийни умид қилганлар. Бу дуо фоний ҳаётни энг гўзал шаклда яқунлаш намунаси. Шубҳасиз, бу сўзлар фақат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хос қудратли истакдир.

## 62. Ризқ саросимасидан сақланиш дуоси

اللَّهُمَّ اجْعَلْ أَوْسَعَ رِزْقِكَ عَلَيَّ عِنْدَ كِبَرِ سِنِّي وَأَنْتِطَاعِ

عُمْرِي

**Аллоҳумма ижъал авсаъа ризқика ъалайһа  
ъинда кибари синний ван қитоъи ъумрий.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Энг мўл ризқимни кексайган вақтим,  
умримнинг охирида бер!»

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу муборак ҳадисларида «Энг мўл ризқимни кексайган пайтим ва умримнинг ниҳоясида бер», деб дуо қилганлар. Бунинг сири эса бундай: кексалик пайтида инсон умрим тугамоқда, дея ризқ саросимасига тушади ва Ҳақдан ғофил бўлиб, Аллоҳга таважжуҳ қилолмайди. Бу муборак дуо бизга дарсдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бутун ҳаётларида Аллоҳга тўлиқ таважжуҳ қилганлар ва бунга моне бўладиган барча нарсадан Аллоҳга сиғинганлар.

Бу муборак дуода ризқ саросимасини бартараф қилиш, ҳузур ила Ҳаққа руҳни таслим этиш сўралган, буни ҳаммамиз кўз олдимизда тутишимиз лозим. Дунёнинг битмас-туганмас изтиробларига ва ризқ тўплашга берилиб кетиб, Ҳаққа таважжуҳ қилмаслик буюк фитнадир. Бу муборак дуо фоний дунёдан хотиржам айрилишимиз учун гўзал ўғитдир.

### **63. Зарарлардан паноҳ тилаш дуоси**

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ وَهَامَّةٍ وَمِنْ كُلِّ  
عَيْنٍ لَّامَّةٍ

Аъзузу бикалиматиллаҳит тааммати мин кулли шайтонин ва ҳамматин вамин кулли ъайнин ламмах.

**Маъноси:**

«Аллоҳнинг мукаммал калималари билан ҳар бир шайтондан, зарарли ҳашаротлардан ва ёмон кўздан паноҳ тилайман».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳиҳ ҳадисларига кўра, набиралари ҳазрат Ҳасан ва ҳазрат Ҳусайн хаста бўлган пайтларида доимо юқоридаги дуони ўқирдилар. Яъни: «Аллоҳнинг мукаммал калималари билан ҳар бир шайтондан, зарарли ҳашаротлардан ва ёмон кўздан паноҳ тилайман», дер эдилар.

Ривоятларга кўра, ҳазрат Иброҳим (алайҳиссалом) ҳам шу муборак дуони икки ўғиллари ҳазрат Исмоил ва ҳазрат Исҳоқ учун ўқиган экан.

Бу ҳадиси шарифда «Аъзу бикалиматиллаҳит тааммати» каломи ила Аллоҳнинг наздидаги, биз билган ва билмаган не қадар калом бўлса, барчаси назарда тутиляпти ва булар билан инсонларни ёмонлик ва фалокатга судраган шайтондан, моддий оламимизда жисмимизни таҳликага солган ёмонликлардан (илон, чаён ва барча зарарловчи, ўлдирувчи махлуқотдан), инсонларнинг маънавий оламларини бузувчи ёмон назардан, ақл ва шуурига ёмонлик берувчи билиб-билмаган ҳар нарсадан Аллоҳ таолога сиғинилмоқда. Бу изоҳдан англашиладики, бу калимаи қудсия турли дуолар мазмунини қамраб олган буюк дуодир. Инсонлар моддий оламда шифо иташ билан бирга, шифони яратган Аллоҳга ҳам шундай дуо қилишлари керак. Ёмонликдан муҳофаза қилиш исталса, энг мукаммал восита билан ҳимоя сўралади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) набираларига, Иброҳим (алайҳиссалом) ҳам икки ўғил-

ларига ўқиган бу дуони кўз олдимизда тутиб, унинг фазилати ва қимматини англамоғимиз лозим. Бу дуоларнинг энг қимматли ва муборакларидандир.

#### **64. Жаҳаннам ва қабр азобидан сақланиш дуоси**

اللَّهُمَّ رَبَّ جِبْرِيلَ وَمِيكَائِيلَ وَرَبَّ إِسْرَافِيلَ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ  
حَرِّ النَّارِ وَمِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ

**Аллоҳумма Робба Жибрийла ва Мийкаийла ва Робба Исрофийла ва аъзузу бика мин ҳаррин нари ва мин азобил қобри.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Эй Жаброилнинг Рабби, Микоилнинг Рабби ва Исрофилнинг Рабби! Жаҳаннам оташидан, ҳароратидан, қабр азобидан Сенга сиғинаман».

**Шарҳ:**

Насоийнинг ҳадис китобида ривоят қилинган бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни «Эй Жаброилнинг Рабби, Микоилнинг Рабби ва Исрофилнинг Рабби бўлган Аллоҳ! Жаҳаннам оташи ва ҳароратидан, қабр азобидан Сенга сиғинаман», деб дуо қилдилар. Бу ҳадиси шарифда Жаҳаннам ва қабр азобининг инсонлар учун буюк азоб, ҳалокат бўлгани сабаб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уч улуғ фариштанинг исмини зикр қилганлар. Шу шаклда қабр ва Жаҳаннам азобининг ёмон оқибатларидан Аллоҳга сиғинганлар. Бу уч фариштанинг ҳам дуолари мақбуллиги учун улар бу дуода васила қилинган.

## 65. Уч офатдан сақланиш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ غَلَبَةِ الدَّيْنِ وَغَلَبَةِ العَدُوِّ وَشَمَاتَةِ  
الأعداءِ

Аллоҳумма инний аъзу бика мин ғалабатит дайни ва ғалабатил ғадувви ва шамататил аъдаи.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Қарзга ботиб, чорасиз қолишдан, душманимнинг ғалабасидан, душманимнинг ҳузурланишидан Сенга сиғинаман».

**Шарҳ:**

Насоий ва Ҳокимнинг китобларида иттифоқ билан келтирилган бу ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қарздорликдан, душманларнинг ғалабасидан ва унинг ҳузурланишидан Аллоҳга сиғинганлар.

Қарзнинг ғалабаси уни тўлаб бўлмайдиган аҳволга тушиш, душманнинг ғалабаси уни енгиб бўлмайдиган даражага келишдир. Душманларнинг ҳузурланиши эса дуч келинган мусибатлардан уларнинг шодланиши демакдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу уч офатдан Аллоҳга сиғинганлар. Қарзнинг ғалабаси билан инсоннинг нафақат моддий ҳаёти, балки маънавияти ҳам зарар кўради. Шарафи ва обрўсини йўқотади. Инсонларнинг орасида ёмонотлиқ бўлади. Душманларнинг ғалабаси билан ҳам яна инсонликнинг шарафини йўқотади. Унинг асоратини, аламли оғриқларини яшайди.

Душманларнинг ҳузури боис инсон дуч келган фалокатларга нисбатан уларнинг пичинг ва калакалари билан юзма-юз бўлади, сиқилади.

Хузур ва саодатни йўқотади. Шунинг учун бундай ёмон нарсалардан Аллоҳга сидқидилдан сиғиниш лозим. Чунки булар инсонлик ва мўминлик шарафидан кетказадиган энг катта мусибатлардир.

### 66. Фаришталар дуоси

اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْفِقًا خَلْفًا اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْسِكًا تَلْفًا

Аллоҳумма аъти мунфиқон халафан, Аллоҳумма аъти мумсикан талафан.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Инфоқ қилганнинг молини кўпайтир, хасислик қилганнинг (зиқнанинг) молига талафот бер».

**Шарҳ:** Имом Бухорий ва Имом Муслимдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисларда айтилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни асҳобга:

– Ҳар тонгда бир фаришта инсонларга нидо қилади: «Ё Рабб! Инфоқ қилганнинг молини кўпайтир». Яна бир фаришта эса: «Ё Рабб! Хасислик қилганнинг молига талафот бер», дейди, – дедилар.

Бу ҳадиси шарифдаги “инфоқ қилмоқ” молини хайрли йўлларга сарфлаш маъносидадир. Молини қизғаниб, ҳеч кимга бермаган, хайрли йўлларга сарф қилмаган хасисдир. Хайрли йўлларга молини сарфлаганга унинг моли учун ҳам хайрли ворислар бўлишини фаришталар дуо қилиб сўрайди. Бу йўлда хасислик қилган, сарф қилмаганлар учун эса фаришталар унинг моли йўқ бўлишини сўраб дуо қилади.

Бу ҳаётда қанча-қанчалар молини яхшилик йўлида сарф қилмасдан, хасислик қилганларнинг катта

бойлик орттиришларига қарамасдан, инқирозга учраб, молларининг йўқ бўлганига гувоҳмиз. Молларини хайр йўлида сарф қилганларга барака ёғилганини ҳам кўрганмиз.

Буларнинг барчаси бу дуонинг қабул қилингани далолатидир. Инсон фақат ўзи учун эмас, жамият учун ҳам яшаши керак. Молидан бошқалар фойдалангани сари унинг Аллоҳ таоло наздидаги даражаси ҳам юксалиб боради. Файзу баракаси ортади.

Бунинг аксини, яъни хасислик қилган на ейди, на едиради, на жамият унинг молидан фойдаланади. Тўплаган моллари охирида совун кўпиги сингари йўқ бўлиб кетади. Бу муборак ҳадиси шарифдан ибрат олиш керак. Инсон молини хайр йўлида сарфлаб, Ҳақ ва халқнинг эътиборини қозониши лозим. Расуллар молларини ва илмларини инсонлар учун фидо қилганлар. Бизга намуна бўлганлар. Инсонлик шаъни фақат шундай буюк ва олий мафқурали инсонлар туфайли юксалади.

Жамият қандай яхшилик кўрган бўлса, ана шундай инсонлардан кўрган. Қандай ёмонлик кўрган бўлса, бузғунчи, хасис кимсалардан кўрган. Улар фақат қоринлари ва ҳамёнлари учун яшайди. Холбуки, сасийлар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) каби Ҳақ ва халқ йўлида молларини сарфлаб, инсонлик шаъни юксалиши учун ҳаракат қилади. Бундай гўзал туйғули инсонлар қандай бахтиёрдирлар.

## 67. Икки дунё яхшиликларини жамлаган дуо

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَاهْدِنِي وَارْزُقْنِي

Аллоҳуммағфирлий варҳамний ваҳдиний варзуқний.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, мени афв эт, менга марҳамат қил, менга тўғри йўлни кўрсат ва мени ризқлантир».

**Шарҳ:**

Бу ҳадиси шарифда ҳар муборак дуонинг бошида бўлганидек, олдин Аллоҳдан афв сўралмоқда ва Аллоҳнинг марҳамати тиланмоқда. Зеро, Бақара сурасининг 286-ояти каримасида бундай дейилади:

وَأَرْحَمَنَا أَنْتَ مَوْلَانَا

**«Варҳамна анта мавлана» – «Бизга раҳм қил, Сен бизнинг Мавломизсан».**

Аллоҳ таолога доимо бу гўзал ёлвориш билан кетганларга Аллоҳ, албатта, марҳамат қилади. Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам Қуръон руҳига мос ҳолда бу ҳадиси шарифда Аллоҳдан марҳамат тилаганлар.

Яна бу ҳадиси шарифда «вахдини», деб Аллоҳдан ҳидоят талаб қилинмоқда. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жуда кўп ўқиганлари Оли-Имрон сурасининг 8-ояти каримасида ҳам:

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً

إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ

**Роббана ла тузиғ қулубана баъда из ҳадайтана ваҳаб лана мин ладунка роҳматан иннака антал ваҳҳаб.**

«Эй Раббимиз, бизни ҳидоят йўлига солганиндан кейин дилларимизни (тўғри йўлдан) оғдирма ва бизга ҳузурингдан раҳмат ато эт! Албатта, Сен Ваҳҳоб (барча неъматларни текин ато этувчи)дирсан», дейилган.

Бу ҳадиси шарифнинг руҳи ила тўғри йўлда юрган ҳидоятга эришади, адашмайди.

Мазкур дуо охирида Аллоҳ таолога: «Мени ризқлантир», дейилмоқда. Бу Аллоҳнинг афви, марҳамати ва ҳидояти, тўғри йўли каби ҳар турли олий неъматларни жамлаган тилақдир. Қисқа, аммо катта маъноларни қамраб олган.

### 68. Сабр ва шукр дуоси

اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي شَكُورًا وَاجْعَلْنِي صَبُورًا وَاجْعَلْنِي فِي عَيْنِي  
صَغِيرًا وَفِي أَعْيُنِ النَّاسِ كَبِيرًا

Аллоҳуммажъалний шакурон важъалний сабурон важъалний фий ʻайний соғийрон ва фий аъйунин наси кабийро.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Мени кўп шукр ва сабр қилувчи эт! Мени ўз нафсимда кичик, инсонларнинг кўзида буюк кўрсат».

**Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифларида Аллоҳдан кўп сабр қилувчи ва кўп шукр айтувчи бўлишни сўраганлар. Неъматларнинг кўп ёки кам бўлиши шукр ва сабрга боғлиқ. Шукр ва сабр даражасига қараб, неъматлар ортади ёки камаяди. Улуғ инсонлар доимо неъматлар учун шукрона айтиб, мусибатларга сабр қилган. Аллоҳ таоло Довудга (алайҳиссалом): «Эй Довуд! Оила аҳлингга айт, кўп-кўп шукр қилсинлар. Зеро, шукр қилувчи қулларим оздир», деб буюрган. Инсон зоти камолотга эришиб, илми илоҳийдан баҳра олган

сари, Аллоҳ таолонинг неъматини англаган сари Аллоҳга шукрона айтишни кўпайтиради. Неъматлар ато этилишини кутиб, сабр қилади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна бир ҳадиси шарифларида: «**Имоннинг ярми сабр, ярми шукр биландир**», деганлар. Демак, буюк неъматлар имоннинг икки бўлаги бўлган сабр ва шукрга боғлиқдир. Ўткинчи мусибатларга сабр қилиб, сукут сақлаган ҳолда фалокат эшигини беркитмоқ лозим. Бу муборак ҳадиси шариф бизнинг моддий ва маънавий ҳаётимизда энг буюк даводир.

### **69. Неъмат заволидан сақланиш дуоси**

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ زَوَالِ نِعْمَتِكَ وَتَحَوُّلِ عَافِيَتِكَ وَفُجْأَةِ  
نِقْمَتِكَ وَجَمِيعِ سَخَطِكَ

Аллоҳумма инний аъзуз бика мин завали ниъматика ва таҳаввули ѓафиятика ва фуж'ати ниқматика ва жамийъи сахотика.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Неъматинг йўқолишидан, офиятингнинг ўзгаришидан, тўсатдан келадиган ғазабингдан, ғазабингга сабаб бўлувчи барча ишлардан паноҳ беришингни сўрайман».

**Шарҳ:**

Имом Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган ҳадиси шарифга кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо ушбу дуони ўқиб юрганлар. Бу ҳадиси шарифда ҳам банда ўзига берилган неъматга шукр қилмаса, унинг йўқ бўлиш таҳликаси борлиги билдирилмоқда.

Айни пайтда инсонга хотиржамлик, офият ҳам энг буюк неъматлардан саналади. Неъматлар инсонларнинг нафсга эргашуви боис зое бўлади. Шу боис барча моддий ва маънавий фалокатларни келтириб чиқарувчи нарсалардан Аллоҳга сиғинилмоқда. Ғазаб бир бомбанинг бирданига портлаб, атрофни парчалашади каби бир онда бутун хайр-ҳасанотини йўқ қилади. Шу сабабдан ғазабни кишининг сукут сақлаши мудҳиш таҳликанинг олдини олиш учун энг яхши даводир.

### 70. Қулоқ ва кўз хайрини сўраш дуоси

اللَّهُمَّ مَتَّعْنِي بِسَمْعِي وَبَصَرِي وَاجْعَلْهُمَا الْوَارِثَ مِنِّي  
وَائْضُرْنِي عَلَى مَنْ يَظْلِمُنِي وَخُذْ مِنْهُ بِثَأْرِي

Аллоҳумма маттиъний бисамъий ва басорий важъалҳумал вариса минний вансурний ъала ман язлимуний ва хуз минҳу биса'рий.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, қулоғим, кўзимни фойдали қил. Уларни менга яхши ворис қил. Менга зулм этувчига қарши нусрат бер. Улардан қасосимни ол».

**Шарҳ:**

Имом Термизий ва Ҳоким ҳадис китобларида ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ё Аллоҳ, қулоғим ва кўзимни фойдали қил. Уларни менга яхши ворис қил», деб дуо этганлар. Кўз, қулоқ Аллоҳ таолонинг инсонларга лутф қилган энг буюк неъматларидан ҳисобланади.

Инсон сурасининг 2-ояти каримасида бундай дейилади:

إِنَّا خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ نُطْفَةٍ أَمْشَاجٍ نَبْتَلِيهِ فَجَعَلْنَاهُ  
سَمِيعًا بَصِيرًا

«Дарҳақиқат, Биз инсонни имтиҳон қилиб, (оталик ва оналик сувларидан) аралаш бир нутфадан яратдик. Бас, уни эшитувчи ва кўрувчи қилиб қўйдик». Эшитиш ҳикмат ва ҳақиқатни англашга васила бўлганидек, кўриш ҳам шундай буюк неъматдир. Бу ояти каримада эшитиш неъматининг кўриш неъматидан олдин зикр қилиниши унинг устунлиги аломатидир. Чунки ҳар қандай ҳақиқат кўрилмаса ҳам, эшитиш билан англашилади. Шу боис ушбу ҳадиси шарифда олдин эшитиш, сўнгра кўриш зикр қилинган.

Кўриниб турибди, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг барча сўзлари Қуръон руҳига мос ҳолда айтилган. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ яратган бу неъматлардан яхшиликда фойдаланишни сўраб дуо қилганлар. Қулоқ ва кўз ёмонликка сабаб бўлса, уларнинг эгаси ҳам ёмон одамга айланади. Қулоқ ва кўз хайрли ишга сабаб бўлса, эгаси яхши одам бўлади. Бу неъматларни яхшилик йўлида қўллаш инсонни саодат сари етаклайди. Бу муборак дуонинг иккинчи қисмида бундай дейилади: «Ё Рабб! Менга зулм қилганга қарши нусрат бер. Ундан қасосимни ол». Чунки золим одам ҳаммани ҳалокатга бошлайди. Золимлар йўқолса, инсоният саодатга эришади. Золимлар кўпайса, жамиятда безовталиқ авжига чиқади.

## 71. Ёмон нафсдан сақланиш дуоси

اللَّهُمَّ لَا تَكْلِفْنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةَ عَيْنٍ وَلَا تَنْزِعْ مِنِّي صَالِحَ  
مَا أَعْطَيْتَنِي

**Аллоҳумма ла такилний ила нафсий торфата ъайнин вала танзиъ минний солиҳа ма аътойта-ний.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, мени кўз очиб-юмгунимча ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўйма, менга берилган яхши нарсаларни мендан олма».

**Шарҳ:**

Ибн Умар ҳазратлари ривоят қилган бу ҳадиси шарифга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ё Аллоҳ! Мени кўз очиб-юмгунча ҳам нафсимга ташлама, менга берган яхши нарсаларни мендан олма», деб дуо қилардилар.

Бу муборак дуода инсон нафсига бўйин эгиши билан хайрдан узоқлашиб, ёмонликка яқинлашиши зикр қилинган. Инсон нафсига эргашиш билан мудҳиш ёмон одамга айланади. Кўлидан, тилидан зарар келувчи кимса бўлиб қолади. Кишилар ва жамият доим мана шундай нафсига эргашган кишилардан ёмонликкўрган. Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир он бўлса ҳам, нафсига эргашмасликни сўраб дуо қилмоқдалар. Бу ҳақиқий инсон бўлишни хоҳлаган барча мўминлар учун дастурил-амалдир. Бу ҳадиси шарифнинг иккинчи қисмида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Менга берган яхши нарсаларингни мендан олма», дейдилар. Аллоҳ берган хайрли неъматларнинг давомий-

лиги орзу қилинади. Инсон баъзан хайрли неъматларга эришса, унинг кадр-қимматини билмасдан хор ва ҳақир кўради. Ҳолбуки, у Аллоҳнинг энг буюк неъматидир. Унинг қадрини билиши лозим.

Шу маънода бу ҳадис энг мукаммал дуолардан ҳисобланади. Буларни саодат, саломатлик калити деса ҳам ўринли бўлади. Қимматини билувчилар бу муборак дуони ўрганиб-ўқиб юрганлари қандай яхши!

## 72. Кенглик ва барака сўраш дуоси

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي وَ وَسِّعْ لِي فِي دَارِي وَ بَارِكْ لِي فِي رِزْقِي

**Аллоҳуммағфирлий занбий ва вассиъ лий фий дарий ва барик лий фий ризқий.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Гуноҳимни кечир. Уйимни менга кенг қил, ризқимга барака бер».

**Шарҳ:**

Имом Термизий нақл қилган бу муборак дуода Аллоҳдан уч нарса сўралмоқда. Бу дуода ҳам гуноҳлар афв этилиши тиланмоқда. Инсон ўзи билган ва билмаган ҳолда ҳар хил қусур ва гуноҳлар қилиши мумкин. Гоҳо бунинг фарқига бормади. Сўзлаган гапи ёки қилган амали ризои илоҳийга зид бўлиши мумкин. Шу боис ҳар ким доимо гуноҳи озми-кўпми, Аллоҳдан афв тилаши керак. Аллоҳ бундай бандасини севади. Яхши амал Аллоҳдан афв сўраш билан бошланади. Гуноҳлар кечирилса, тилаклар қабул бўлади. Амаллар мақбул бўлади. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) ҳам афв тилаганидан сўнг уй ишларида кенглик сўрадилар. Уй ишларидаги қийинчилик, ғам-ғуссага тоқат қилолмайдиган ёш болалар учун кенг бўлиш сўралди. Уларнинг ризқи ҳам Ўзидан сўралади.

Дуодаги учинчи истак эса берилган ризққа барака эҳсон қилинишидир. Ризқда барака бўлса, уйда ҳузур, сукунат ва саодат ҳукмрон бўлади. Кўпгина инсонлар пулдор бўлсалар-да, оиласида барака, ўзида ҳузур-ҳаловат йўқлиги кўрилади. Саодат баракададир. Инсонлар бу муборак дуони ўрганиб, амал қилсалар, файзу баракага эришишлари муқаррардир.

### 73. Ёмонлик қилишдан сақланиш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا عَمِلْتُ مِنْ شَرِّ مَا لَمْ أَعْمَلْ

Аллоҳумма инний аъзуз бика мин шарри маъамилту мин шарри ма лам аъмал.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Қилган нарсаларимнинг ёмонлигидан ва қилмаган нарсаларимнинг ёмонлигидан Сенга сиғинаман».

**Шарҳ:**

Имом Муслим ривоят қилган бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу дуолари билан ишларнинг ёмонликларидан Аллоҳга сиғинганлар. Ёмонлик барча муомала-муносабатларда ризои илоҳийга зид бўлган сўзлар ва ишлардир. Бу ҳадиси шариф бизга таълим учун баён қилинган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан бирон ёмонлик содир бўлмаган. У зот барча гуноҳлардан Фатҳ сураси 2-оятини каримасида:

لِيَغْفِرَ لَكَ اللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ

«Ли йағфира лакаллоҳу ма тақоддама мин занбика ва ма тааххора», дейилганидек, афв қилинган ва покландирлар. У зот (алайҳиссалом) шунга

қарамасдан, бировларга заррача ёмонлик қилишдан Аллоҳга сиғинганлар. Бу ҳадиси шариф бизга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг юксак ахлоқларини ва Аллоҳга улуғ ҳурмат-муҳаббатларини билдирган муборак дуодир. Дуоларимиз ишларимизга мос бўлса, иншааллоҳ ёмонликлардан узоқ бўламиз.

#### 74. Масжидга кириш дуоси

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَاَفْتَحْ لَنَا ابْوَابَ رَحْمَتِكَ

**Аллоҳуммағфир лана зунубана вафтаҳ лана абваба роҳматик.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ, гуноҳларимизни мағфират қил, раҳматинг эшикларини бизга оч».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидга киришларида шу дуони ўқирдилар. Ибодат хонасига кириш билан раҳмат эшикларини очиши учун Аллоҳга дуо қилиш, айти пайтда гуноҳларнинг афв ва мағфиратини тилаш жуда муҳим ва муборак дуодир. Буни ўқиб масжидларга кириши одамларга Аллоҳнинг раҳмати ёғилиши ва гуноҳларининг кечирилиши учун васила бўлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу муборак дуоларини ўқиб юрган киши буюк давлатга эришибди.

**Байт:**

*Ё Рабб, раҳмат эшигингни оч,  
Бизларга мўл раҳматингни соч.  
Фазлу караминг ила устимизга  
Афв, мағфират нурингни соч.*

## 75. Оилага ризқ сўраш дуоси

اللَّهُمَّ اجْعَلْ رِزْقَ آلِ مُحَمَّدٍ قَوْتًا

**Аллоҳуммажаъал ризқо ола Муҳаммадин қутан.**

*Маъноси:* «Ё Аллоҳ, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оиласига етарли ризқ эҳсон қил».

### **Шарҳ:**

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисларга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо Аллоҳ таолодан «Ё Аллоҳ! Муҳаммад оиласига етарли ризқ эҳсон қил», деб дуо қилардилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларига нарсани дарҳол саҳобаларнинг фақирларига тарқатардилар. Уйларида ейдиган озгина нарса қолдирардилар. «Бир кун оч бўлиб сабр қилайин, бир кун тўқ бўлиб шукр қилайин», деб дуо қилардилар у зот (алайҳиссалом).

Инсоният тарихи Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сингари умри покиза ўтган бирор шахсни кўрмаган. У зот (алайҳиссалом) қўлларига жуда катта бойлик тушганида ҳам ожиз, фақир, қул ва етимларга тарқатиб, ўзларига фақат ейдиган нарса қолдирардилар.

Юқорида баён қилинган муборак дуоларда ҳам шуни сўраганлар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асл ҳаёт бу фоний дунё эмаслигини, балки охирад ҳаёти эканини билдирганлар. Емасдан едириб, киймасдан кийдириб, ҳаётларини бутун инсониятнинг нажот топиши учун бахшида қилганлар.

## 76. Мусибатдан хайр кутиш дуоси

اللَّهُمَّ أَجْرُنِي فِي مُصِيبَتِي وَأَخْلَفْ لِي خَيْرًا مِنْهَا

Аллоҳуммаъжурний фи мусийбатий вахлиф ли хойрон минҳа.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Мен дучор бўлган мусибатнинг ажрини бер ва менга янада хайрлисини эҳсон қил!»

**Шарҳ:** Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифларида ҳар ким бирор мусибатга дуч келганида «**Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун**», сўнгра эса: «Аллоҳуммаъжурни фи мусийбатий вахлиф ли хойрон минҳа », деб дуо қилишини тавсия қилганлар. Ким бу дуони ўқиса, кўрган мусибатининг савобини олади ва ундан хайрлироқ нарсага эга бўлади. Бу дунё имтиҳон оламидир. Ҳар банда даражасига қараб имтиҳонга киради. Оддий чўпон кулбасидан тортиб, саройларга қадар ҳамма жойда турли хил имтиҳонлар бор. Мўмин киши мусибатга дуч келса, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баён қилганларидек, шу муборак сўзларни ўқиши лозим. Аллоҳ таолога дуо қилса, бу мусибат туфайли савоб олади ва ундан хайрлироқ нарса эҳсон қилинади. Шундай экан, бу муборак дуони ҳамма мўмин билиши лозим.

**Байт:**

*Сўнгсиздир марҳаматинг,  
Ажрин бер мусибатнинг.  
Хайрлисин эҳсон қил, ё Рабб,  
Эҳсон айла бизга неъматинг.*

### 77. Жаноза намозидан кейин ўқиладиган дуо

اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبُّهَا وَأَنْتَ خَلَقْتَهَا وَأَنْتَ هَدَيْتَهَا لِلْإِسْلَامِ وَأَنْتَ  
قَبَضْتَ رُوحَهَا وَأَنْتَ أَعْلَمُ بِسِرِّهَا وَعَلَانِيَتِهَا وَقَدْ جِئْنَاكَ  
شُفَعَاءَ لَهُ فَاعْفِرْ لَهُ

Аллоҳумма анта роббуҳа ваанта холақтаҳа ваанта ҳадайтиҳа лил ислами ваанта қобазта руҳаҳа ваанта аъламу бисирриҳа ва ʔаланиятиҳа ва қод жиънака шуфаъа а лаҳу фағфир лаҳу.

*Маъноси:*

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жаноза намозидан кейин: «Ё Аллоҳ, Сен унинг Раббисан, уни Сен яратдинг ва уни ҳидоятга Сен етиштирдинг. Мусулмон қилдинг ва унинг руҳини Сен олдинг. Унинг яширин, ошкор ҳолини Сен биласан. Биз унга шафоатчи бўлдик. Сен уни кечир», дердилар.

**Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалардан бирор кишининг жаноза намозини ўқиганларидан сўнг шундай дуо қилардилар.

### 78. Шафоат сўраш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ وَأَتَوَجَّهُ إِلَيْكَ بِنَبِيِّكَ مُحَمَّدٍ نَبِيِّ الرَّحْمَةِ  
يَا مُحَمَّدُ إِنِّي تَوَجَّهْتُ بِكَ إِلَى رَبِّي فِي حَاجَتِي هَذِهِ لِتَقْضَى  
لِي اللَّهُمَّ فَشَفِّعْهُ فِيَّ

**Аллоҳумма инний ас'алука ва атаважжаҳу илайка бинабиййика Муҳаммадин набиййир роҳмати. Йа Муҳаммаду, инний таважжаҳту бика ила Роббий фий ҳожатий ҳазиҳи литуқзо лий, Аллоҳумма фашаффиъху фиййа.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Мен раҳмат пайгамбари бўлган ҳазрати Муҳаммадни васила қилиб, Сендан тилакларимни истайман. Ё Муҳаммад (алайҳиссалом)! Мен шу тилакларимнинг ижобат бўлиши учун сизни васила қилароқ Раббимга юзландим. Ё Аллоҳ! Расулингни менга шафоатчи қил!»

**Шарҳ:**

Имом Термизий, Ибн Можа, Ҳоким ривоят қилган ҳадисга кўра, кўзи ожиз бир одам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ёнларига келди. Кўзларининг очилиши учун у зотдан дуо сўради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Хоҳласанг, дуо қилайин, хоҳласанг, бир оз кут», дедилар. Кўр одам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: «Кўзларимнинг очилиши учун муборак дуоингизни кутаман», деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: «Бориб икки ракат намоз ўқи ва «Аллоҳумма инний ас'алука ва атаважжаҳу илайка бинабиййика Муҳаммадин набиййир роҳмати. Йа Муҳаммаду, инний таважжаҳту бика ила Роббий фий ҳожатий ҳазиҳи литуқзо лий, Аллоҳумма фашаффиъху фиййа», деб дуо қил», дедилар.

Кўзи ожиз киши таҳорат қилиб, икки ракат намоз ўқиди. Сўнгра шу муборак дуони айтди: «Ё Раббий! Расулингнинг ҳурматига менинг кўзларимни оч», деб ёлворди. Унинг кўзлари дарҳол очилди.

Ҳокимнинг ҳадис китобида бу воқеа бундай келади: бу ҳодисани кўрган ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мажлиси саодатларида бўлган саҳоба Усмон ибн Ҳаниф ҳазратлари дейди: «Бир куни саҳобалардан бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига келди. Қийинчилик билан ўтирди. Кўзи ожизлиги боис дардини зўрға баён қилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга қараб: «Бориб таҳорат қил, икки ракат намоз ўқи ва дуо қил», деб бир дуони тавсия этдилар. У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларини қилди. Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларидан чиқмасимиздан унинг кўзлари очилди ва ёнимизга келиб ўтирди».

### **79. Барча ёмонликлардан сақланиш дуоси**

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ

**Аъзуз бикалиматиллаҳит таммати мин шарри ма холақо.**

*Маъноси:*

«Аллоҳнинг тугал калималари билан У яратган нарсалар ёмонлигидан паноҳ тилайман».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сафар чоғида бирор жойга ўтирмоқчи бўлсалар, «Аъзуз би калиматиллаҳит таммати мин шарри ма холақо», деб дуо қилардилар. Бу билан Аллоҳ яратган жамики махлуқотдан ва уларнинг шарридан Унинг мукамал калималари билан паноҳ тилардилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бир кимса бир ерга тушиб: «Аъзуз би калиматиллаҳит таммати

мин шарри ма холақо», деб дуо қилса, ўша манзилдан кетгунига қадар ҳеч бир махлуқ унга зиён етказмайди», деганлар.

Бунга илова қилиб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳазрат Анасга ўргатган шу муборак дуоларини ҳам келтирамиз. Ҳазрат Анас дейди: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга «Бисмилахиллазий лайадурру маа исмиҳи шай'ун фил арзи ва ла фиссамаи ваҳувассаамиул алим», деб дуо қилинишни ўргатдилар». Бу муборак дуонинг маъноси шундай: «Аллоҳ исми билан бошлайман. Унинг исми баракоти билан ерда, кўкда ҳеч бир нарса зарар бермайди. У Аллоҳ эшитувчи ва билгувчидир». Бу муборак дуонинг баракоти ила ҳеч бир махлуқ инсонга зарар беролмайди. Инсон Аллоҳнинг ҳимоясига киради. Ҳазрат Анас ўлимлари яқинлашганида яқин кишиларига: «Мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан шундай дуо ўрганган эдим. Энди ўламан. Бу менда қолмасин. Сиз ҳам ўрганинг ва ўргатинг», деганлар. Барча улуғ зотлар бу муборак дуони бошқаларга ўргатиб келишган. Аллоҳ таолога шу тарзда сиғиниб, ҳар хил зиёнлардан сақланиш йўлини топганлар.

Ҳар икки муборак ҳадиси шариф ҳам мўминнинг ҳар хил ҳолатларда ўқиб юриши учун керак дуолардандир. Эрта ва кечда ўқилса, кундузи ва кечаси учраши мумкин бўлган турли балолардан сақланиш учун Аллоҳнинг буюк ҳадясидир. Буни ўқиган ва қимматини билганлар қандай бахтиёрдирлар!

### **80. Уловга минаётганда айтиладиган дуо**

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ وَإِنَّا إِلَى رَبِّنَا لَمُنْقَلِبُونَ

**Алҳамдулиллаҳиллазий саххоро лана ҳаза ва-ма кунна лаҳу муқринийна ва инна ила роббина ламунқолибун.**

*Маъноси:*

«Аллоҳга ҳамду сано бўлсин, У биз итоат қилдиrol-майдиган, кучимиз етмайдиган ҳайвонларни бизга итоат қилдирди. Агар Аллоҳ таоло бизга уларни бўйсундирмаганида эди, биз уни бўйсундиrolмас эдик. Муҳаққак, биз Раббимизга қайтувчимиз».

**Шарҳ:**

Абу Довуд ва Имом Термизий ҳадис китобларидаги ривоятларда нақл қилинишича, асҳоби киромнинг буюкларидан ҳазрат Раба бир куни ҳазрат Алининг ёнларига боради. У кишининг отга минаётганини кўради. Бу ҳақда шундай баён қилади: «Мен ҳазрат Алининг ёнига бордим. У зотга бир от келтиришди. Ҳазрат Али отга миниш учун оёғини узангига қўйгач, «Бисмиллаҳ», деди ва отга минди. Сўнгра эса шу дуони ўқиди. Кейин уч марта «Алҳамдулиллаҳ», дегач, яна уч марта «Аллоҳу акбар», деди. Ундан кейин эса уч марта «Субҳанака инни золамту нафси фағфирли иннаҳу ла йағфируззинуба илла анта», дедилар. Яъни: «Ё Раббий, Сенинг шаънингга лойиқ бўлмаган нарсалардан Сени пок деб биламан. Мен нафсимга зулм қилдим, мени афв ва мағфират қил. Сендан бошқа гуноҳларни афв этувчи йўқ», деди. Сўнгра кулди. Мен эса бунни кўриб: «Эй мўминларнинг амири! Нима учун кулдингиз?» деб сўрадим. У зот эса: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг айнан мана шундай қилганларини кўрганман. Шунинг учун кулдим. Мен ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан «Нима учун кулдингиз?» деб сўраганимда, у зот: «Раббидан бошқа гуноҳларини кечирувчи бир Илоҳ йўқлигини билиб: «Ё Раб-

бий! Гуноҳларимни афв қил», деган қулидан Аллоҳ рози бўлади», дедилар», деб айтдилар». Шу туфайли Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кулган эканлар. Ҳазрат Али ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан намуна олиб, Аллоҳ таолонинг бу каломидан рози бўлганини билганлари учун кулган эканлар. Биз бу ўринда ҳазрат Алининг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) отга минаётганларини кўриб, у зотга эргашганлари учун бу ҳадисни зикр қилмоқдамиз.

Аллоҳ таоло барча махлуқотни инсонлар учун, инсонни эса Ўзига ибодат қилиши учун яратди ва жамики махлуқотни унга бўйсундирди. Инсонлар жонзотларнинг баъзисини еб, баъзисининг устига минаиб, турли тарзда ўзларига хизмат қилдиради. Ой ва кўёш, денгиз ва дарёлар, сувлар ва барча ҳайвонлар доимо бўйсунди. Бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) отга минаётиб, бу неъматни эслаб, Аллоҳга ҳамд айтдилар: «Аллоҳга ҳамд бўлсин, шу ҳайвонни бизга бўйсундириб қўйди. Агар Аллоҳ уни бўйсундирмаганда эди, биз уни бўйсундиролмадик».

Кўриниб турибди, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Раббиларининг буюк неъматларини ихор этиб, Унга ҳамду сано айтиб, Қуръон таълими бўйича ҳаракат қилганлар. Аллоҳ бу нурдан бизни ҳам баҳраманд қилсин.

### **81. Яна бир дастурхон дуоси**

الْحَمْدُ لِلَّهِ كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ غَيْرَ مَكْفِيٍّ وَلَا  
مُسْتَقْنَىٰ عَنْهُ رَبَّنَا

**Алҳамдулиллаҳи касирон тоййибан мубарокан фийҳи ғойро макфиййин вала мустағнан ʻанҳу Роббана.**

*Маъноси:*

«Аллоҳ таолога кўп, пок, баракали, қабул бўлган ва ўринли ҳамд ила ҳамду сано айтаман».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўпинча овқатланиб бўлгач, шундай дуо қилардилар. Бу дуо овқатдан сўнг ўқилган дуоларнинг энг мақбули ҳисобланган. Бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳга шундай илтижо қилардилар: «Аллоҳ таолога кўп, пок (яъни, ўзи лойиқ бўлмаган даражада ўзини кўрсатиш учун айтилган сўзлар), сумъадан (яъни, эшитилсин, деб риёкорона сўз ва ишлар) пок, холис ва мухлис, муборак, (Аллоҳ наздида) қабул бўлган, рад қилинмаган ҳамд бўлсин!»

Кўриниб турибди, шубҳасиз, бу ҳамд ҳамдларнинг энг буюгидир. Ҳар мўмин бу муборак дуони ўрганиши ва овқатланиб бўлгач, Аллоҳ таолога ана шундай чиройли ҳамд айтиши лозим.

## 82. Фазл ва барака дуоци

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَيَّ مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ وَاهْدِنِي مِنْ عِنْدِكَ  
وَأَفِضْ عَلَيَّ مِنْ فَضْلِكَ وَأَنْزِلْ عَلَيَّ مِنْ بَرَكَاتِكَ

Аллоҳумма соли ʻала Муҳаммадин ва ʻала оли Муҳаммадин ваҳдиний мин ʻиндика ва афиз ʻалайя мин фазлика ва анзил ʻалайя мин барокатика.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Сен Муҳаммад (алайҳиссалом) ва у зот аҳлига саловат ва салом йўлла. Менга ҳузурингдан ҳидоят бер. Фазлингдан устимга ёғдир. Баракотларингдан тушир».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурини саодатларига бир куни Қубайса исмли кекса саҳобий келди. У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-га қараб: «Ё Расулуллоҳ! Жуда кексайдим. Амал қиладиган тоқатим ҳам қолмади. Менга дунё ва охиратим учун бирор нарса ўргатинг, токи Аллоҳ таоло уни менга фойдали қилсин. Кекса бўлганим учун у амал ҳам осон бўлсин», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Дунёниг учун бомдод намозидан кейин «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, Субҳаналлоҳил азийм. Ла қуввата илла биллаҳ», деб дуо қилсанг, кўзларинг кўр бўлиб қолмайди. Заҳм каби касалликка дучор бўлмайсан. Фалаж бўлишдан қутуласан. Охиратинг учун уч марта «Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммадин ва ʼала оли Муҳаммадин мин инди-ка ва афиз ʼалаййа мин фазлика ва анзил ʼалаййа мин барокатика», деб дуо қилсанг, охиратда жаннатнинг тўртта эшиги сен учун очилади. Қайси бирини хоҳласанг, ўшандан кирасан», дедилар.

Муҳаддислар бу тўрт эшикнинг бири ҳидоят эшиги, иккинчиси фазл эшиги, учинчиси раҳмат эшиги ва тўртинчиси баракот эшиги, деб шарҳлаганлар.

### 83. Ёмғир сўраш дуоси

اللَّهُمَّ اغْنِنَا اللَّهُمَّ اغْنِنَا اللَّهُمَّ اغْنِنَا اللَّهُمَّ اسْقِينَا اللَّهُمَّ  
اسْقِينَا اللَّهُمَّ اسْقِينَا اللَّهُمَّ حَوَالَيْنَا وَلَا عَلَيْنَا اللَّهُمَّ عَلَى  
الْأَكَامِ وَالْجِبَالِ وَالظَّرَابِ وَبُطُونِ الْأَوْدِيَةِ وَمَنَابِتِ الشَّجَرِ

Аллоҳумма ағисна. Аллоҳумма ағисна. Аллоҳумма ағисна. Аллоҳуммасқийна. Аллоҳуммасқийна. Аллоҳуммасқийна. Аллоҳумма ҳавалайна вала ғалайна. Аллоҳумма ғалал окоми вал жибали ваз зироби ва бутунил авдияти ва манабитиш шажари.

*Маъноси:*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёмғир ёғиши учун Аллоҳ таолога «Ё Аллоҳ! Бизга ёмғир ёғдир. Ё Аллоҳ, бизга ёмғир ёғдир. Ё Аллоҳ, бизга ёмғир ёғдир! Ё Аллоҳ! Ёмғирни атрофимизга ёғдир, зиёнимизга ёғдирма. Ё Аллоҳ! Тепаликларга, тоғларга, баланд ерларга, дараларга ва яйловларга ёғдир», деб дуо қилардилар.

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни Масжиди саодатда жума хутбасини ўқиётган эдилар. Чўлдан бир аъробий келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бориб, хитоб қилди: «Ё Расулуллоҳ! Очликдан, қурғоқчиликдан ҳайвонларимиз ҳалок бўлди. Аллоҳга биз учун дуо қилинг, бизга ёмғир ёғдирсин». Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дарҳол муборак қўлларини самога очиб: «Аллоҳумма ағисна, Аллоҳумма ағисна, Аллоҳумма ағисна» – «Ё Аллоҳ, биз-

га ёмғир ёғдир», деб уч марта дуо қилдилар. Ўша дақиқаларда Мадина устини булутлар қоплади. Саҳобалар ҳали масжиддан чиқмаган ҳам эдилар, кўк гумбурлаб, чақмоқ чақиб, қаттиқ ёмғир ёға бошлади. Бу ҳол олти кун давом этди. Мадина кўчалари юриб бўлмайдиган аҳволга келди. Еттинчи кун жума куни эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна Масжиди саодатда хутба ўқиётган эдилар. Ўша пайт ҳалиги аъробий яна масжидга келди ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: «Ё Расулуллоҳ! Ёмғир кўплигидан ҳайвонларимиз ҳалок бўлмоқда. Йўлларда бориб-келиш қийинлашиб кетди. Дуо қилинг, ёмғир тўхтасин», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бунга жавобан кулимсирадилар. Қўлларини самога очиб, юқорида зикр қилинган дуони ўқидилар. Яъни, «Ё Аллоҳ, ёмғирни атрофимизга ёғдир ва зинимизга ёғдирма. Тепаликларга, тоғларга, баланд ерларга ва яйловларга ёғдир», деб дуо қилдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) минбардан тушган эдилар ҳамки, ёмғир бирданига тўхтади.

Ҳазрат Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) ривоятига кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёмғир ёғаётганида: «Аллоҳумма саййибан нафиан», яъни «Ё Аллоҳ, бу ёмғирни бизга фойдали қил», деб дуо қилардилар.

#### **84. Саъдни соғайтирган дуо**

اللَّهُمَّ اشْفِ سَعْدًا اللَّهُمَّ اشْفِ سَعْدًا اللَّهُمَّ اشْفِ سَعْدًا

**Аллоҳумма ишфи Саъдан. Аллоҳумма ишфи Саъдан. Аллоҳумма ишфи Саъдан.**

**Маъноси:**

«Ё Аллоҳ, Саъдга шифо бер. Ё Аллоҳ, Саъдга шифо бер. Ё Аллоҳ, Саъдга шифо бер».

**Шарҳ:**

Имом Муслим ривоят қилган бир ҳадиси шарифда айтилишича, жаннат билан башорат қилинган саҳобалардан Саъд ибн Абу Ваққос бир куни оғир хасталанди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Саъд ибн Абу Ваққоснинг ёнларига бордилар ва уч марта «Аллоҳумма ишфи Саъдан», деб дуо қилдилар. Ҳазрат Саъд дарҳол тузалиб кетдилар.

Насоий нақл этган ҳадисга кўра, Саъд ибн Абу Ваққос дейди: «Бир марта Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан Маккага борган эдим. Маккада шундай оғир касал бўлдимки, шифога кўзим етмасди. Ҳатто васиятимни ҳам тайёрладим. Ўша вақт Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнимга келдилар, мен у зотга қараб: «Ё Расулуллоҳ! Ўляпман», дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Йўқ», дедилар. Сўнгра муборак қўлларини самога очиб: «Аллоҳумма ишфи Саъдан», деб уч марта дуо қилдилар. Мен шу заҳоти тузалдим».

Ҳазрати Саъд ибн Абу Ваққос бу воқеадан сўнг роса ўн тўрт йил яшади. Ироқ аскарига лашкарбошилиқ қилди. Ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос дуоси қабул қилинадиган саҳобалардан эди ва жуда яхши ўқ отар, мерган эди. Бир жангда хизмат қилаётган мусулмон аёлга мушриклар ўқ отди ва ўқ аёлнинг юрагига санчилди. Аёл жон азобида шаҳид бўлди. Мушриклар буни кўриб қаҳқаҳа отиб кулишди. Бундан аччиқланган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазрат Саъдга буйруқ бериб: «Шу ўқни ол, сен от», дедилар. Ҳазрат Саъд ҳам ўқ отдилар. Ўқ

ўша мушрикнинг юрагига бориб санчилди. Мушрикнинг ҳам оёқлари осмонга кўтарилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бу ҳолга табассум қилдилар. Ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос мана шундай дуоларга сазовор бўлган зот эдилар.

### 85. Марҳумга мағфират сўраш дуоси

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِأَبِي سَلَمَةَ وَأَزْوَاجَ دَرَجَتِهِ فِي الْمَهْدِيِّينَ وَأَخْلَفَهُ فِي عَقِبِهِ فِي الْغَائِبِينَ وَأَغْفِرْ لَنَا وَلَهُ يَا رَبَّ الْعَالَمِينَ

Аллоҳумма иғфир лиабий Саламата варфаъ даражатаҳу фил маҳдийийна вахлуфҳу фий ъақибиҳи фил ғобирийна вағфир лана ва лаҳу йа Роббал ъаламийн.

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Абу Саламани мағфират қил! Ҳидоятга эришган қулларинг билан бирга унинг даражасини кўтар. Қолганлар учун ҳам бунинг изида юрадиган хайрли авлод бер, бизни ва уни кечир, эй оламлар Рабби!»

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Салама вафотидан кейин у киши ёнига кирдилар. Очиқ турган кўзларини юмдирдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Руҳ олингач, кўз унинг орқасидан қараб қолади», дедилар. Буни эшитган Абу Салама оила аъзоларидан бир нечаси бақириб йиғлай бошлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Нафасларингиз билан ўликларингизга фақат хайрли дуо қилинг, чунки дуоларингизга фаришталар омин, дейди», дедилар. Сўнгра муборак қўлларини очиб: «Ё Аллоҳ! Абу Саламани мағфират қил, ҳидоятга

эришган қулларинг билан унинг даражасини юксалтир. Қолганлар учун бунинг изида юрадиган хайрли авлод бер», деб дуо қилдилар.

Бу муборак дуо бизга марҳумга қилинадиган муносабат ва Аллоҳдан унга нима тилашимиз кераклигини билдирмоқда. Марҳумнинг мағфират қилиниши, унинг охиратдаги даражаси юксалиши ва авлодлари хайрли бўлиши учун бу муборак дуони ўрганишимиз, ўқишимиз керак.

### 86. Оғир кунларда ўқиладиган дуо

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْعَظِيمُ الْجَلِيمُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ لَا  
إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَرَبُّ الْأَرْضِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْكَرِيمِ

Ла илаҳа иллаллоҳул ʔазимул ҳалим, ла илаҳа иллаллоҳу Роббул ʔаршил ʔазим, ла илаҳа иллаллоҳу Роббус самавати ва Роббул арзи ва Роббул ʔаршил карим.

*Маъноси:*

«Улуғлик ва виқор соҳиби Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқдир. Азим аршнинг соҳиби Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ. Осмонларнинг, ернинг соҳиби ва улуғ Аршнинг молики Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ».

**Шарҳ:**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оғир кунларида мана шу муборак дуони ўқирдилар. Ундан бошқа илоҳ бўлмаган, буюклар буюгига, улуғ Арш, самовот ва ерни яратган, уларни камолга етказган Аллоҳга илтижо қилардилар. Шу зайлда мусибату балонинг йўқ бўлиши учун Яратганга илтижо қилиб, Уни ҳомий деб билардилар.

Бу муборак дуодан биз оладиган дарс шуки, ҳар мўмин Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таъриф қилганларидек, тенги ва ўхшаши бўлмаган, ягона Илоҳ, Арши азим, самовот ва ернинг Раббиси, гуноҳларни афв қилувчи ва яширувчи Аллоҳга илтижо билан ҳар турли бало, қадар, маънавий бузуқликларга шифо бўлиши учун бу муборак дуони ўқиши керак.

Аллоҳ таолога мана шундай етук ифода билан сиғинилади. Унинг буюк ёрдами сўралади. Аллоҳ бу илтижо мукофоти ўлароқ, бандасидан ҳар қандай ғам ва қадарни даф қилади. Бу дуони тасбеҳ ила юз марта ўқиганлар катта фитна, балолардан халос бўлиб, маънавий шифо топадилар, даражалари юксалади.

### 87. Тунда ўқиладиган дуо

اللَّهُمَّ رَبَّ جَبْرِيْلَ وَمِيكَائِيْلَ وَإِسْرَافِيْلَ فَاطِرَ السَّمَوَاتِ  
وَالْأَرْضِ عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ أَنْتَ تَحْكُمُ بَيْنَ عِبَادِكَ فِيمَا  
كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ اهْدِنِي لِمَا اخْتَلَفَ فِيهِ مِنَ الْحَقِّ  
بِإِذْنِكَ إِنَّكَ تَهْدِي مَنْ تَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

Аллоҳумма робба Жибрийла ва Мийкаийла ва Исрофийла, фотирассамавати вал арзи ʔалимал ғойби ваш шаҳадати, анта таҳқуму байна ʔибадика фийма кану фийҳи яхталифун, ихдиний лимахтулифа фийҳи минал ҳаққи биизника иннака таҳдий ман таша у ила сиротим мустақийм.

#### Маъноси:

«Жаброил, Микоил ва Исрофилнинг Рабби Ё Аллоҳ! Осмонлар ва Ерни йўқдан бор қилган Аллоҳ! Ғайб ва шаҳодат оламини билувчи Аллоҳ! Ўзинг их-

тилоф қилинган нарсалар хусусида қулларинг орасида ҳукм қиласан. Қулларинг ихтилоф қилган ҳаққа изнинг ила мени ҳидоят қил. Ўзинг истаган кишингни тўғри йўлга ҳидоят қиласан».

### **Шарҳ:**

Ҳазрат Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу муборак дуони кечаси ўқиганларини ривоят қилади. Дунёда инсонлар доимо ихтилофга тушганлар. Кўплаб мазҳаблар ва дин арбоблари ўз йўлларининг тўғрилигини баён қилиб, бошқаларни танқид қилади. Буларнинг орасидан ҳақ ва ҳақиқатни топиш, шубҳасиз, Аллоҳ таолонинг буюк ҳидояти саналади. Шу боис Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуолар қабул қилганидан кечада Жаброил, Микоил ва Исрофил каби малакларнинг Рабби Аллоҳга уларнинг исмини зикр қилиб, дуо этадилар. Аллоҳнинг қудратини, кучини, унинг барча нарсага ҳукмрон эканини таъкидлаб, ҳидоятга ҳам фақат Аллоҳнинг изни билан эришилувини билдирадилар. Бу муборак дуо Аллоҳ таолодан ҳидоят сўрашнинг энг мукамал шаклидир. Чунки тўғри йўл банда айтганидек, у иддао этганидек эмас, балки ҳар нарсани яратган Аллоҳнинг изни, ҳидояти билан топилади.

### **88. Фаришталарни мафтун этган дуо**

رَبَّنَا وَلَكَ الْجَمْدُ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ

**Роббана ва лакал ҳамду ҳамдан касийрон тойибан мубарокан фийҳи.**

*Маъноси:*

«Эй Раббимиз! Сенга кўп, пок ва муборак ҳамду сано бўлсин».

### **Шарҳ:**

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Рифоъа ибн Рофиъ айтади: «Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ортларида намоз ўқиётган эдик. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак бошларини рукудан кўтариб, «Самиаллоҳу лиман ҳамидаҳ», деганларида жамоатдан бир киши «Раббана ва лакал ҳамду ҳамдан касиран тоййибан муборакан фийҳи», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозни тугатгач: «Гапирган ким?» дедилар. Ўша киши: «Ё Расулуллоҳ! Мен ўқидим», деди. Буни эшитган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Валлоҳи, мен ўттиз нечта фариштанинг бу сўзни эшитиб, ким олдин ёзиш учун шошиб келаётганини кўрдим», дедилар.

### **89. Ҳамд дуоси**

اللَّهُمَّ رَبَّنَا لَكَ الْجَمْدُ مِلْءُ السَّمَاوَاتِ وَمِلْءُ الْأَرْضِ وَمِلْءُ مَا  
شئتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدُ

**Аллоҳумма роббана лакал ҳамду мил'ус самавати ва мил'ул арзи ва мил'у ма ши'та мин шай'ин баъду.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Эй Раббимиз, Сенга осмонлар тўлалигича, ер тўлалигича ва бошқа истаган нарсаларинг тўлалигича ҳамд бўлсин».

**Шарҳ:**

Бу ҳадиси шарифни Имом Муслим Абу Саид Худрий ва Ибн Аббосдан ривоят қилган: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рукудан тургач: «Аллоҳумма роббана лакал ҳамду милъус самава-

ти ва мил ул арзи ва мил у ма ши та мин шайъин баъду», деб дуо ўқидилар». Яъни, Аллоҳ таолога ҳамднинг чексизлигини билдириш учун еру кўк, биз билмаган барча яратилганлар билан мукамал ҳамд бўлсин, дедилар. Бу қулга берилган неъмат шукрининг энг гўзал ва буюк ифодасидир. Аллоҳ наздида энг севимли шукр ва саноидир. Уни кўп айтиш дуоларнинг қабулига васила бўлади.

Шу сабабдан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хутбаларини неъмат учун доимо Аллоҳга ҳамд айтиб бошлаганлар. Бошқа муборак дуоларнинг барчасида бунни кўрамиз. «Алҳамдулиллаҳи раббил алабийн», деб ҳар замон оламларнинг Раббига ҳамд айтилади. Бу ҳадиси шариф бизга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳамд калимасига берган аҳамиятларини ҳамда Аллоҳ наздида ҳамд калимасининг қимматини ўргатмоқда. Демак, ҳақиқий мўмин ҳамдни кўпайтирган кимсадир. Чунки мўмин Аллоҳ таолонинг чексиз неъматини билувчи, ҳақиқий шукр қилувчи банда, демакдир.

### 90. Такбир ва қироат орасидаги дуо

اللَّهُمَّ بَاعِدْ بَيْنِي وَبَيْنَ خَطَايَايَ كَمَا بَاعَدْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ  
وَالْمَغْرِبِ اللَّهُمَّ نَقِّنِي مِنَ الْخَطَايَا كَمَا يُنَقِّي الثَّوْبَ الْأَبْيَضَ  
مِنَ الدَّنَسِ اللَّهُمَّ اغْسِلْ خَطَايَايَ بِالْمَاءِ وَالثَّلْجِ وَالْبَرَدِ

Аллоҳумма баъид байний ва байна хатойайа кама баъадта байнал машриқи вал мағриби. Аллоҳумма наққиний минал хатойа кама юнаққис савбул абяду минад-данаси. Аллоҳумма иғсил хатойайа бил ма'и вас салжи вал бароди.

**Маъноси:**

«Ё Аллоҳ! Мени гуноҳларимдан шарқ ила ғарбнинг орасини очганинг қадар узоқ қил. Ё Аллоҳ! Оқ мато кирдан қандай тозаланса, мени ҳам гуноҳлардан шундай покла. Аллоҳ! Ўтган гуноҳларимдан ҳам сув, қор ва дўл ила эритиб тозалагандай тозала!»

**Шарҳ:**

Бу ҳадиси шариф Бухорий “Саҳиҳ”ида зикр қилинган бўлиб, Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намознинг бошида такбир ила қироат орасида бир оз сукут қилдилар. Мен эса: «Ё Расулуллоҳ! Онам, отам сизга фидо бўлсин! Бу пайтда сукут қилдингиз, нима дедингиз?» дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ё Аллоҳ! Мени гуноҳларимдан шарқ ва ғарбнинг орасини очганинг қадар узоқ қил. Ё Аллоҳ! Оқ мато кирдан қандай тозаланса, мени ҳам гуноҳларимдан шундай покла. Ё Аллоҳ! Гуноҳларимни сув, қор ва дўл ила тозалагин, дедим», дедилар».

Бу ҳадиси шарифда латиф қиёслама бордир. Шарқ ва ғарб бир-биридан узоқ бўлганидек гуноҳлардан ҳам узоқ бўлиш, оқ мато кирдан, сув, қор ва дўл ила тозаланиш шундай ўхшатишки, жуда маънодор, таъсирчандир. Чунки кир оқ матода бошқа матоларга нисбатан аниқ кўрилади. Ундан кўрилмайдиган қилиб покланиш сўралмоқда. Гуноҳ – ифлос нарса. У инсонда турган муддатча уни Жаҳаннамга судрайди. Унинг заррача доғини ҳам қолдирмасдан тозалаш керак. У мурдор оловдир. Инсонни ёқади. Уни гўзал қиёслаш билан сув, қор ва дўл ила тозала, де-

йилмоқда. Сув, қор ва дўл оловни сўндирганидек, у доғдан ҳам из қолмасин, дейилмоқда.

Кўриниб турибди, бу муборак дуо бизга гуноҳнинг қандай ёмон экани ва ундан қандай қочиш кераклигини кўрсатмоқда. Ундан покланиш учун Аллоҳга дуо қилиш зарурлигини билдирмоқда.

### 91. Тўшакка кирганда ўқиладиган дуо

بِسْمِكَ رَبِّي وَضَعْتُ جَنْبِي وَبِكَ أَرْفَعُهُ إِنْ أَمْسَكَتَ نَفْسِي  
فَارْحَمْهَا وَإِنْ أَرْسَلْتَهَا فَاخْفِظْهَا بِمَا تَحْفَظُ بِهِ عِبَادَكَ  
الصَّالِحِينَ

Бисмика Роббий вазоъту жанбий ва бика арфаъуху ин амсакта нафсий фарҳамҳа ва ин арсалтаҳа фаҳфазҳа бима таҳфазу биҳи ъибадакас солиҳийн.

*Маъноси:*

«Раббим! Фақат Сенинг исминг ила ёнимни тўшагимга қўйдим ва Сенинг исминг ила кўтараман. Аллоҳ! Агар жонимни олсанг, унга раҳм қил. Агар ҳаётда қолдирсанг, солиҳ қулларингни ҳимоя қилганингдек муҳофаза қил!»

**Шарҳ:**

Бу ҳадиси шариф Имом Бухорий ривоят қилган саҳиҳ ҳадислардан. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир саҳобийга: «Сиздан бирингиз ётоғига кирган вақт «Раббим! Сенинг исминг билан ёнимни ётоққа қўйдим ва Сенинг исминг ила кўтараман. Аллоҳ! Агар жонимни олсанг, унга раҳм қил! Агар ҳаётда қолдирсанг, солиҳ қулларингни муҳофаза қилганингдек, муҳофаза қил», десин», деб насиҳат

қилдилар. Бу муборак дуони ҳар мусулмон ўрганиб, ётаётганида ўқимоғи лозим. Бунинг маъноси, шу кеча ўлим келса, Аллоҳ раҳматига олади, соғ қолса, Аллоҳ таолонинг муҳофазасига эришади, демакдир. Мўмин ва мункир курашига саҳна бўлган бу дунёда мўминлар доимо мункирларнинг ҳар хил хужумларига учраганлар. Доимо таҳликага дуч келганлар. Ҳақ динининг мубашширларини кўз олдимизга келтирсак, Иброҳимни (алайҳиссалом) мункир Намруд оловга отмоқчи бўлмадими?! Аллоҳ эса бу солиҳ қулини дунёда муҳофаза қилиб, оловдан сақламадими?! Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн лашкарининг хужумига учрамадими?! Ўша пайтда Мусо (алайҳиссалом) ва тобелари Фиръавн лашкари қўлига тушадиган вақтда Аллоҳ Мусони (алайҳиссалом) ҳимоя қилиб, Фиръавн ва унинг лашкарини денгизга чўқирмадими?! Исони (алайҳиссалом) осмоқчи бўлиб, хужум қилганларга қарши Аллоҳ Исони (алайҳиссалом) ҳимоя қилиб, самога олиб кетмадими? Икки жаҳон сарварини ўлдириш учун у кишининг уйлари уйраб олиб, қиличлари билан кутган Абу Жаҳл одамларини ухлатиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ҳимоя қилмадими?!

Барча солиҳлар мана шундай. Аллоҳ уларни ҳар турли балодан сақлайди, ҳимоясига олади. Бу ҳадиси шарифда ҳам «Агар ҳаётда қолдирсанг, солиҳ қулларингни ҳимоя қилганинг каби мени ҳимоя қил, агар жонимни олсанг, раҳматингни эҳсон қил», дейилмоқда.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу фоний дунёдаги охириги сўзлари ҳам «Аллоҳуммамағфирли варҳамни» бўлгандир. У зот (алайҳиссалом) бу билан Аллоҳдан афв ва мағфират тилаганлар.

Раҳмати илоҳий инсонни ўраб олса, у инсон нажот топади. Охиратнинг қўрқинчли азобларидан халос бўлади. Ҳар турли гуноҳлардан ҳам қутулади. Ҳар мўмин учун бу муборак дуо Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг энг буюк ҳадяларидир. Агар мўмин ўша кеча ўлса, охират саодатига эришади, омон бўлса, Аллоҳнинг ҳимоясида яшайди. Бу сирни англаб етганлар қандай бахтли!

## 92. Дуони қатъий сўрайди

لَا يَقُولَنَّ أَحَدُكُمْ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي إِنْ شِئْتَ اللَّهُمَّ اِرْحَمْنِي إِنْ  
شِئْتَ لِيغْزِمَ الْمَسْأَلَةَ فَإِنَّهُ لَا مُكْرَهَ لَهُ

Ла яқуланна аҳадукум Аллоҳуммағфирли ин шиъта Аллоҳуммарҳамни ин шиъта лияъзимил масъалата фаиннаҳу ла мукриҳа лаҳу.

*Маъноси:*

«Сизлардан бирингиз асло: «Ё Аллоҳ, истасанг, мени афв эт, истасанг, менга марҳамат қил», деб дуо қилмасин. Қатъий сўрасин. Чунки Аллоҳни мажбурловчи йўқдир».

**Шарҳ:**

Имом Бухорийда нақл қилинган бу ҳадиси шариф бизга буюк ибрат дарсини бермоқда. Жоҳил сўфиларнинг «Хоҳласанг, афв эт, хоҳласанг, афв этма, хоҳла, менга марҳамат қил, хоҳла, менга марҳамат қилма», деган сўзлари жуда катта хатодир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу қатъий дуони билдириб, ўзлари ҳам шу тарзда афв ва марҳамат тилаганлар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга нима ўргатган бўлсалар, шуни билиш ва ўша

йўлда юриш энг буюк саодатдир. Набийларнинг йўлларини бузганлар ўз ақллари билан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сўзларини унутганлар эмасми?!

Илм, ирфон, ҳақиқат Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак сўзларидандир. Бу муборак сўзларни эшитиб, ҳақиқатга эришганлар қандай бахтли...

### 93. Яқинликка васила сўраш дуоси

اللَّهُمَّ فَأَيُّمَا مُؤْمِنٍ سَبَبْتُهُ فَاجْعَلْ ذَلِكَ لَهُ قُرْبَةً إِلَيْكَ يَوْمَ  
الْقِيَامَةِ

Аллоҳумма фааййума мўминин сабабтуҳу фажъал залика лаҳу қурбатан илайка явмал қиямати.

#### Маъноси:

«Ё Аллоҳ! Қайси мўминга оғир сўз айтган бўлсам, у сўзимни қиёмат кунида у учун Сенга яқинликка васила қил».

#### Шарҳ:

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминларга жуда шафқатли ва марҳаматли эдилар. Бу ҳақда Қуръони каримда «Рауфур Роҳим», деб зикр қилинган. Яъни, мўминларга жуда шафқатли эканлари билдирилган. У кишининг мўминларга меҳрлари ота-онанинг боласига меҳридан ҳам устундир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ё Рабб! Қайси мўминга оғир сўз айтган бўлсам, Сен қиёмат куни бу сўзимни у мўминга нисбатан Сенга яқинлик василаси қил», деб дуо қилмоқдалар. Яъни, бу оғир сўз

у мўмин учун жуда катта неъматга васила бўлиши сўралмоқда. Бу эса Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мўминларга нисбатан меҳр-шафқатли эканларининг энг буюк намунасидир.

Шубҳасиз, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сўзлари нажот учун энг буюк васила бўлганидек, у зотнинг оғир сўзлари ҳам мўминларга раҳмат василасидир.

### 94. Энг шарафли дуо

اللَّهُمَّ رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا  
عَذَابَ النَّارِ

**Аллоҳумма роббана атина фид дуня ҳасанатан вафил ахироти ҳасанатан вақина ъзабан нар.**

*Маъноси:*

«Ё Аллоҳ! Эй Раббимиз! Бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асра».

**Шарҳ:**

Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда ҳазрат Анас дейди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг энг кўп ўқиб юрадиган дуолари “Раббана атина фид дуня ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина ъзабан нар” эди».

Бу муборак дуода қул Раббисидан дунё ва охиратда хайрлар тилайди. Аллоҳдан дўзах азобидан асрашини сўрайди. Бу Бақара сурасининг 201-ояти бўлиб, ундаги «ҳасана» калимаси гўзаллик, яхшилик маъносини ифода қилади, инсонларга севинч берувчи неъмат маъносидадир. Буни яна бир оз очадиган бўлсак, банда охират гўзаллигини ишаш билан

ҳар турли севинч берувчи жаннат неъматлари ва Аллоҳ жамолини талаб қилади. Дунё яхшиликлари эса илм, ирфон, ибодат, сиҳат, хайрли мол, хайрли авлод, солиҳа аёл тарзида таъриф қилинади. Булар дунё саодати учундир. Бу муборак дуони Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо ўқиб юрганлар. Биз учун ҳам у ҳар турли дунё ва охират саодатини тилаш, Жаҳаннам оловидан сақланишимиз учун барча маънавий шифоларни ўзида жам қилган муборак дуодир.

### **95. Раҳмат ато қилишни сўраш дуоси**

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً  
إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ رَبَّنَا إِنَّكَ جَامِعُ النَّاسِ لِيَوْمٍ لَا رَيْبَ فِيهِ  
إِنَّ اللَّهَ لَا يُخْلِفُ الْمِيعَادَ

Роббана ла тузиғ қулубана баъда из ҳадайтана ваҳаб лана мин ладунка роҳматан иннака антал ваҳҳаб. Роббана иннака жамиъун наси лиявмин ла ройба фийҳи инналлоҳа ла юхлифул мийъад.

#### **Маъноси:**

«Эй Раббимиз! Қалбимизни ҳидоятга эриштирганингдан кейин тўғри йўлдан тойдирма, бизга ҳузурингдан раҳмат ато қил. Ўзинг кўп ато қилувчи Зотсан. Эй Раббимиз! Сен инсонларни шубҳасиз содир бўладиган кунда тўплайсан. Албатта, Аллоҳ ваъдасидан қайтмайди».

#### **Шарҳ:**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Оли Имрон сурасидаги бу муборак дуони бир куни жуда

кўп ўқидилар. Инсоннинг қалби ҳидоятга эришмоғи буюк лутф ва илоҳий эҳсон бўлиб, унинг йўлидан қайтиши эса жуда катта фалокатдир. Шунинг учун бу дуода «Эй Раббимиз! Қалбимизни ҳидоят қилганингдан сўнг бизни адаштира, бизга ҳузурингдан раҳмат ато қил», дея зикр қилинмоқда.

Дунё ва охират ҳаётининг энг буюк саодати қалбнинг ҳидоятга эришмоғидир. Энг буюк фалокат эса унинг бу йўлдан қайтмоғидир. Мана шу таҳлика боис Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни асҳобни ҳайратга солиб, дуони такрор ва такрор ўқидилар. Ҳидоят тўғри йўлни топиш, дегани. Шу сабабдан Раббимизга «Ё Аллоҳ! Сен бизга тўғри йўлни кўрсатиб, имон келтирганимиздан сўнг қалбимизни ботил фикрларга мойил қилма. Бизни муҳофаза қил. Бизни тўғри йўлдан адаштира. Раҳмати илоҳийингга қовуштир. У раҳмати илоҳий василаси ила ризоингга етишайлик. Бу йўлда бизни собит қил», деб дуо қилишимиз керак. Бу дуодаги «Ваҳҳаб» калимаси ҳаммага даражасига кўра берувчи демакдир. «Ваҳҳаблана» дейилгани билан эса ҳаммасининг истеъдод даражасига кўра бу дуонинг файзидан баҳраманд бўлиши билдирилган.

Яна бу муборак дуода: «ла тузиғ қулубана», дейилганки, бу қалбларимизни адаштира, деганидир. Қалб доимо айланиб, ўзгариб туради. Кўз кўрган ерга, қулоқ эшитган садога қараб ўзгариб кетади. Шу шаклда Аллоҳдан ҳам узоқлашиб кетади. Яъни, дуомизни дунё неъматидан маҳрум этмаганидек, охиратда ҳам масъуд бўлишимизни охират неъматидан баҳра олишимиз учун Аллоҳ ваъдасидан қайтмаслигини билдириб васила қиламиз.

Хуллас, буюк сирларни ўзида жам қилган бу муборак дуо Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни

ҳам ҳаяжонга солган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу дуони бир куни кўп ўқишлари ундаги сирлар самарасидир.

Қалблар Ҳаққа юзлангач, бошқа нарсаларга бурилиб кетмаслигини Аллоҳдан доимо тиламоқ ва бу муборак дуони ўқимоқ лозим.

### 96. Тун охирида дуо қилиш фазилати

يَنْزِلُ رَبُّنَا تَبَارَكَ وَتَعَالَى كُلَّ لَيْلَةٍ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا حِينَ  
يَبْقَى ثُلُثُ اللَّيْلِ الْآخِرِ يَقُولُ مَنْ يَدْعُونِي فَأَسْتَجِيبَ لَهُ مَنْ  
يَسْأَلُنِي فَأَعْطِيَهُ مَنْ يَسْتَغْفِرُنِي فَأَغْفِرَ لَهُ

*Маъноси:*

Раббимиз кечанинг учдан икки қисми ўтиб, бир қисми қолганида дунё осмонига нузул қилиб: «Дуо қилувчи борми? Қабул қилайин. Сўровчи борми? Унга берайин. Истиғфор айтувчи борми? Афв этайин», дейди.

**Шарҳ:**

Имом Бухорий нақл этган бу ҳадисда кечанинг сўнгги вақтларида дуо қилиниши ва намоз ўқиши ҳақида билдирилади. Оли Имрон сурасининг 17-ояти каримасида

الصَّابِرِينَ وَالصَّادِقِينَ وَالْقَانِتِينَ وَالْمُنْفِقِينَ وَالْمُسْتَغْفِرِينَ  
بِالْأَسْحَارِ

«Сабр қилувчилар, содиқлар, садақа берувчилар билан бирга саҳар вақтларида истиғфор айтувчилар ҳам мақталган».

Бу ҳадиси шарифдаги Аллоҳнинг дунё осмонига нузули маънавий қурбиятдир. Истиғфор айтган банда дуосининг қабули, демакдир.

Қози Байзовий: «Аллоҳ таоло жисмликдан покдир. Нузулдан мурод раҳмати илоҳийнинг дуо ва истиғфор қилувчиларга ҳосил бўлишидир», деган.

### **97. Муҳтожликдан паноҳ сўраш дуоси**

Илоҳо, мен Сендан ҳидоят, тақво, иффат ва бировга муҳтож бўлмасликни сўрайман.

### **98. Авфу марҳамат сўраш дуоси**

Ё Аллоҳ, мени афв эт, ёрлақа, тўғри йўлга бошла, менга офият бер, ҳалолдан ризқлантир.

Қалбларимизни ризолигингга уйғун бўлган амал ва ибодатга йўналтир.

### **99. Мушкулларда осонлик сўраш дуоси**

Парвардигоро, дош бериб бўлмайдиган балодан, инсонни ўлимга қадар судраб борувчи (мол, жон, оилага тааллуқли) мушкулотга дуч келишдан, (мол, жон, оилага тааллуқли) бало-қазодан ва душманларни қувонтирадиган бир мусибатга рўбарў бўлишдан паноҳ беришингни сўрайман.

Илоҳо, ожиз қолишдан, дангасалиқдан, қўрқоқликдан, алжиратиб қўювчи қариликдан, хасталиқдан, қабр азобидан, ҳаёт ва мамот фитнасидан паноҳ бер.

### **100. Гуноҳлар афвини сўраш дуоси**

Раббим! Мен ўз нафсимга кўп зулм қилдим. Сендан ўзга гуноҳларни кечиргувчи йўқ. Мени ёрлақа ва афв эт. Ғафур, Раҳим ёлғиз Сенсан.

Илоҳо, фойдаси тегмайдиган илмдан, қўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан, қабул бўлмайдиган дуолардан паноҳ бер.

### **101. Дўзах азобидан омонлик сўраш дуоси**

Ё Аллоҳ! Дўзах ўтида ёнишимга сабаб бўладиган фитнадан, дўзах оловидан, бойлик ва фақирликнинг ёмонлигидан мени асрагин.

Ё Аллоҳ! Ёмон феъл-атвор ва амаллардан, нафсоний орзулардан асрагин.

Ё Аллоҳ! Қулоғимнинг, кўзимнинг, тилимнинг, қалбимнинг, фаржимнинг ёмонлигидан асрагин.

---

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
1. Аллоҳга ёлворишлар жамланган дуо .....	5
2. Раҳмат дуоси .....	7
3. Уйдан чиқишда ўқиладиган дуо .....	9
4. Эзгу ишларга тавфиқ сўраш дуоси .....	11
5. Ўринга ётганда ўқиладиган дуо .....	13
6. Нур сўраш дуоси .....	14
7. Тунда уйғонганда ўқиладиган дуо .....	16
8. Аллоҳ билан аҳдлашув дуоси .....	18
9. Саодатга эришиш дуоси .....	21
10. Мағфират ва раҳмат сўраш дуоси .....	22
11. Авф тилаш дуоси .....	23
12. Илм, ҳилм, тақво ва офият сўраш дуоси .....	25
13. Паноҳ сўраш дуоси .....	26
14. Аллоҳга муҳаббат дуоси .....	29
15. Таважжух дуоси .....	31
16. Истихора дуоси .....	33
17. Сафарга чиқиш дуоси .....	36
18. Аллоҳга муножат .....	38
19. Яхшилик сўраш дуоси .....	41
20. Сиғиниш дуоси .....	43
21. Оғиз очиш дуоси .....	45
22. Хайрли ризқ ва Аллоҳ розилигига эриштирадиган дуо .....	46
23. Қабристонга кирганда ўқиладиган дуо .....	47
24. Азон дуоси .....	49
25. Шифо сўраш дуоси .....	52
26. Қалб собитлигини сўраш дуоси .....	53
27. Қадр кечаси дуоси .....	54
28. Ёмон қавмдан сақланиш дуоси .....	55
29. Овқатлангандан кейин қилинадиган дуо .....	55
30. Илк пишган мевани еганда ўқиладиган дуо .....	56
31. Сут ичилганда қилинадиган дуо .....	57
32. Уммат ҳақиқага дуо .....	57

33. Гўзал хулқ дуоси.....	58
34. Неъматларга шукрона дуоси.....	60
35. Лутф сўраш дуоси.....	62
36. Ёмонликдан паноҳ сўраш дуоси.....	63
37. Осонлик сўраш дуоси.....	65
38. Ҳаёт яхшилигини сўраш дуоси.....	66
39. Хотиржамлик ва қарздан қутулиш дуоси.....	67
40. Ҳидоят ва бойлик сўраш дуоси.....	68
41. Саломатлик сўраш дуоси.....	70
42. Ифбат сўраш дуоси.....	71
43. Покиза ҳаёт сўраш дуоси.....	73
44. Барака сўраш дуоси.....	74
45. Шукр дуоси.....	75
46. Уйқу олдидан ўқиладиган дуо.....	76
47. Уйқудан тургач, ўқиладиган дуо.....	77
48. Ой чиққанда ўқиладиган дуо.....	78
49. Таҳликалардан паноҳ сўраш дуоси.....	79
50. Хорликдан паноҳ сўраш дуоси.....	81
51. Куфр ва фақирликдан сақланиш дуоси.....	82
52. Қавмга дуо.....	82
53. Ҳожатхона ва ҳаммомга киришда ўқиладиган дуо.....	83
54. Янги либос кийганда ўқиладиган дуо.....	84
55. Фойдасиз суҳбатда ўқиладиган дуо.....	85
56. Касал кўргани борганда ўқиладиган дуо.....	86
57. Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) хос дуолари.....	87
58. Дастурхон дуоси.....	88
59. Ҳақиқий ҳаёт охирад ҳаётидир.....	89
60. Намоздан кейин ўқиладиган дуо.....	91
61. Аллоҳ марҳаматига юкуниш дуоси.....	94
62. Ризқ саросимасидан сақланиш дуоси.....	95
63. Зарарлардан паноҳ тилаш дуоси.....	96
64. Жаҳаннам ва қабр азобидан сақланиш дуоси.....	98
65. Уч офатдан сақланиш дуоси.....	99
66. Фаришталар дуоси.....	100
67. Икки дунё яхшиликларини жамлаган дуо.....	101

68. Сабр ва шукр дуоси .....	103
69. Неъмат заволидан сақланиш дуоси.....	104
70. Қулоқ ва кўз хайрини сўраш дуоси .....	105
71. Ёмон нафсдан сақланиш дуоси.....	107
72. Кенглик ва барака сўраш дуоси .....	108
73. Ёмонлик қилишдан сақланиш дуоси.....	109
74. Масжидга кириш дуоси .....	110
75. Ошлага ризқ сўраш дуоси.....	111
76. Мусибатдан хайр кутиш дуоси.....	112
77. Жаноза намозидан кейин ўқиладиган дуо.....	113
78. Шафоат сўраш дуоси .....	113
79. Барча ёмонликлардан сақланиш дуоси.....	115
80. Уловга минаётганда айтиладиган дуо .....	116
81. Яна бир дастурхон дуоси.....	118
82. Фазл ва барака дуоси.....	119
83. Ёмғир сўраш дуоси .....	121
84. Саъдни соғайтирган дуо.....	122
85. Марҳумга мағфират сўраш дуоси .....	124
86. Оғир кунларда ўқиладиган дуо.....	125
87. Тунда ўқиладиган дуо.....	126
88. Фаришталарни мафтун этган дуо.....	127
89. Ҳамд дуоси .....	128
90. Такбир ва қироат орасидаги дуо.....	129
91. Тўшакка кирганда ўқиладиган дуо.....	131
92. Дуони қатъий сўрайди .....	133
93. Яқинликка васила сўраш дуоси.....	134
94. Энг шарафли дуо .....	135
95. Раҳмат ато қилишни сўраш дуоси.....	136
96. Тун охирида дуо қилиш фазилати.....	138
97. Муҳтожликдан паноҳ сўраш дуоси .....	139
98. Авфу марҳамат сўраш дуоси .....	139
99. Мушуқулларда осонлик сўраш дуоси.....	139
100. Гуноҳлар афвини сўраш дуоси.....	140
101. Дўзах азобидан омонлик сўраш дуоси.....	140

*Диний-маърифий нашр*

**ПАЙҒАМБАРИМИЗ  
(соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг  
МУБОРАК 101 ДУОЛАРИ**

*(Матн, таржима ва шарҳ)*

*Муҳаррирлар:* Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ,  
Жамшид ШОДИЕВ

*Бадий муҳаррир* Элнур НИЁЗ ўғли

*Саҳифаловчилар:* Толибжон ҚОДИРОВ,  
Наргиза МИРЗАЛИЕВА

*Мусахҳиҳа* Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АИ 146. 2009.14.08.

Босишга 2018 йил 22 январда рухсат этилди. Офсет қоғози.

Қоғоз бичими 84 x 108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Ҳарф гарнитураси РТ Serif.

Офсет босма усули. Ҳисоб-нашриёт т.: 7,5. Шартли б. т.: 4,5.

Адади: 10000 нусха.

\_\_\_\_\_ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@mail.ru*.

Тел: (0-371) 227-34-30

“O‘qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйи

босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Янгишаҳар кўчаси, 1 уй.